ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

З. АКБАРОВА

# МЕҲНАТ СТАТИСТИКАСИ

ТОШКЕНТ-2006

Акбарова З. Меҳнат статистикаси (ЎҚув қўлланма). – Т.: ТДИУ, 2006, - 99 б.

Ушбу қўлланмада халқаро «Меҳнат статистикаси»нинг энг муҳим категория ва кўрсаткичлари баён этилган, улар орасида меҳнат бозори, ишчи кучига талаб ва таклифи, ишчи кучи қиймати, ишчи кучи кўчувчанлиги (мобиллиги), ходимларнинг турмуш, меҳнат ва дам олиш кўрсаткичлари алоҳида ажратиб кўрсатилган.

Қўлланма меҳнат ва меҳнат муносабати соҳасига ихтисослашган ўқитувчиларга ҳамда шу соҳага ихтисослашаётган талабаларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: и.ф.н., доц. А.Б.Хайитов

Тақризчилар: и.ф.д., проф. Э.Н. Набиев;
и.ф.н., доц. Х.Ж. Хўжақулов;
А.Набихўжаев

# К И Р И Ш

Иқтисодиётга иқтисодий фаолият бозор тамойилларининг жорий этилиши илгарилари мамлакатимиз учун номаълум бўлган бир қатор ижтимоий-иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг пайдо бўлишига, айниқса, меҳнат муносабатлари соҳасида сезиларли ўзгаришларга олиб келди.

Собиқ Иттифоқ халқ хўжалиги мажмуининг тарқалиб кетиши эса аҳолининг иқтисодиётдаги бандлик даражасига салбий таъсир этди. Ишсизлар ва иш қидириб юрган шахслар пайдо бўлди. Аҳолиниинг реал даромадлари пасайди. Натижада меҳнат низоларининг сони ортди. Аҳолининг норасмий сектордаги бандлиги кескин ўсди. Буларнинг барчаси «Меҳнат статистикаси» соҳасида тўла ҳолда ишонарли ахборот олиш учун «Меҳнат статистикаси»ни қайта кўриб чиқишни тақозо этди. Бу ҳаётий талаб «Меҳнат статистикаси» кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилиш методологиясини БМТ Статистика комиссияси ва Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган халқаро стандартларга яқинлаштириш йўли билан амалга оширилмоқда. Шу туфайли халқаро «Меҳнат статистикаси»нинг назарий асосларини тадқиқ қилиш республикадаги меҳнат ва меҳнат муносабатларини таърифлашда катта аҳамият касб этади.

Ўқув қўлланмада давлат статистика амалиётига Халқаро «Меҳнат статистикаси»ни тадбиқ қилиш мақсадида Халқаро меҳнат ташкилоти ва унинг статистик фаолияти қисқача баён этилиб, «Меҳнат статистикаси» тўғрисидаги 160-сонли қонунига кўра, Халқаро меҳнат ташкилотининг Конвенцияни ратификация қиладиган барча аъзо мамлакатлари меҳнат ҳақидаги маълумотларни муттасил тўплаб ва эълон қилиб боришлари керак. Шу маълумотлар тўпламига кирадиган – иқтисодий фаол аҳоли, бандлик, ишсизлик ва ошкора нотўлиқ бандлилик категориялари бўйича МҲТ шу категорияларни ёритишга алоҳида ўрин ажратилган бўлиб, шу билан бир қаторда иқтисодий фаол аҳолининг таркибий тузилиши ва тақсимланишини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Иш вақти ва унинг ўртача давомийлиги, ўртача иш ҳақи ва унинг таркиби ва тақсимланиши ҳақида ҳам маълумот тўплаб, ўрганиш лозим бўлганлиги туфайли бу саволлар ҳам ҳал этишга ҳаракат қилинган ва иш кучи қийматини ҳам баҳолаш ва таърифлаш берилган.

Истеъмол баҳо индекси аҳамияти ва ҳисоблаш усули ёритилиб, бу индекс билан бир қаторда аҳоли турмуш даражасига умумий таъриф бериш мақсадида қўлланиш тавсия этилган Инсон Тараққиёти Индекси ҳам ёритилган.

1985 йилда «Меҳнат статистикаси» бўйича 170-сонли тавсияларга биноан, меҳнат унумдорлиги, унинг даражасини ўрганиш муаммоларига тўхталиб, динамикасини ўрганиш усуллари ҳам баён этилган.

# I боб. «МЕҲНАТ СТАТИСТИКАСИ» ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА УСУЛИ

## 1.1. «Меҳнат статистикаси» фанининг предмети, унинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва асосий вазифалари

«Статистика» фани ҳозирги кунда «Математик статистика», «Статистиканинг умумий назарияси», «Ижтимоий-иқтисодий статистика», «Иқтисодиётнинг турли тармоқлари статистикаси», «Миллий ҳисобчилик ва «Меҳнат статистикаси» каби фанларни ўз ичига олган фанлар мажмуидир. «Статистика» ижтимоий-иқтисодий оммавий ҳодиса ва жараёнларнинг миқдорий томонини аниқ макон ва замонда уларнинг сифати билан узвий алоқада ўрганади.

«Меҳнат статистикаси» XIX аср бошларидан бошлаб ортиб бораётган бандлик ва ишсизлик муаммолари туфайли статистикада ўта муҳим ўринни эгаллай бошлади. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда аҳоли сонининг сезиларли ўсиши иш жойларига талаб қилинаётган меҳнатга лаёқатли аҳолининг кўпайишига олиб келди.

Муттасил ўсиб бораётган меҳнат унумдорлиги ишчи кучига эҳтиёж нисбатан (баъзида мутлақ) камайишини келтириб чиқарувчи омил ҳам ҳисобланади. Шунга кўра меҳнат потенциали, унинг тузилмаси, динамикаси ва ҳозирги босқичда ундан фойдаланишни статистик ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. «Меҳнат статистикаси»нинг асосий мақсади меҳнат потенциалини шакллантириш заминларини миқдорий таърифлаш, унинг тузилмасини турли белгилар (жинс ва ёш; маъмурий ва малака даражаси; ҳудуд бўйича тақсимланиши; ижтимоий-касбий гуруҳлар бўйича ва б.)га кўра ўрганиш; ишчи кучи бозорини таърифлаш; ишга яроқли аҳолининг ижтимоий, касбий ва ҳудудий кўчувчанлиги (мобиллиги)ни ўрганиш; ишчи кучига сарфлар даражаси динамикасини таҳлил қилиш ҳисобланади.

«Меҳнат статистикаси»нинг марказий вазифаларидан бири – меҳнат потенциалидан фойдаланишни (бандлик ва ишсизлик кўрсаткичлари; иш вақтидан фойдаланиш даражаси; меҳнат потенциалидан етарлича фойдаланмаганлик оқибатида иқтисодиётдаги йўқотишлар) таърифлаш. У, шунингдек, «Меҳнат статистикаси» кўрсаткичларининг мамлакат иқтисодий ривожланишини ифодаловчи энг муҳим кўрсаткичлар билан алоқаси ва ўзаро боғлиқлигини ҳам акс эттириши, бундан ташқари, ишчи кучи турмуш даражасини аниқловчи кўрсаткичлар – аҳолининг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитлари даражаси ва динамикасига ҳам статистик таъриф бериши керак.

«Меҳнат статистикаси» биринчи навбатда аҳолининг табиий тикланиши ва унинг миграцияси ҳодиса ва жараёнларини ўрганувчи демография билан боғлиқ. Шундай қилиб, у меҳнат потенциалининг шаклланиш шарт-шароитлари, унинг динамикаси ва ундан иқтисодиётда

фойдаланишни тадқиқ қилади. «Меҳнат статистикаси» демографик статистика маълумотларидан меҳнат потенциалининг барча миқдорий кўрсаткичларини ҳисоблаш ва таҳлил қилиш методологиясини ишлаб чиқишда фойдаланади.

«Меҳнат статистикаси» «Математик статистика» ва «Умумий статистика назарияси» билан ҳам узвий боғланган. Демография ва иқтисодиётда барча ҳодиса ҳамда жараёнлар эҳтимоллик характерига (туғилиш, касалланиш, шикастланиш, ўсиш; иқтисодиётнинг кўпгина тармоқлари фаолияти мавсумий характердалиги; сиёсий ҳодисалар ва б.) эга бўлганлиги учун, у «Меҳнат статистикаси»да «Математик статистика» ва «Эҳтимоллик назарияси» усулларидан кенгроқ фойдаланишни талаб қилади.

**«Статистика»нинг умумий назарияси** билан ўзаро алоқага келсак, у иқтисодий-статистик ахборотни тўплаш, ишлов бериш ва таҳлил қилиш методологиясини ишлаб чиқади. Бу, энг аввало, олинган ахборотни статистик кузатиш, назорат қилиш, маълумот тўплаш ва гуруҳлаш назариясига тегишлидир. Бундан ташқари, статистиканинг умумий назарияси статистик маълумотлар (динамика қаторлари статистик кўрсаткичларини ҳисоблаш; корреляцион-регрессив таҳлил, индексли усул ва б.) ни таҳлил қилиш усулларини тадқиқ қилади. «Меҳнат статистикаси» бу усуллардан фойдаланиб, меҳнат муносабатлари соҳасида содир бўлаётган ҳодиса ва жараёнларга миқдорий тавсиф бериш; меҳнат бозори ишлашининг муҳим кўрсаткичларини башорат (прогноз) қилиш, амалий фаолият учун хулоса ва таклифларни шакллантириш имкониятига эга.

«Меҳнат статистикаси» халқ хўжалигини башорат қилиш масалалари билан ҳам боғлиқ, чунки иқтисодий фаолиятнинг ҳар қандай истеъмоли ишлаб чиқариш жараёнининг ишчи кучи билан таъминланганлигини башорат қилишдан бошланади. «Меҳнат статистикаси»ни ўрганиш иш соҳасидаги амалий фаолият, электрон-ҳисоблаш машиналаридан фойдаланиш билан узвий боғланган. Бу меҳнат бозорида содир бўлаётган, амалий дастурларнинг стандарт ва ихтисослашган пакетлари ёрдамида механик ишлов беришни талаб қиладиган оммавий ҳодиса ва жараёнлар тўғрисидаги иқтисодий-статистик ахборотнинг кўплигидан келиб чиқади.

«Меҳнат статистикаси»нинг назарий асосини «Меҳнат иқтисодиёти» ташкил қилади. **«Меҳнат иқтисодиёти»** меҳнат муносабатлари соҳасида содир бўладиган ҳодиса ва жараёнларни ўрганадиган, уларнинг ривожланиш қонуниятларини очиб, меҳнат соҳасидаги муҳим категория ва кўрсаткичларига таъриф берадиган, шунингдек, уларни таҳлил ҳамда башорат қилишнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқадиган фандир. «Меҳнат бозори иқтисодиёти» меҳнат соҳасидаги оммавий ҳодиса ва жараёнларнинг методологияларини сифат жиҳатидан ўрганса, «Меҳнат бозори» статистикаси шу сифат аниқлигига миқдорий таъриф бериш методологиясини ишлаб чиқади.

Шундай қилиб, меҳнат ва меҳнат муносабатлари соҳасида содир бўлаётган ҳодиса ва жараёнлар «Меҳнат статистикаси»нинг **предмети** бўлса, меҳнат бозори унинг **тадқиқот объекти** ҳисобланади.

Шунга кўра, ҳозирги босқичда «Меҳнат статистикаси»нинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

- аҳолини мамлакат меҳнат потенциалини шакллантириш базаси сифатида статистик ўрганиш;
- аҳоли иқтисодий фаоллиги, бандлик ва ишсизлик кўрсаткичларини статистик таҳлил қилиш;
- меҳнат бозори ва унинг элементларига таъриф бериш;
- меҳнат бозорининг асосий тамойилларини ўрганиш;
- ишчи кучи таклифи, унга талаб ва меҳнат бозори конъюнктурасини статистик ўрганиш;
- аҳолининг нотўлиқ бандлиги ва иш вақтидан фойдаланишнинг статистик тавсифи;
- иқтисодиётнинг норасмий секторидаги бандликни ўрганиш;
- меҳнат бозоридаги ишчи кучи қиймати ва унинг динамикасини статистик ўрганиш;
- меҳнат унумдорлиги ва унинг динамикасини ўрганиш;
- ишчи кучининг мобиллиги(ходим ёки ижтимоий касбий мақомининг ўзгариши ва аҳоли ҳамда ишчи кучининг ҳудудий жойдан-жойга кўчиши)ни статистик таҳлил қилиш;
- ишчи кучининг турмуш, меҳнат ва дам олиш шарт-шароитларини иқтисодий фаолият натижаси сифатида таҳлил қилиш;
- меҳнат статистикаси кўрсаткичларини қиёслашни амалга ошириш.

## 1.2. «Меҳнат статистикаси» да қўлланиладиган усуллар

«Меҳнат статистикаси» ўз амалий фаолиятида «Статистиканинг умумий назарияси» ишлаб чиққан усуллардан фойдаланади. Аввало шуни таъкидлаш лозимки, меҳнат муносабатлари соҳасидаги барча ҳодиса ва жараёнлар динамикада ҳамда ўзаро боғлиқликда кўриб чиқилади.

«Меҳнат статистикаси» зарур ахборотни тўплашда олдиндан ишлаб чиқилган дастурларга кўра, белгиланган муддатда зарур ахборотни олиш имконини берадиган статистик кузатиш усулидан фойдаланади. Бу ахборотни олиш учун ялпи ва ноялпи кузатишнинг барча турларидан фойдаланилади. Кузатиш усулини танлаш кўп сонли омиллар: тадқиқот мақсади; тадқиқот дастури; моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларига боғлиқ.

Ахборот олингандан сўнг унинг назорати амалга оширилади. Бунда «Меҳнат статистикаси» назоратнинг қуйидаги турларидан фойдаланади:

- **статистик**, бунда кузатиш объектлари қамровининг тўлалиги; барча зарур графа ва қаторлар тўлиқ тўлдирилганлиги; зарур реквизитлар; манзил, сана, имзо, муҳрларнинг борлиги текширилади;

- **арифметик**, у микдорий боғланган кўрсаткичларга асосланади(масалан, ташкил этувчи элементлар йиғиндиси якундан катта бўла олмайди);

- **мантиқий**, у сифат боғланишига асосланади (масалан, 5-6 ёшли бола олий маълумотга эга бўла олмайди).

Олинган статистик ахборотнинг сифати текширилгач, уни жамлаш ва гуруҳлаш амалга оширилади.

Статистик маълумотларни жамлаш олдиндан тузилган дастур бўйича гуруҳий ва умумий якунларни олишдир. **Гуруҳлаш** ўрганилаётган бирликлар мажмуини ўрганилаётган белгиларига мувофиқ, миқдорий ва сифатий гуруҳларга тақсимлашдан иборат. Шундай қилиб, миқдорий гуруҳлаш миқдорий ифода (масалан, иқтисодиётда банд бўлганлар сони, ишсизлар сони, даромад ҳажми ва бошқалар бўйича гуруҳлаш)га эга бўлган белгилар (кўрсаткичлар)га асосланади, сифатий гуруҳлаш асосида эса миқдорий ифодага эга бўлиши мумкин бўлмаган кўрсаткичлар (масалан, меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг жинси ва ёши ҳамда ижтимоий-касбий гуруҳлари ва ҳ.к.) ётади.

«Меҳнат статистикаси» бўйича ахборотни жамлаш ва гуруҳлаш кейинги таҳлил учун бошланғич материал хизматини ўтайдиган кўрсаткичларнинг маълум тизимига эга бўлиш имконини беради. Бунда ҳам статистика умумий назарияси ишлаб чиқадиган усуллардан фойдаланилади.

Содир бўлаётган ҳодиса ва жараёнларнинг ҳажм ва даражаларини ифодалайдиган **мутлақ кўрсаткичлар** билан бирга қуйидагиларга кирадиган **нисбий катталиклар** ҳам ҳисобланади:

- динамиканинг нисбий катталиги ҳодиса вақтидаги ўзгариш йўналишини ифодалайди ва бу ўзгариш тезлигини ўлчайди (масалан, ўсиш ва қўшимча ўсиш суръати);

- тузилманинг нисбий катталиги ўрганилаётган кўрсаткич умумий ҳажмда ҳар бир компонент(таркибий қисми)нинг улуши ёки салмоғини ифодалайди (масалан, иқтисодий фаол аҳоли сонида иқтисодиётда банд бўлганлар сонининг ўсиши);

- қиёслашнинг нисбий катталиги турли объектларга тегишли бўлган бир ва айни ўша даврдаги икки ёки ундан ортиқ бир номдаги катталиклар нисбатини кўрсатади (масалан, ишсизларнинг жаҳон мамлакатлари бўйича сони);

- мувофиқлаштириш (координация)нинг нисбий катталиклари, бир ва ўша йиғиндининг турли элементлари нисбатини ифодалайди (масалан, шу мамлакатда иқтисодиётда банд бўлган эркаклар ва аёллар сонининг нисбати);

- интенсивликнинг нисбий катталиклари, у берилган ҳодисанинг маълум муҳитда тарқалиш даражасини акс эттиради (масалан, аҳоли зичлиги кўрсаткичи).

Меҳнат соҳасидаги ҳодиса ва жараёнларни ифодалашда ўртача катталиклар ҳисоб-китоби жуда муҳим ҳисобланади. У ўрганилаётган йиғиндининг (масалан, ходимлар иш ҳақининг ўртача даражаси) барча бирликлар учун хос бўлган, кўриб чиқилаётган умумий белгининг қийматини аниқлаш имконини беради.

Вариация кўрсаткичлари ҳисоб-китоби ўрганилаётган белгининг ўзгарувчанлик даражасини аниқлайди, яъни берилган йиғиндининг берилган белги муносабатида ўзгарувчанлигини ифодалайди. Вариацияларни ўрганишда дисперция ва ўртача квадратик тафовут муҳим статистик тасниф ҳисобланади.

«Меҳнат статистикаси» кўрсаткичларининг бошқа иқтисодий кўрсаткичлар билан ўзаро алоқаси яқинлиги, асосан корреляцион-регрессив таҳлил ўтказиш ёрдамида ўрганилади. Корреляция бандлик кўрсаткичлари ва ишсизлик кўрсаткичларининг бошқа иқтисодий кўрсаткичлар(ялпи ички маҳсулот, асосий капитал, инвестициялар, товар ва хизматлар экспорти , импорти ва бошқалар) билан алоқасининг яқинлигини миқдорий баҳолаш имконини беради. Регрессия кўрсаткичлари натижаси кўрсаткич факторли кўрсаткичга (масалан, меҳнат унумдорлиги 1% ошганда иш ҳақининг ўсиши) боғлиқлигининг миқдорий баҳосига эга бўлиш имконини беради.

«Меҳнат статистикаси»да индексли усулдан кенг фойдаланилади. Биринчидан, у «Меҳнат статистикаси» кўрсаткичлари (меҳнат унумдорлиги, иш ҳақи, аҳолининг номинал ва ҳақиқий даромадлари, истеъмол нархлари индекслари) динамикасини ўрганиш, иккинчидан, индексли факторли, таҳлил факторли белгининг натижа кўрсаткичига (масалан, ялпи ички маҳсулотнинг банд бўлганлар  ва меҳнат унумдорлиги ҳисобига ўсиши) миқдорий таъсирини аниқлаш имконини беради.

«Меҳнат статистикаси» меҳнат ва меҳнат муносабатлари соҳасида содир бўлаётган ҳодиса ва жараёнлар тенденцияларини ўрганиш мақсадида динамик қаторлар таҳлили усулидан фойдаланади. Бундай таҳлил натижасида аниқланган «Меҳнат статистикаси» кўрсаткичларининг ўсиш динамикасидаги тенденциялар уларнинг интерполяцияси (тадқиқ қилинаётган динамика қаторлари ичида номаълум даражаларни топиш) ва тренд экстрополяцияси (башорат қилиш) учун бошланғич материал хизматини ўтайди.

«Меҳнат статистикаси» ўрганилаётган йиғинди бирликларни бир неча белгилари бўйича таснифлашни амалга оширишда бу бирликларни (масалан, мамлакатлар ёки иқтисодий минтақалар) ҳар бир бирлик ўртача гуруҳлашга яқин кўрсаткичларга эга бўлган (масалан, минтақаларнинг бандлик даражаси, иш ҳақи ва аҳоли даромадлари бўйича гуруҳлаш), нисбатан бир хил гуруҳларга бирлаштириш имконини берадиган кластерли таҳлилдан

фойдаланади. Статистик ахборотни тўплаш, ишлов бериш ва таҳлил қилиш нитижалари одатда статистик жадвал ва графиклар (диаграмма ва статистик карталар) тузишнинг умумий тамойилларини ишлаб чиқади. Улардан меҳнат статистикаси кўрсаткичлари таҳлилининг оралиқ ёки пировард якунларини баён қилишда фойдаланади.

«Меҳнат статистикаси»да бир йўла тадқиқотлар ўртасидаги даврда (аҳолини рўйҳатга олиш ўртасидаги даврда) оралиқ кўрсаткичларга эга бўлиш имконини берадиган баланс усули алоҳида ўринни эгаллайди. Бундан ташқари, у меҳнат потенциалининг мавжудлиги ва ундан фойдаланиш (жумладан, банд аҳоли баланси ва ундан иқтисодиёт тармоқлари бўйича фойдаланиш)ни ифодалайди. Баланс усули мавжуд меҳнатга лаёқатли аҳоли ва ундан фойдаланиш орасидаги боғлиқликни аниқлаш имконини беради.

## 1.3. Халқаро Меҳнат Ташкилоти ва унинг статистик фаолияти

Халқаро Меҳнат Ташкилоти Халқаро меҳнат статистикасининг қарор топиши ва ривожланишида муҳим роль ўйнайди. У (ХМТ, International Labour Organization) 1919 йилда Миллатлар лигаси ҳузурида меҳнат ташкилоти сифатида ташкил этилган. Халқаро Меҳнат Ташкилоти 1946 йилдан бошлаб, БМТ нинг ихтисослашган муассасаси ҳисобланади, дунёнинг 171 давлати ХМТ аъзоси ҳисобланади. ХМТда француз ва инглиз тилларида иш юритилади, унинг қароргоҳи Женева шаҳридадир. ХМТнинг ваколатхоналари йирик давлатлар пойтахтларида фаолият кўрсатмоқда.

Уставига кўра, Халқаро меҳнат ташкилотининг вазифалари қуйидагилар ҳисобланади: иш вақтини регеоментлаш; ишсизликка қарши кураш; меҳнаткашларни касб касалликлари ва ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан ҳимоя қилиш; болалар, ўсмирлар ва аёллар меҳнатини муҳофаза қилиш; иш шароити муҳитини яхшилаш; ижтимоий суғурта ва таъминот масалаларини тартибга солиш; касбий-техник таълимни ташкил этиш ва ҳ.к.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг юқори органи – Бош конференция; ижро этувчи органи – Маъмурий кенгаш, у котибият – Халқаро Меҳнат Бюроси (ХМБ) ишига бошчилик қилади. ХМБ доимий ишлайди ва ХМТнинг ишчи органи ҳисобланади. ХМБ ахборот тўплайди ва тарқатади. Ҳукуматларга уларнинг илтимосларига кўра, ёрдам кўрсатади. Халқаро меҳнат ташкилотининг техник ҳамкорлик дастурларини бошқаради, махсус илмий тадқиқотлар ўтказади. Бу ташкилот доирасида ХМБ Статистика бюроси ташкил этилган. Маълум вақт ўтгандан сўнг бошқа доимий ишловчи орган – Меҳнат статистикасининг Халқаро конвенцияси ташкил этилди.

ХМБнинг Статистика бюроси Халқаро Меҳнат Ташкилотига аъзо мамлакатлар меҳнат тўғрисидаги статистик ҳисоботини тўплаш, ишлов бериш ва эълон қилишдек жорий фаолиятни амалга оширади. Меҳнат статистикасининг Халқаро конференцияларида жаҳоннинг шу соҳадаги етакчи мутахассислари назарий масалаларни муҳокама этади ва «Меҳнат

статистикаси»нинг турли жиҳатларига тааллуқли резолюцияларни қабул қилади.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ҳар йил ўтказадиган конференцияларида бўлажак иш режалари ва ўтган йилги режанинг бажарилаш якунлари муҳокама қилинади. ХМБнинг Статистика бюросида тайёрлаган материаллар кўриб чиқилади, шунингдек, конвенция ва тавсиялар қабул қилинади.

1985 йили бир йўла қабул қилинган меҳнат статистикаси тўғрисидаги 170-сонли тавсиялар, уларга амал қилиниши конвенциялардан фарқли ўлароқ, ХМТга аъзо мамлакатлар фикрига боғлиқ бўлади, статистик маълумотларни юқорида айтиб ўтилган бўлимлар бўйича тўплаш ва уларга ишлов бериш ҳамда имкони борича иқтисодий фаолиятнинг асосий тармоқларини қамраб олган ҳолда меҳнат унумдорлиги тўғрисида статистик маълумотларни ишлаб чиқиш ва тўплашга оид амалий тавсиялар акс эттирилган.

ХМБ томонидан ХМТга аъзо мамлакатлардан олинган маълумотлар меҳнат масалалари бўйича ойлик журналда (“International Labour Keview”), меҳнат статистикасига оид чораклик бюллетенда (“Bulletin of Labour Statistics”), øóíèíãäåê, ìåùíàò ñòàòèñòèêàñè бўйича éèëëèê òûïëàìàà (“Yearbook of Labour Statistics”) инглиз, француз ва испан тилларида эълон қилинади. ХМТ «Меҳнат статистикаси» йиллик тўпламининг 1935 йилдан буён ҳар чоракда чиқаётган бюллетени 1962 éèëäàí áåðè чоп этилмоқда.

1985 йили қабул қилинган «Меҳнат статистикаси тўғрисида»ги 160-сонли конвенцияга кўра, ХМТ Конвенцияни ратификация қиладиган барча аъзо мамлакатлари меҳнат тўғрисидаги асосий статистик маълумотларни қуйидаги бўлимлар бўйича мунтазам тўплаб ва эълон қилиб боришлари керак:

- иқтисодий фаол аҳоли, бандлик, ишсизлик ва ошкора нотўлиқ бандлик (йилда камида бир марта тўпланиши ва жинс ёки гуруҳлари ҳамда иқтисодий фаолият тармоқлари бўйича таснифланиши керак);
- иқтисодий фаол аҳолининг таркибий тузилиши ва тақсимланиши (ўн йилда камида бир марта тўпланиши ва турли ижтимоий-иқтисодий белгилар (жинс, ёш гуруҳлари, касбий гуруҳлар ёки малака даражалари, иқтисодий фаолият тармоқлари, бандлик мақоми бўйича ҳам, шу мамлакатнинг маъмурий-ҳуқуқий бўлинишидан келиб чиқиб, ҳудудлари бўйича ҳам таснифланиши керак);
- ўртача иш ҳақи ва иш вақтининг ўртача давомийлиги, иш ҳақининг вақтбай ҳақ тўлаш ставкалари ва иш вақтини нормал давомийлиги (йилда камида бир маротаба тўпланиб бориши лозим);
- иш ҳақи тузилмаси ва тақсимланиши ҳақида маълумот мунтазам вақт оралиқларида тўпланиб ўрганилади;
- ишчи кучи қиймати, унинг миқдори ва таркиби ҳақида;

- истеъмол баҳо индекси, аҳоли асосий гуруҳи ва бутун аҳоли бўйича истеъмол товар ва хизматлари алоҳида йириклаштирилган гуруҳлар бўйича эълон қилиниши керак;
- уй хўжаликлари харажатлари ва даромадлари тўғрисидаги маълумотлар билан таъминланиши керак;
- ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касбий касалликлар ҳақида маълумотлар йилда камида бир марта тўпланиши керак;
- меҳнат низолари билан боғлиқ бўлган иш ташлашлар ва бошқалар бўйича йилда камида бир марта маълумот тўпланиши керак ва бошқалар.

### 1.4. «Меҳнат статистикаси» кўрсаткичлари тизими

Меҳнат ва меҳнат муносабатлари соҳасида содир бўлаётган ҳодиса ва жараёнларни ўрганиш уларнинг миқдорий тавсифини ифодалаш имконини берадиган, ўзаро боғланган ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар тизими кўмагида амалга оширилади. Бу тизим иқтисодий фаолият жараёнида шу фаолият иштирокчилари ва энг аввало иш берувчи ва ёлланма ишчилар ўртасида мавжуд бўлган ўзаро ҳақиқий алоқаларни акс эттиради.

ХМТ томонидан ишлаб чиқилган «Меҳнат статистикаси» бўйича замонавий халқаро тавсиялар Халқаро «Меҳнат статистикаси» кўрсаткичларини ҳисоблашнинг услубий асоси ҳисобланади. Халқаро «Меҳнат статистикаси» кўрсаткичлари ифодаланадиган ўлчов бирликлари турига кўра, унинг кўрсаткичлари тизими ўзига натурал қиймат ҳамда меҳнат кўрсаткичларини қамраб олади.

Натурал кўрсаткичларга шу ҳодисанинг катталиги (миқдори)ни ифодалайдиган ва натурал ўлчов бирликларида ифодаланган кўрсаткичлар (масалан, иш вақти бирлигига аниқ маҳсулот турларининг ишлаб чиқарилиши, бандлар ва ишсизлар сони ва ҳ.к.) киритилади.

Қиймат кўрсаткичларига пул ифодаси кўрсаткичлари (масалан, ишсизлик нафақаларининг ўртача миқдори иш вақти фонди, миллий меҳнат унумдорлигининг даражаси ва ҳ.к.) киритилади. Меҳнат кўрсаткичлари иш вақти бирликларида (масалан, киши/соат, киши/кун, ўртача йилдаги ходимлар) ифодаланади.

Халқаро «Меҳнат статистикаси» кўрсаткичлари тизими қатор кичик тизимлардан таркиб топади. Уларнинг ҳар бири меҳнат ва меҳнат муносабатлари соҳасида содир бўлаётган ҳодиса ҳамда жараёнларнинг маълум сифатини ифодалайдиган мутлақ ва нисбий кўрсаткичлардан иборат бўлади.

Халқаро «Меҳнат статистикаси» кўрсаткичлари тизимининг асосий бўлимларига қуйидагилар киритилади:

- ҳар қандай мамлакат меҳнат потенциалини шакллантириш базаси сифатида аҳоли статистикаси кўрсаткичлари (аҳоли сони ва таркиби

кўрсаткичлари; меҳнат юкламаси кўрсаткичлари; аҳоли ва ишчи кучининг табиий ва миграция ҳаракати кўрсаткичлари);

- иқтисодий фаол аҳоли, бандлик, ишсизлик ва иқтисодиётнинг ишсизликдан йўқотиш кўрсаткичлари;
- ишчи кучи таклифи, унга талаб ва меҳнат бозори конъюнктураси кўрсаткичлари;
- нотўсиқ (қисман) бандлик, иқтисодиётнинг нотўсиқ бандликдан йўқотишлар ва норасмий сектордаги бандлик кўрсаткичлари;
- иш вақтининг давомийлиги ва ундан фойдаланиш кўрсаткичлари;
- ишчи кучи қиймати;
- меҳнатга ҳақ тўлаш кўрсаткичлари (иш ҳақи, меҳнат бўйича бошқа даромадлар, номинал ва ҳақиқий иш ҳақи);
- меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари (меҳнат унумдорлиги даражаси ва динамикаси; омилларнинг меҳнат унумдорлиги даражасига таъсирини баҳолаш; меҳнат унумдорлиги даражасини халқаро қиёслаш);
- аҳоли ва ишчи кучи меҳнат (ижтимоий, касбий ва ҳудудий) мобиллиги статистикаси кўрсаткичлари;
- ишчи кучининг турмуш шарт-шароитлари кўрсаткичлари (аҳолининг ҳақиқий ва номинал даромадлари; харажат ва жамғармалари; моддий бойлик ва хизматлар истеъмоли кўрсаткичлари; чакана товар айланиши кўрсаткичлари; турар жой ва узоқ фойдаланиладиган ашёлар билан таъминлаганлик кўрсаткичлари; ишлаб чиқаришда жароҳатланиш, касбий касалланиш, меҳнат низолари кўрсаткичлари; бўш вақт кўрсаткичлари.

Халқаро «Меҳнат статистикаси» кўрсаткичлари тизимини тузишда гуруҳлаш усулидан кенг фойдаланилади. Булардан статистик таҳлил учун энг муҳимлари қуйидагилар ҳисобланади:

а) **меҳнатга лаёқатлилик ёши бўйича гуруҳ**, БМТ Статистика комиссияси тавсия этган;

б) **ҳудудий гуруҳ** – мамлакатларни қитъалар (Европа, Осиё, Шимолий Америка, Жанубий Америка, Африка, Австралия ва Океания) ҳамда мамлакатлар бирлашмалари бўйича (Европа Иттифоқи, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти, Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари уюшмаси) ва бошқалар бўйича **халқаро даражада** гуруҳлаш. **Алоҳида мамлакатлар даражасида** ҳудудий гуруҳлаш асосида маъмурий-ҳудудий бўлинишиш ётади (масалан, АҚШ 50 штат ва 1 федерал округи; Япония – 44 префектура, 1 пойтахт округи ва 2 шаҳар префектурасига; Хитой – 22 музофот (Тайвансиз), 5 мухтор туман, 3 марказга бўйсунадиган шаҳарчага ажралади ва ҳ.к.). Ўзбекистон 12 вилоят, Қорақолпоғистон Автоном Республикаси ва 1та пойтахт шаҳардан иборат.

Бундан ташқари, «Меҳнат статистикаси»нинг барча кўрсаткичлари шаҳар ва қишлоқ аҳолиси учун алоҳида-алоҳида ҳисобланади;

в) **хўжаликларни ижтимоий шакллари бўйича гуруҳлаш,** у қуйидагича ажратилади:

- давлат корхоналари ва муассасалари;
- мулкчиликнинг жамоа шаклида бўлган корхона ва муассасалар (акциядорлик жамиятлари, кооперативлар ва ҳ.к.);
- хусусий корхона ва муассасалар;
- чет элликлар тасарруфидаги корхоналар;
- мулкчилик аралаш шаклида бўлган корхоналар.

г) **иқтисодиёт тармоқлари бўйича гуруҳлаш**, бу иқтисодий фаолиятнинг барча турларини халқаро стандарт тармоқ таснифи асосида гуруҳлаш бўлиб, унда фаолиятнинг қуйидаги турлари аниқланади:

- қишлоқ ҳўжалиги, ўрмон хўжалиги, ов;
- балиқчилик;
- қазиб олувчи (кон) саноат;
- қайта ишловчи саноат;
- электр энергияси, газ ва сув ишлаб чиқариш;
- қурилиш;
- савдо, меҳмонхоналар, ресторанлар;
- транспорт, алоқа, омбор хўжалиги;
- кўчмас мулк билан операциялар, ишлаб чиқариш хизматлари, ижара;
- маъмурият, муҳофаза, ижтимоий суғурта;
- маориф;
- соғлиқни сақлаш;
- бошқа шахсий ва жамоа хизматлари (атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, дам олиш, туризм, кўнгил очиш, маданий тадбирлар);
- уй хўжаликларига пулли хизматлар;
- эксҳудудий ташкилотлар.

д) **бандлик мақоми бўйича гуруҳ** – у ХМТ ишлаб чиққан бандлик мақомининг халқаро таснифига асосланади.

е) **касбий гуруҳ**, унинг асосида ХМТ қабул қилган касбларнинг халқаро стандарт асосида ётади, бу тасниф 4 босқичдан иборат бўлади.

Иқтисодиётнинг норасмий секторида банд бўлганлар сони, шунингдек, улар ишлаб чиқарган маҳсулот ва хизматлар ҳажмини аниқлашда жиддий қийинчиликлар борлиги туфайли барча мамлакатларнинг миллий статистика хизматлари иқтисодиётида банд бўлганлар сони ва янги кўрсаткичларга норасмий фаолиятни ҳисобга олиб, қўшимча ҳисоб-китоблар қилинади.

## Қисқача хулосалар

Бозор муносабатларининг мавжудлиги ва шу билан боғлиқ меҳнат бозорининг ҳолатини статистик баҳолаш, ўрганиш, таҳлил қилиш ва мамлакатимиз учун илгари номаълум бўлган миллий ҳисоблар тизими бир қатор кўрсаткичлар билан ифодаланади. Ижтимоий-иқтисодий ҳодиса ва

жараёнларни ўрганиш ва амалиётга тадбиқ этиш, бизнинг шароитимиз, амалиётимизга мос келмаган категориялар устида иш олиб бориш ва уларни иложи борича миллий ҳисоблар тизимидан чиқиб кетмасдан амалиётимизга мослаштириш ва шу каби вазифаларни ҳал этиш учун бозор механизмини, унинг қонуниятлари, тендецияларини чуқур ва мукаммал ўрганишда статистик тадқиқиотлар ташкил этишни талаб этади.

Меҳнат бозори статистикаси ўз предмети ва усулига эга бўлиб, статистика ижтимоий-иқтисодий оммавий ҳодиса ва жараёнларнинг миқдор томонини аниқ макон ва замонда, уларнинг сифати билан узвий боғлиқликда ўрганади.

Меҳнат статистикасининг асосий мақсади меҳнат потенциалини шакллантириш заминларини миқдорий таърифлаш, унинг таркибини турли белгиларга кўра ўрганиш; иш кучи бозорини таърифлаш; ишга яроқли аҳолининг ижтимоий, касбий ва ҳудудий мойиллигини ўрганиш, ишчи кучига харажатлар даражаси, динамикасини таҳлил қилиш ҳисобланади.

Меҳнат статистикасининг марказий вазифаларидан бири – меҳнат потенциалидан фойдаланиш, иш вақтидан фойдаланиш даражаси ва меҳнат потенциалидан тўла фойдаланилмаганлик оқибатда иқтисодиётдаги йўқотишлар каби саволларни таърифлашдир. Шу билан бирга ишчи кучи турмуш даражасини аниқловчи кўрсаткичлар, аҳолининг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароити даражаси ва динамикасига статистик таъриф бериш лозим. Меҳнат ва меҳнат муносабатлари соҳасида содир бўлаётган ҳодиса ва жараёнлар меҳнат статистикаси предмети бўлса, меҳнат бозори статистика тадқиқот объекти ҳисобланади.

Меҳнат бозори статистикаси методологияси барча назарий статистика усулларидан фойдаланади: абсолют ва нисбий миқдорлар, ўртача ва вариация кўрсаткичлари, гуруҳлаш ва таснифлаш, баланс ва индекслар усули, танланма кузатиш усули кабилардан.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Меҳнат статистикаси предметига таъриф беринг.
2. Бозор ва меҳнат бозорига таъриф беринг.
3. Меҳнат статистикасининг бошқа фанлар билан алоқасини изоҳлаб беринг.
4. Меҳнат статистикасининг бугунги кун вазифалари.
5. Меҳнат статистикасида қўлланиладиган усуллар.
6. Меҳнат статистикаси усули ва методологияси орасидаги бирлиги ва фарқи.
7. Халқаро Меҳнат Ташкилоти ва унинг статистик фаолияти қандай?
8. Меҳнат статистикаси қандай кўрсаткичлар тизимидан фойдаланади?

## Асосий адабиётлар

1. Акбарова З. Меҳнат бозори статистикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, Тошкент, 2004.
2. Под ред. С.Д.Ильенковой. Микроэкономическая статистика. Учебник. – М., 2004 г.
3. В.Г.Минашкин, О.Л.Козарезова. Основў теории статистики. – М., 2004 г.
4. Р.А.Шмойлова и др. Практикум по теории статистики. Учебной пособие. – М., 2004 г.
5. Р.А.Шмойлова и др. Теория статистики. Учебник. – М., 2004 г.
6. www.euireland.ie
7. www.cec.org.uk
8. www.eurunion.org
9. www.europarl.ie

# II боб. МЕҲНАТ ПОТЕНЦИАЛИ ВА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ МЕҲНАТ БОЗОРИ СТАТИСТИКАСИНИНГ ЎРГАНИШ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА

## 2.1. Меҳнат потенциали ва меҳнат ресурслари ҳақида тушунча

Иқтисодиётни бозор муносабати шароитига ўтиши, давлат аҳолиси турмуш даражасини янада юқорироқ поғонага кўтариш мақсадида, ишлаб чиқаришни ривожланиш динамикасининг ўсиши ва унинг самарадорлигини ошириш асосида амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш кучининг ривожланиши, ялпи ички маҳсулот барпо этилиши жамият аъзоларининг моддий ва маданий талабларини қондириш асосида иқтисодий самарадорликни ошириш ётади. Ишлаб чиқариш воситалари ва уларни ҳаракатга келтирувчи иш кучи – ишлаб чиқариш кучини ташкил этади. Самарадорлик муаммосини ҳал этиш, потенциал имкониятлардан – ишлаб чиқариш фондларидан, меҳнат ресурсларидан максимал фойдаланиш асосида, сифат таркибини ошириш ҳисобига давлат иқтисодий потенциалини кўпайтириш, рационал фойдаланиш ёрдамида бажарилади.

Пировард ишлаб чиқариш ҳар сўмига қанча харажат этилиши жамият учун муҳим бўлиб ҳисобланади, шунинг учун ялпи ички маҳсулот, пировард маҳсулот ўсиш суръати, асосий ва айланма фондларни, иш кучи ва бошқа ресурсларни ўсиш сурати орасидаги мутаносиблик оптимал миқдорини сақлаш, узлуксиз ҳисоб олиб бориш, текшириш зарурияти келиб чиқади.

Жамият ҳаётининг муҳим томонидан бири бўлиб иш кучини такрор ишлаб чиқариш ҳисобланади ва шу муносабат билан бу нафақат иқтисодий муаммо бўлиб, балки янги ижтимоий муносабатларни шаклланишига таъсир кўрсатиб, ўз ичига социологик, демографик, руҳий, сиёсий аспектларни қамраб олади. Халқ хўжалигининг ривожланиши муҳим омиллардан бири бўлиб, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, иқтисодий меҳнат фаоллигини ошириш ҳисобланади.

Меҳнат ресурслари жамият ишлаб чиқаришнинг асосий кучи бўлиб, ишлаб чиқариш воситалари, моддий бойликлар яратишда бевосита иштирок этади.

Бугунги кунда давлат меҳнат ресурсларидан фойдаланишга икки хил ёндашиш мумкин. Биринчиси, жамият ишлаб чиқаришида иқтисодий фаолият билан банд бўлганлардан тўлароқ фойдаланиш бўлса, иккинчидан иқтисодий фаолият билан банд бўлишга мумкин қадар кўпроқ аҳоли потенциал меҳнат ресурсларини жалб этишдир.

Ҳар қандай ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун уч элемент мавжуд бўлиши лозим:

- меҳнат предмети;
- ишлаб чиқариш воситалари;

- иш кучи.

Иш кучи ишлаб чиқариш кучларининг субъектив элементи ва унинг ишлаб чиқаришда тутган ўрни салмоқлидир. Ишлаб чиқариш воситалари энг сўнгги, замонавий, юқори унумли бўлмасин, иш кучисиз улардан ҳеч қандай наф бўлмайди. Иккинчидан, шу ишлаб чиқариш воситалари, ишлаб чиқарувчи кучларнинг моддий буюм қисми илгариги жонли меҳнат маҳсулидир.

Инсон меҳнат қилиш қобилияти моддий неъмат ёки хизматлар яратишда ўзига ўринбосар топади.

Ишлаш қобилиятига эга бўлган шахслар, яъни ишчи кучининг йиғиндиси меҳнат ресурсларини ташкил этади, буларга нафақат иқтисодий фаол аҳоли, балки бошқа категориялари ҳам, шу жумладан, ишдан ажралган ҳолда ўқиётганлар ва айни дақиқада ишламаётган ва иш қидираётганлар ҳам киритилади.

Меҳнат ресурслари ҳақида икки хил тушунча мавжуд:

- потенциал меҳнат ресурслари;
- ҳақиқий меҳнат ресурслари.

**Потенциал меҳнат ресурслари**га меҳнат ёшидаги меҳнатга лаёқатлилар киритилади. Меҳнат қилиш ёши динамикада ўзгарувчан бўлиб, бу ўзгариш давлат ривожланиш даражаси, иқтисодиёт кризиси ёки ривожланиши, меҳнат ресурсларига бўлган талаб кабилар таъсир кўрсатади. Масалан, иккинчи жаҳон урушида собиқ Иттифоқ ҳудудида 14 ёшдан юқори бўлганлар меҳнат ресурси қаторига киритилганлар.

Давлатимизда меҳнат ресурслар ёшининг қуйи чегараси 16 ёш бўлиб, юқори чегараси аёллар учун 55 ёшгача, эркаклар учун 60 ёшгача ҳисобланади. 16 ёш қуйи чегараси бўлиши билан илгариги, бозор муносабатларига ўтишдан олдинги даврда, мажбурий 11 йиллик ўрта таълим шароитида, мактабни ўқувчилар асосан 17 ёшга яқин битиришар эди ва меҳнат ресурслари сафига шу ёшдан кейин қўшилишган. Ҳозирги пайтда 9 синфгача мажбурий ўрта таълим бўлиб, 14 ёшни ташкил этади, демак ўқишни хоҳламайдиганлар меҳнат ресурслари қаторига қўшилишади.

Меҳнат ёшининг юқори чегараси ҳам турли хил имтиёзли меҳнат фаолияти билан банд бўлганлар учун мавжуд бўлиб, бундай имтиёзли нафақага чиқувчилар турли хил соғлиққа зарарли меҳнат шароитида фаолият кўрсатаётганлар, кўп болали аёллар, санъат ходимлари: ўйинчилар, духовой инструмент чолғучилар ва ҳоказолар бўлиши мумкин.

Меҳнат ёши чегараси ҳар бир давлат қонунлари билан белгиланиб, давлат миллий хусусиятларини ҳисобга олади. Шунинг учун меҳнат қилиш қобилияти ёши давлатлараро ҳам турличадир. Масалан, АҚШ, Швецияда меҳнат қилиш қобилияти қуйи чегараси 16 ёш, Франция, Японияда – 15 ёш, Италия, Грецияда – 14 ёш, Аргентина, Бразилия, Покистонда – 10 ёш, Польшада – 18 ёш. Юқори чегараси эса кўпгина давлатларда эркак ва аёллар учун бир хил бўлиб: АҚШ, Канада, Швеция, Японияда – 65 ёш, Норвегияда –

70 ёш, Францияда – 60 ёш, Эстонияда эса аёллар учун – 65 ёш, эркаклар учун – 60 ёш. Потенциал меҳнат ресурслари давлатда меҳнат қилиш имкониятига эга бўлганлар қанчани ташкил этишини кўрсатиб беради.

**Ҳақиқий меҳнат ресурслари** деганда, ўрганилаётган даврда аҳолининг ўз меҳнатига ўрин топган қисми тушунилади. Ҳақиқий меҳнат ресурслари потенциали меҳнат ресурсларига қараганда кўпроқдир:

- ишлайдиган ўсмирлар: ишлайдиган ўсмирлар сонига турли хил омиллар таъсир кўрсатади, энг кўпроқ таъсир кўрсатадиган омил ижтимоий-иқтисодий омилдир. Бунга оила иқтисодиёти ва фаровонлиги ҳам киради.

-ишлайдиган пенсионерлар: ишлайдиган пенсионерлар сонига, айниқса, демографик омил таъсир кўрсатади, яъни аҳолининг энг тез кўпайиб борувчи қисми катта ёшдаги кишилар, ҳозирги даврда аҳолининг қариш жараёни ва булар сони қанча тез кўпайса, ижтимоий-иқтисодий омилга таъсир этувчилар, ўз иқтисодиётини яхшилашга интилувчилар сони ҳам ошиб боради. Таъсир этувчи омиллардан яна бири маънавий омил бўлиб, меҳнат қилишга ўрганган инсоннинг меҳнати жамиятга керак эмаслиги тушкунликка олиб келади.

- имтиёзли пенсияга чиқиб ишламайдиганлар сонига;
- ишдан ажралган ҳолда ўқиётганлар сонига;
- уй-рўзғор ишлари билан банд бўлганлар сонига;
- бола тарбияси билан банд бўлганлар сонига;
- меҳнат қилишни истамайдиганлар сонига ва ҳ.к.

Меҳнат потенциали мавжуд меҳнат ресурсларини фақат миқдор томонидан эмас, балки сифат томонидан ҳам инобатга олиб, билим ва малака даражаси, интелектуал салоҳияти, касбий тайёргарлигини ўрганишдир.

## 2.2. **Меҳнат ресурслари сони ўзгаришига таъсир этувчи омиллар**

Меҳнат ресурслари аҳолининг бир қисми бўлиб, аҳоли сонининг ўзгаришига таъсир этадиган омиллар, меҳнат ресурслари ўзгаришига ҳам таъсир кўрсатади. Булардан демографик омил:

-табиий ҳаракат: туғилиш, вафот этиш, табиий ўсиш ва ҳ.к.

- механик ҳаракат: аҳоли миграцияси.

Иммигрант ва эмигрантлар сонида меҳнат қилиш ёшидаги меҳнатга қобилиятлилар салмоқли ўринни эгаллайди: Ўзига, ўз меҳнатига ўрин топишга ишонганлар. Демак, механик ҳаракат кўпроқ меҳнат ресурслари сони ўзгаришига таъсир кўрсатади ва бунга турли хил ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсир этади.

Иш кучи ҳаракати аҳоли механик ҳаракатига қараганда кенгроқ бўлиб, унинг қуйидаги турлари мавжуд:

- тармоқлараро;
- маконда;
- малакавий;

- функционал;
- халқаро.

Иш кучининг макондаги ҳаракати деганда, иш кучи иш жойини ўзгартириши натижасида бир истиқомат қилувчи жойдан бошқа жойга кўчиши тушунилади. Аҳоли ва иш кучи ҳаракатининг қуйидаги миграцияси таснифини кўриб чиқамиз:

**1.** Макон белгиси бўйича.

Ички миграция давлат миқёсида бир маъмурий-ҳудудий бирликдан бошқасига кўчиш, ҳудудлараро, вилоятлараро, шаҳардан қишлоққа ва қишлоқдан шаҳарга ва ҳ.к. Ташқи миграция давлат чегарасидан ўтиш билан боғлиқ бўлган ҳаракат. Мазкур давлатда вақтинча ёки доимий истиқомат қилиш учун бошқа давлатдан кўчиб келаётганлар - эмигрантлар.Бошқа давлатдан мазкур давлатга вақтинча ёки доимий истиқомат қилиш учун кўчиб келаётганлар - иммигрантлар.

**2.** Муддати бўйича:

- доимий;
- вақтинча;
- маятник турлардаги миграция ўрганилади.

Доимий миграция белгиланган муддат оралиғида мазкур давлатга доимий истиқомат қилиш учун кўчиб келганлар ёки ундан кўчиб кетганлар сони билан таърифланади. Доимий истиқомат қилиш жойини ўзгартирмасдан жорий эҳтиёжларини қондириш мақсадида мазкур давлатга кириб келганлар сони-вақтинча миграцияни ташкил этади. Мавсумий иш кучи вақтинча миграциядан алоҳида ҳисобга олинади.Бир ҳафтадан кам бўлган муддатда ишдан доимий истиқомат қилувчи маконда ва тескариси - маятник миграция дейилади.

**3.** Ташкил этилиши бўйича:

-ташкил этилган миграция;
-ташкил этилмаган миграция;
-қонуний;
-ноқонуний миграцияларга бўлиб ўрганилади.

Йиллик ажратилган квоталарга биноан иммигрантлар сони қонуний миграция дейилади.

Ноқонуний миграция ҳужжатлар билан ваколат берилмаган, мазкур давлат маконидан бошқа давлатлар маконига белгиланган қоидага риоя қилмасдан ўтиш мақсадида фойдаланилаётган миграциядир.

Бундан ташқари, касбий фаолиятни ноқонуний бажариш учун белгиланган қоидага риоя қилмай, мазкур давлатга кириб келиш ҳам ноқонуний миграция ҳисобланади. Уларга: виза муддати тугаганлар, сайёҳлик визаси билан меҳнат фаолити юритаётганлар, шунингдек, ноқонуний касбий фаолият юритиш, қурол-яроғ, наркотик моддалар ва ҳоказолар билан савдо қилиш, иш кучини ноқонуний йўллар билан чет элларга юбориш билан шуғулланувчилар киради.

**4.** Миграция сабаблари бўйича:

-сиёсий;

-ижтимоий-иқтисодий миграцияга бўлинади.

Меҳнат миграцияси иқтисодий фаол аҳолининг иш излаб, макондага ҳаракати, тармоқлараро ҳаракатидир. Меҳнат миграциясининг ички ва ташқи малака даражаси бўйича ва бошқа кўринишларга бўлиб ўрганиш мумкин.

## Қисқача хулосалар

Ишлаш қобилиятига эга бўлган шахслар, яъни ишчи кучининг йиғиндиси меҳнат ресурсидир.

Меҳнат ёшидаги меҳнатга лаёқатлилар потенциал меҳнат ресурсларига киради.

Меҳнат қилиш ёши, меҳнат ресурсларига, давлат ривожланишига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради, яъни меҳнат ресурсларига бўлган талаб меҳнат ёшининг ўзгаришига ўз таъсирини кўрсатади. Потенциал меҳнат ресурслари давлатда меҳнат қилиш имкониятига эга бўлганлар қанчани ташкил этишини кўрсатиб берса, ҳақиқий меҳнат ресурслари шу давлат меҳнат ресурслари имкониятидан қандай фойдаланилаётганини, ўрганилаётган даврда аҳолининг ўз меҳнат қилиш имкониятини тадбиқ қилиш ҳуқуқидан фойдаланилганлар тушунилади.

Ишлаб чиқариш кучининг ривожланиш асоси, ялпи ички маҳсулот динамикасининг ўсиши, жамият аъзоларининг ўсиб борувчи моддий ва маънавий талабларини тўларок қондириш асоси бўлиб иқтисодий самарадорлик ҳисобланади. Ҳар қандай жамият ишлаб чиқариш кучининг асоси бўлиб меҳнаткашлар, яъни меҳнат ресурслари ҳисобланади. Бозор муносабатларига ўтиш мақсади – аҳолининг турмуш даражасини юқори поғонага кўтариш ҳисобланиб, бунга эса барча ресурслардан самарали фойдаланиш асосида эришиш мумкин. Аҳолининг турмуш даражаси, меҳнат қилиш ҳуқуқини муҳофаза этишга боғлиқ бўлиб, уни нафақат меҳнат қилиш ҳуқуқи борлиги балки ишлашни хоҳловчиларни меҳнат билан таъминлашга имкон яратишга ёрдам беришдир.

Меҳнат ресурслари сонининг ўзгаришига аҳоли сонининг ўзгаришига таъсир этувчи демографик ва миграцион омиллар таъсир кўрсатади.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Иш кучининг ижтимоий ишлаб чиқаришда тутган ўрни.
2. Потенциал меҳнат ресурслари ҳақида тушунча ва унинг моҳияти.
3. Меҳнат ёшидаги аҳоли чегаралари.
4. Ҳақиқий иқтисодий меҳнат ресурслари ҳақида тушунча.
5. Меҳнат ресурсларини ўрганиш муаммолари.

6. Меҳнат ресурсларининг сонига таъсир этувчи омиллар.

## Асосий адабиётлар


1. Акбарова З. Меҳнат бозори статистикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, Тошкент, 2004.
2. Под ред. С.Д.Ильенковой. Микроэкономическая статистика. Учебник. – М., 2004 г.
3. В.Г.Минашкин, О.Л.Козарезова. Techновў теории статистики. – М., 2004 г.
4. Р.А.Шмойлова и др. Практикум по теории статистики. Учебной пособие. – М., 2004 г.
5. Р.А.Шмойлова и др. Теория статистики. Учебник. – М., 2004 г.
6. www.euireland.ie
7. www.cec.org.uk
8. www.eurunion.org
9. www.europarl.ie

# III боб. ИШ КУЧИ СТАТИСТИКАСИ

## 3.1. Меҳнат ресурслари баланси

Ўтган асрнинг 50-йиллари охирида собиқ Иттифоқ бўйича йиллик меҳнат ресурслари ёки иш кучи баланси тузила бошлади. Шу даврда статистик таҳлилнинг асосий усулларидан бири халқ хўжалиги ривожланишини режалаштириш ҳудуд ва тармоқлар бўйича иш кучини тақсимлаш муаммосини ҳал этишда муҳим аҳамият касб этар эди. Меҳнат ресурслари балансини Халқаро Меҳнат Ташкилоти ҳам тан олган.

Меҳнат ресурслари балансини тузишда нафақат «Меҳнат статистикаси» маълумотлари, балки бошқа тармоқ статистикаси маълумотларидан ҳам фойдаланилади. Меҳнат ресурслари баланси, иш кучи манбаларини кўрсатиб бериш билан бир қаторда иқтисодиёт тармоқлари бўйича, ҳудудлараро, фаолият тури, мулкчиликка эгалик ва ҳоказолар бўйича тақсимлашни кўрсатиб беради.

Бозор муносабатларига ўтилиши билан меҳнат статистикаси олдига қўйилган вазифалар доираси ҳам кенгайди. Шунингдек, меҳнат ресурслари балансига ҳам ўзгартиришлар киритилди, шулар қаторига бандлиликнинг янги турлари, кўринишларини инобатга олиш, янги ишчи категорияларини (иш берувчилар, ёлланма ишчилар, ўз-ўзича банд бўлганлар ва ишсизлик кўрсаткичлари ва ҳ.к.) эътиборда тутиш лозим бўлмоқда.

Ҳозирги кунда тузилаётган меҳнат ресурслари баланси жадвали қуйидагича:

1-жадвал

Меҳнат ресурслари баланси жадвали

| Кўрсаткичлар |
|---|
| 01.Меҳнат ресурслари - жами<br>шу жумладан:<br>02.Меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга қобилиятли аҳоли<br>03.Иқтисодиётда банд бўлган қариялар ва ўсмирлар<br>улардан:<br>04.Қариялар<br>05.Ўсмирлар<br>Меҳнат ресурсларининг тақсимланиши:<br>06.Иқтисодий фаол аҳоли - жами (07-09)<br>шу жумладан:<br>07.Иқтисодиёт тармоқларида бандлар - ҳаммаси<br>улардан:<br>- қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, овчилик<br>- балиқчилик;<br>- тоғ - қазилма саноати ва карьерлар излаш;<br>- қайта ишлов берувчи саноат; |

- электроэнергия, газ ва сув таъминоти;
- қурилиш;
- улгуржа ва чакана савдо: машина ва мотоцикллар, маиший товарлар, шахсий гигиена товарларини таъмирлаш;
- меҳмонхона ва ресторанлар;
- транспорт, омбор хўжалиги ва алоқа;
- молиявий воситачилик;
- кўзғалмас мулк билан операциялар, ижара ва тижорат фаолияти;
- давлатни бошқариш ва мудофаа, мажбурий ижтимоий суғурта;
- маориф;
- соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар;
- бошқа коммунал, ижтимоий ва шахсий хизматлар;
- хусусий уй хўжаликларининг ёлланма ишчилари ;
- эксҳудудий ташкилотлар ва идоралар;

08. Бандлар умумий сонидан (06 қатордан) қисқартирилган иш куни (ҳафтасига қисман иш ҳақи билан ёки умуман уни сақланмагандан ҳолда ўтказилган ходимлар)
09. Ишсизлар
10. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқувчилар (талабалар, мактаб ўқувчилари; тингловчилар ва ҳ.к.)
11. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги уй юмушлари ва ёш болалар тарбияси билан бандлар. **Баланс (06 Қ 10 Қ 11)** Балансдан ташқари: ёши бўйича ва қаровчисини йўқотганлиги учун
12. Нафақахўрлар
13. Мактаб ва бошқа ўқув юртларининг меҳнатга лаёқатли ёшгача бўлган ўқувчилари
14. Мактабгача ёшдаги болалар
15. Нафақа олмайдиган қариялар

Жами иқтисодий нормал аҳоли (10Қ11Қ12Қ13Қ14)

## 3.2. Иқтисодий фаол аҳоли

Меҳнат бозори элементлари ва уни статистик ўрганиш имкониятлари тўғрисида юқорида баён этилган тасаввурлар статистик амалиётда мувофиқ келувчи статистик тушунча ва тоифалар тўпламидан фойдаланишни белгилаб берди.

Ишчи кучининг таркибий тузилишини статистик таҳлил қилиш, меҳнат бозоридаги талаб ва таклифни башорат қилиш ҳамда меҳнат бўйича маълумотларни халқаро қиёслашда XV меҳнат статистиклари Халқаро конференцияси қабул қилган «Бандлик мақомининг халқаро таснифи» (инглизча версияси ICSE - 93, ўзбекча версияси БМХТ - 93) муҳим аҳамият касб этади. Айтиб ўтилган классификатордан фойдаланиш статистик

амалиётга бандлик турлари бўйича иқтисодий фаол аҳолининг қуйидаги тоифаларини киритишни назарда тутади.

Иқтисодий фаол аҳоли – товар ва хизматларни ишлаб чиқариш учун (бунга товарларни бозор, бартер ва шахсий истеъмол учун ишлаб чиқариш ҳам киритилади) ўз меҳнатини таклиф қиладиган ҳар иккала жинсга мансуб шахслардир. Халқаро стандартларга кўра, иқтисодий фаол аҳолига банд бўлган барча аҳоли ва ишсизлар киритилади. Бунда аҳоли ҳарбий хизматчилар ҳам қўшилган ҳолда иқтисодий фаол аҳоли ва фақат фуқаролардан иборат иқтисодий фаол аҳолига (яъни ҳарбий хизматчиларсиз) ажратилади.

Кўпинча "иқтисодий фаол аҳоли" тушунчаси ўрнида "ишчи кучи" ва "меҳнат ресурслари" тушунчалари ишлатилади. Аммо шуни назарда тутиш керакки, "меҳнат ресурслари" тоифаси юқорида айтилган тоифалардан фақат "бандлар" ва "ишсизлар"нигина эмас, балки меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнатга лаёқатли ёшдаги ўқувчилар, уй бекалари, ҳар хил сабабларга кўра иқтисодий фаол аҳоли ҳисобланмайдиган меҳнатга лаёқатли бошқа шахсларни қамраб олиши туфайли фарқланади.

БМХТ - 93 алоҳида шахсларни ҳақиқий ёки потенциал бандликка кўра таснифлайди. Бунда банд бўлган шахслар мақомини улар ҳақиқий бажараётган ишлари асосида, ишсизларникини эса улар охирги бажарган ишлари (агар улар ишлаган бўлсалар) ёки улар излаётган иш тури асосида аниқлаш керак бўлади.

Қуйидаги гуруҳларни фарқлаш тавсия этилади:

1. Ёлланма ходимлар.
2. Иш берувчилар.
**3.** Ўз ҳисобига ишлайдиган шахслар.
**4.** Ишлаб чиқариш ширкатлари аъзолари.
**5.** Ёрдам берувчи оила аъзолари.
**6.** Мақом бўйича таснифланмайдиган ходимлар.

**Ёлланма ходимлар.** Ишловчиларнинг энг кўп сонли гуруҳи бўлиб, у меҳнат шарт-шароитлари ва унга ҳақ тўлаш тўғрисида ҳар қандай мулкчилик шаклидаги корхоналар ёки алоҳида шахс билан меҳнат шартномаси (контракт, битим) тузган шахсларни ўз ичига олади.

Бу гуруҳни ташкил этувчилар сифатида БМХТ - 93 қуйидаги кичик гуруҳларни ажратади:

- муддати қатъий белгиланган доимий ёлланма ишчилар;
- муддатсиз меҳнат битимига эга доимий ёлланма ишчилар;
- тасодифий ходимлар;
- қисқа даврга қабул қилинган ходимлар;
- мавсумий ходимлар;
- касаначилар;
- пудратчилар;

- бир корхона билан меҳнат шартномасига эга бўлган, аммо ишни бошқа корхонада бажарадиган ходимлар;

- артель аъзолари, (булар қаторига бутун гуруҳи билан ишга қабул қилинадиган, бунда ёллаётган ташкилот шартномани ҳар бир алоҳида ходим билан эмас, балки артель раҳбари ёки воситачи билан тузадиган гуруҳ ходимлари киритилади).

**Иш берувчилар.** Бу гуруҳга мустақил ёки бир ёки бир неча шериклар билан бирга ишлаб, доимо “ёлланма ишчи” сифатида бир ёки бир неча ходимларни ёллайдиган ходимлар киритилади.

**Ўз ҳисобига ишлайдиган шахслар**. Бу гуруҳга қоидага кўра, мустақил ёки шериклар билан ишлайдиган ва доимий асосда ҳеч қандай ёлланма ишчиларни ёлламайдиган шахслар киритилади.

**Ишлаб чиқариш ширкатлари аъзолари.** Бу гуруҳга ширкатларнинг фаол (ишлайдиган аъзолари ҳисобланадиган шахслар киритилади. Бунда ҳар бир аъзо ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, маҳсулотларни сотиш, корхона даромадларини ширкат аъзолари ўртасида тақсимлашга алоқадор масалаларни бошқалар билан тенг ҳуқуқларда ҳал қилади. Ишлаб чиқариш ширкатларида ёлланма ишчилар бу гуруҳга киритилмаслиги алоҳида айтиб ўтилади.

**Оиланинг ёрдам берувчи аъзолари.** Оилавий корхоналар (бизнес)да фаолиятни шу уй хўжалигида яшовчи қариндош бошқарадиган шахслар оиланинг ёрдам берувчи аъзолари ҳисобланади. Бунда уларни шериклар сифатида таърифлаб бўлмайди, чунки уларнинг корхона фаолиятидаги иштироклари иш вақти ва бошқа омиллар нуқтаи назаридан турличадир.

**Бандлик мақоми бўйича таснифланмайдиган ходимлар.** Бу гуруҳга илгарилари даромад келтирадиган меҳнат фаолияти билан банд бўлмаган ишсизлар ва зарур ахборотнинг етарли эмаслиги ёки қандайдир бошқа сабаблар туфайли юқорида айтиб ўтилган гуруҳлардан бирортасига ҳам киритиш мумкин бўлмаган шахслар киритилади.

Банд аҳоли - иқтисодий фаол аҳолининг бир қисми бўлиб:

- иш хақи ёки даромаднинг бошқа тури учун ёлланма ишни (бир соат бўлса ҳам) бажарган ёки корхона билан расмий алоқани сақлаб қолган;

- оилавий корхонада ҳақ олмай иш (бир соат бўлса ҳам) бажарган;

- касаллик, меҳнат таътили (ҳомиладорлик ва туғиш ҳамда болага қараш бўйича таътилларни ҳам қўшган ҳолда), иш ташлашлар, об-ҳаво шарт-шароитлари ва шу кабилар туфайли ишда вақтинча йўқ бўлган, аммо улар йўқлигида уларга иш ҳақи ёзилган - ёзилмаганлиги ва улар бу вақтда янги иш излаган - изламаганликларидан қатъиназар, корхона билан расмий алоқани сақлаб қолган бўлади.

Шундай қилиб, бандлар сонида: давлат корхона ва ташкилотларида; барча турдаги ширкатларда; хусусий корхоналар ва аралаш мулкчилик шаклидаги корхоналарда; фермер хўжаликларида ишлаб турган, шунингдек,

ўз ёрдамчи хўжалигида ва айрим шахсларда якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган шахслар ҳисобга олинади.

Ишсизлар - мамлакат миллий қонунчилигида меҳнатга лаёқатли ёшнинг қуйи чегараси сифатида қабул қилинган маълум ёшга етган, кўриб чиқилаётган даврда:

- ишга (даромадли машғулотга) эга бўлмаган;
- дарҳол ёки миллий қонунчиликда белгиланган давр мобайнида ишга киришишга тайёр бўлган;
- иш излаб юрган шахслардир.

Қуйидагилар иш излашнинг ҳақиқий белгилари ҳисобланади: давлат ва хусусий ишга жойлаштириш бюросида рўйхатдан ўтиш; иш берувчилар, корхоналар маъмуриятига бевосита мурожаат қилиш; матбуотда эълон бериш; шахсий алоқа ва шу кабилардан фойдаланиш, шунингдек, ўз ишини ташкил этиш (лицензия олиш, ер, бино, машина, асбоб-ускуналар ва бошқаларни олиш)га уринишлар.

Ишсизлар тоифасига киритишда юқорида келтирилган учта мезоннинг ҳаммасига риоя қилиниши керак. Меҳнат бозорининг инфратузилмаси ривожланмаган ҳолатларда, дастлабки икки мезон билан чегараланилади. Иш излаётган ва ишга тушишга тайёр бўлган ўқувчилар, талабалар, нафақахўр ва ногиронлар, агар улар ишсизлар умумий сонини аниқлашда ҳисобга олинган бўлса, имкони борича алоҳида ажратилади.

Иқтисодий нофаол аҳоли - ишчи кучи таркибига, яъни бандлар ва ишсизлар қаторига кирмайдиган, текширилаётган ёшдаги аҳоли. Аҳолининг бу гуруҳига: болалар, ўқувчилар, уй бекалари, ишламаётган нафақахўрлар ва турли сабабларга кўра ишламаётган аҳоли киритилади.

Халқаро стандартларда “иқтисодий фаол аҳоли” атамаси уни аниқловчи икки ўлчовни – бу, одатда, фаол аҳоли, вақтига кўра давомли даврга (қоидага кўра, йилга) татбиқан ва жорий фаол аҳоли ёки айнан, ишчи кучи, қисқа вақт бўлагига (кун ёки ҳафтага) татбиқан назарда тутувчи ўхшаш тушунча сифатида ишлатилади.

Турли мамлакатларда иқтисодий фаол аҳоли сонини аниқлашда унинг таркибида қуйидаги гуруҳларни ҳисобга олиш муносабатида фарқлар бор: ҳарбий хизматчилар; давлат муассасаларида сақланаётган шахслар (масалан, қамалганлар); резервацияларда яшовчи шахслар; биринчи бор иш излаётган шахслар; мавсумий ишчилар ва нотўлиқ иш вақтида иқтисодий фаолият билан банд бўлган шахслар. Айрим мамлакатларда бу гуруҳларнинг ҳаммаси ёки маълум қисми иқтисодий фаол аҳоли тоифасига киритилади, бошқа мамлакатларда эса улар нофаол тариқасида талқин қилинади. Аммо одатда иқтисодий фаол аҳоли тўғрисидаги маълумотларга: талабалар, уй иши билан банд бўлган аёллар; пенсионерлар; тўлиқ ўз маблағлари ҳисобига яшовчи шахслар; тўла бошқаларга қарам шахслар киритилмайди. Қамалганлар, қоидага кўра, улар иқтисодий фаолиятда иштирок этишларидан қатъиназар бандлар ва ишсизлар таркибига киритилмайди.

Иқтисодий фаол аҳолини таърифлаш мақсадида гуруҳлаш усулидан кенг фойдаланилади. Бу гуруҳларни шартли тарзда икки турга: умумдемографик ва ижтимоий - иқтисодий турларга ажратиш мумкин.

Умумдемографик гуруҳлар фақат иқтисодий фаол аҳолигагина эмас, балки бутун аҳолига тааллуқлидир. Уларга қуйидагилар киради:

а) жинс ва ёш бўйича гуруҳлаш;

б) ҳудудий гуруҳлаш (турар жой бўйича), ҳар бир мамлакатнинг маъмурий - ҳудудий бўлиниши асосида амалга оширилади;

в) шаҳар ва қишлоқ аҳолисига гуруҳлаш, ҳар бир мамлакатда амалда бўлган мезонларга мувофиқ амалга оширилади;

г) оилавий аҳволга кўра гуруҳлаш (никоҳда турганлар, бўйдоқлар, ажралганлар, бевалар);

д) оила аъзолари сони бўйича гуруҳлаш;

е) миллати ва она тили бўйича гуруҳлаш (ҳар бир кишининг ўз фикри асосида);

ж) фуқаролик бўйича гуруҳлаш (мазкур шахс қайси давлат фуқароси ҳисобланади);

з) маълумоти даражасига кўра гуруҳлаш (шу мамлакатда қарор топган таълим тизимига мувофиқ);

и) яшаш учун зарур маблағлар манбалари бўйича гуруҳлаш (машғулотлардан даромадлар; пенсиялар; нафақалар; стипендиялар; сармоядан даромадлар; фоизлар; дивидентлар; ижарага бериш; айрим шахслар боқимандалари; жамоалар боқимандалари; давлат боқимандалари).

Ижтимоий - иқтисодий гуруҳлар бевосита иқтисодий фаол аҳолига тааллуқли бўлиб, унинг иқтисодий фаолиятдаги ўрнини ифодалайди. Буларга энг аввало, синфлар ва ижтимоий гуруҳлар бўйича гуруҳлаш киради, бу усул илгарилари собиқ социалистик мамлакатлар статистикасида қўлланилган. Ҳозирги кунда 4-бандлик мақомининг халқаро таснифи базасида амалга ошириладиган бандликдаги ҳолати билан алмаштирилган.

Иқтисодий фаол аҳоли, бандлар ва ишсизлар сони тўғрисидаги маълумотлар асосида иқтисодий фаоллик, бандлик ва ишсизликнинг мувофиқ келувчи коэффициентлари алоҳида жинс ва ёш гуруҳлари бўйича ҳам, бутун аҳоли учун аниқланади. Бунда бандлик ва ишсизлик коэффициентларини қуйидаги категорияларга нисбатан ҳисоблаб чиқиш мумкин:

а) аҳолининг умумий сонига;

б) иқтисодий фаол аҳоли сонига.

Айтиб ўтилган кўрсаткичлар ҳисоб-китоби қуйидаги формулалар бўйича амалга оширилади:

$$K_{фаол} = \frac{S_{\text{фаол}}}{S_{\text{банд}}} x100;$$

$$K_{банд} = \frac{S_{фаол}}{S_{умум}} x100;$$

$$K_{банд} = \frac{S_{банд}}{S_{фаол}} x100;$$

$$K_{банд} = \frac{S_{банд}}{S_{умум}} x100;$$

$$K_{иш\ с} = \frac{S_{иш\ с}}{S_{фаол}} x100;$$

$$K_{иш\ с} = \frac{S_{иш\ с}}{S_{умум}} x100$$

Бунда: $К_{фаол,}$ $К_{банд}$, $К_{ишс}$ - мувофиқ тарзда фаоллик, бандлик ва ишсизлик коэффициентлари;

$S_{фаол,}$ $S_{банд}$, $S_{ишс}$, $S_{умум}$ - мувофиқ тарзда иқтисодий фаол, банд, ишсиз аҳоли сони ва аҳолининг умумий сони.

Таҳлил мақсадида иқтисодий фаол аҳоли сони ва бандлар сонининг мувофиқ тарзда меҳнатга лаёқатли аҳолига нисбатидан ҳам фойдаланиш, мақсадга мувофиқ ва мумкин бўлган ҳолатда ишсизлик коэффициентини ёлланма ишчилар ва ўз корхонасида банд бўлганлар учун алоҳида ҳисоблаш мумкин.

Айтиш лозимки, фаоллик, бандлик ва ишсизлик коэффициентлари икки усулда ҳисоблаб чиқилиши мумкин:

а) лаҳзалик (бирор санадаги ҳолати бўйича);

б) оралиқли (бирор вақт даври учун).

Статистик амалиётда кўпинча иқтисодий фаол аҳолига нисбатан ҳисобланган бандлик ва ишсизлик коэффициентларидан фойдаланилади. Бу ҳолатда бандлик ва ишсизлик коэффициентларининг йиғиндиси бир-бирга тенг бўлади.

Айрим мамлакатлар статистикасида ишчи кучини бандлик муаммолари бўйича тадқиқ қилиш маълумотлари базасида олинадиган ва ХМТ тавсияларига мувофиқ ҳисобланадиган ишсизлар умумий сони ҳамда умумий ишсизлик даражасининг баҳоловчи кўрсаткичлари билан бирга бандлик хизмати жорий статистикаси маълумотлари бўйича рўйхатга олинган ишсизлик даражаси кўрсаткичи ҳам ҳисобланади. Рўйхатга олинган ишсизлик даражаси бандлик хизмати органларида рўйхатга олинган ишсизлар сонининг иқтисодий фаол аҳоли сонига нисбатани ифодалайди. Шуниси равшанки, рўйхатга олинган ишсизлик даражаси унинг умумий даражасидан бир неча марта паст бўлади, чунки мамлакат иқтисодий фаол аҳолисининг умумий сонидаги ҳақиқий ишсизлар кам қисмининггина улушини ифодалайди.

Ишсизликнинг иқтисодиётга салбий таъсирини ифодалашда миллий иқтисодиётнинг ишсизликдан йўқотишларини аниқлаш жуда муҳим

ҳисобланади. Бу йўқотишлар икки хил бўлади: биринчидан, давлат амалда бўлиб турган меҳнат тўғрисидаги қонунларга кўра, ишсизларнинг муайян қисмига ишсизлик нафақаларини тўлашга мажбур, иккинчидан, ишсизлар ишлаб чиқаришда иштирок этмаётганликлари туфайли давлат миллий маҳсулот ва миллий даромаднинг маълум қисмини йўқотади. Биринчи тур йўқотишларини тўланган ишсизлик нафақалари суммаси сифатида аниқлаш мумкин. Иккинчи турдаги йўқотишларни ишсизларнинг йиллик ўртача сонини ходимнинг миллий даромади ёки маҳсулот бўйича ҳисобланган йиллик ўртача меҳнат унумдорлигига кўпайтмаси сифатида аниқлаш мумкин. Бу ҳисоб-китоб қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$P_{ЯИМ(МД)} = \frac{ЯИМ}{S_{банд}} * S_{иш\,с}$$

Бунда: ЯИМ (МД) - ўрганилаётган даврда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот (миллий даромад)нинг қиймати;

$S_{банд}$ ва $S_{иш\ с}$ - ўрганилаётган даврдаги бандлар ва ишсизларнинг ўртача сони.

## 3.3. Микродаражада банд бўлганларни сатистик ўрганиш

Корхона ходимлари сони ҳақида маълумот корхона меҳнат ҳисоботида акс эттирилади. Корхона ходимлари сонининг бирламчи ҳисоботи ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш буйруқларидан бошланади ва корхона ходимларини кунлик рўйхатдаги сонига киритилади. Ҳамма ходимлар категориялари, доимий, вақтинча, мавсумий ишга қабул этилган асосий ёки ёрдамчи иш фаолиятига қарамасдан, корхона таркибида алоҳида штатдаги ходимлардан ташқари ўриндошлик бўйича ишловчилар (совместителларнинг) ҳисоби ҳам юритилади.

Рўйхатдаги ходимлар сонига ишга қабул қилиш ҳақида буйруқ чиққан кундан бошлаб, то ишдан бўшатиш ҳақида буйруқ чиққунча рўйхатда бўлганлар киритилади.

Доимий ходимлар сонига ишга қабул қилиш буйруғида муддати кўрсатилмаган ҳодимлар киритилади.

Вақтинча ходимлар сонига икки ой муддатгача ёки вақтинча ишламаётган ходимлар ўрнига ишлашга 4 ойгача қабул қилинганлар киритилади.

Мавсумий ходимларга олти ойгача мавсумий иш бажариш учун қабул қилинганлар киритилди.

Календарь иш куни рўйхатдаги ходимлар сонига шу куни ҳақиқий ишлаганлар ва турли хил сабабларга кўра ишламаганлар киритилади:

– хизмат сафарида бўлганлар;
– навбатдаги ва қўшимча таътилда бўлганлар;

– давлат ва ижтимоий мажбуриятларни бажариш билан банд бўлганлар;

оилавий сабабларга кўра:

– соғлиғи туфайли;

маъмурият рухсати билан:

– ишга чақириш бўйича дам олаётганлар;

ўз ҳисобидан таътил:

– корхона бўш туриши туфайли;
– икки ёшгача бола тарбияси таътили;

декрет таътили;

– тўла иш ҳафтаси бўйича ишламаслик шарти билан ишга қабул қилинганлар;
– ўқув таътилини ўтаётган сиртқи талабалар ва ҳ.к.

Рўйхатдаги ходимлар сонига қуйидагилар киритилмайди:

– бир маротабалик иш бажариш учун жалб этилганлар;
– асосий иш фаолияти бошқа корхонада қўшимча фаолият кўрсатаётганлар;
– иш ҳақини сақлаб қолмаслик шарти билан бошқа корхонага вақтинча ишга юборилганлар;
– ишдан ажралган ҳолда ўқишга юборилганлар (корхона ҳисобидан стипендия олувчилар).

Рўйхатдаги ходимлар сони фурсатли кўрсаткичлардир, чунки ҳар куни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш сабабли, уларнинг сони ўзгариб туради. Турли хил иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш мақсадида ўртача рўйхатдаги ходимлар сони, ўртача ишга келганлар сони, ўртача ҳақиқий иқтисодий ишлаганлар сони ҳисобланади:

$$\text{Ыртача рыйхатдаги ходимлар сони} = \frac{\text{ишга келганлар} + \text{ишга келмаганлар сони}}{\text{календарь кунлар}}$$

Ўртача рўйхатдаги ходимлар сонини ҳисоблашда календарь кунларидаги рўйхатдаги ходимлар сонининг йиғиндиси (ишламаган кунлардаги ходимлар сони бир кун олдинги кундаги рўйхатдаги ходимлар сони ҳисобланади), календарь кунлар йиғиндисига бўлинади.

Ўртача ишга келганлар сонини ҳисоблашда, ҳақиқий ишлаган киши кунлар йиғиндиси иш кунларига бўлинади.

Ишга келган ва ҳақиқий ишлаганлар орасидаги фарқ одатда корхонанинг айби билан, яъни: хомашё, электр энергия билан хуллас, иш билан таъминлаб бермаслиги сабабли бўлиб, у кун давомида ёки айрим иш соатларида бўлиши мумкин.

Бу кўрсаткичларни ҳисоблашни қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз:

Август 1-декадасида корхона ходимлари ҳақида қуйидаги маълумотлар берилган (киши ҳисобида).

2-жадвал

Август 1-декадасида корхона ходимлари ҳақидаги маълумотлар

| Ой кунлари | Рўйхатда бўлганлар сони | Ишга келганлар сони | Кун мобайнида бўш |
|---|---|---|---|

| | | | турганлар |
|---|---|---|---|
| 1 | 320 | 295 | 2 |
| 2 | 322 | 304 | - |
| 3 | 321 | 311 | - |
| 4 | 323 | 312 | - |
| 5 | 325 | 320 | 9 |
| дам олиш куни | | | |
| 6 | 323 | 302 | - |
| 7 | 328 | 314 | 5 |
| 8 | 323 | 320 | 4 |
| 9 | 320 | 312 | - |

Аниқлаймиз:

$$\text{Ûртача ðûéõàòäàãè ходимлар ñîíè} = \frac{320+322+321+323+325*2+323+328+323+320}{10} =$$

$$= \frac{3230}{10} = 323 \text{ киши}$$

$$\text{Ьртача ишга келганлар сони} = \frac{295+304+311+312+320+302+314+320+312}{9} =$$

$$= \frac{2790}{9} = 310 \text{ киши}$$

$$\text{?????? ??=?=?? и} \qquad \text{с} \qquad = \frac{2790-(2+9+5+4)}{9} = \frac{2770}{9} = 308$$

Демак, турли хил сабабларга кўра, ҳар куни ўртача 13 киши ишга келмаган, келганлардан икки киши кун мобайнида бўш турганлар. Умуман ҳар куни 15 киши меҳнатидан фойдаланилмаган.

Корхона ходимлари ҳаракатини таърифлаш учун мутлақ ва нисбий кўрсаткичлардан фойдаланилди. Мутлақ кўрсаткичларга: ишга қабул қилиш айланмаси, ишдан бўшаш айланмаси, ортиқча айланма каби кўрсаткичлардан фойдаланилади. Агар ўртача йиллик рўйхатдаги ходимлар сони халқ хўжалигида банд бўлганлар сонини ҳисоблаш учун мўлжалланган бўлса, бу кўрсаткични ҳисоблашда махражида  корхона қанча муддат фаолият кўрсатишидан қатъиназар йилли календарь кунлар олинади.

Масалан, корхона ўз фаолиятини 31 декабрда бошлаб рўйхатдаги ходимлар сони 365 киши бўлса:

$$\text{Ьртача йиллик рЫйхатдаги ходимлар сони} = \frac{365 \text{ киши/кун}}{365 \text{ кун}} = 1 \text{ киши}$$

Бундай ҳисоблашдан мақсад, бир неча корхоналарда йил давомида ишлаганларни қайта-қайта ҳисобга олмасликдир.

Корхона ходимлари ҳаракатини таърифлаш учун мутлақ ва нисбий кўрсаткичлардан фойдаланилади. Мутлақ кўрсаткичларига: ишга қабул қилиш айланмаси, ишдан бўшаш айланмаси, ортиқча айланма каби кўрсаткичлар киради.

Нисбий кўрсаткичларга: ишга қабул қилиш айланмаси, ишдан бўшаш айланмаси, қўнимсизлик кўрсаткичи, ходимларнинг доимийлик кўрсаткичи киритилади.

Умумий ишга қабул қилиш кўрсаткичини ҳисоблаш учун умумий ишга қабул қилинганлар сони ўртача рўйхатдаги ходимлар сонига бўлинади. Айрим категориялар учун ўртача рўйхатдаги ходимлар сонини ҳисоблашда шу категорияларга ишга қабул қилинганлар сони ва бошқа категориялардан шу категорияга ўтганлар сони йиғиндиси шу категория ходимларининг ўртача сонига бўлинади. Одатда, саноат тармоғида кўрсаткични давр охиридаги ходимлар сонига бўлиб ҳам ҳисобланади. Ишдан бўшаш умумий кўрсаткичини ҳисоблашда, ҳисобот даврида умумий ишдан бўшаганлар сони кўриладиган давр ходимлари сонига бўлинади.

Давр бошида саноатдаги кўрилаётган ходимлар сонига бўлиб ҳам ҳисоблаш мумкин. Айрим категориялар учун ҳисобланганда ўрганаётган категориядан бошқа категорияларга ўтганлар ҳам ҳисобга олинади.Қўнимсизлик кўрсаткичини ҳисоблашда ортиқча айланма (шахсий сабабларга кўра бўшаганлар) ўртача йиллик ходимлар сонига бўлинади.

Саноатда йил бошидаги ходимлар сонига нисбатан ҳам олиш мумкин. Йил давомида доимий ишлаган ходимлар сонини ўртача йиллик ёки йил бошидаги ходимлар сонига бўлиш натижасида доимийлик кўрсаткичи ҳисобланади. Бу кўрсаткичларни ҳисоблашни қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз.

Ҳисобот йилида корхона ходимларининг ҳаракати ҳақида қуйидаги маълумотлар берилган (киши):

3-жадвал

Корхона ходимларининг ҳаракати

| | |
|---|---|
| Йил бошидаги ишчилар сони | 360 |
| Йил давомида ишга қабул қилинганлар | 38 |
| Бошқа категориялардан ишчилар категориясига ўтганлар | 4 |
| Ҳарбий хизматга чақириш муносабати билан ишдан бўшаганлар | 4 |
| Нафақага чиқиш муносабати билан бўшаганлар | 6 |
| Ўз хоҳиши бўйича бўшаганлар | 16 |
| Меҳнат интизомини бузиш бўйича бўшаганлар | 2 |
| Ишчи категориясидан бошқа категорияга ўтганлар | 2 |
| Йил давомида доимий ишлаган ишчилар сони | 340 |

Ишчилар тоифасига қабул қилиш айланмаси:

$$К_{к.к.} = \frac{К}{Т} \times 100 = \frac{42}{366} \times 100 = 11,48\%$$

Ишчилар тоифасидан умумий бўшаш айланмаси:

$$К_{б} = \frac{Б}{Т} \times 100 = \frac{30}{366} \times 100 = 8,2\%$$

Қўнимсизлик кўрсаткичи:

$$К_{к} = \frac{\textit{ортикча}\ \text{айланма}}{Т} \times 100 = \frac{18}{366} \times 100 = 4,92\%$$

Доимийлик кўрсаткичи:

$$К_{ф} = \frac{\textit{йил}\ \text{давомида доимий ишлаганлар сони}}{Т} \times 100 = \frac{340}{366} \times 100 = 92,9\%$$

Кўриниб турибдики, ортиқча айланма кўрсаткичи 4,92%ни ташкил этиб, бу дегани, ҳар ўртача 100 ишчидан бештаси ўз хоҳиши билан ёки меҳнат интизомини бузиш натижасида ишдан бўшаган, демак интизом борасида ишчиларнинг ўз ишидан манфаатдор бўлмаслиги сабабли, бу кўрсаткич юқори бўлиб, маъмурият ўз хоҳиши билан бўшаганлар сабабини ўрганиш устида иш олиб боришлари лозим. Ходимлар ҳаракатини ўрганиш мақсадида қуйидаги абсолют кўрсаткичлардан фойдаланилади:

1. Умумий ишчи тоифасига киритилганлар сони (К)қ38к Қ 4к қ 42 киши.
2. Умумий ишчи категориясидан чиққанлар сони (Б)қ4кҚ6кҚ16кҚ2кҚ2ккқ30киши:
   - зарурий айланмақ4кҚ6кҚ2ккқ12киши;
   - ортиқча айланмақ16кҚ2ккқ18киши.

Ходимлар ҳаракати нисбий кўрсаткичларини ҳисоблаш учун керак ўртача йиллик ишчилар сонини ҳисоблаймиз, бунинг учун:

- йил охиридаги ишчилар сони $Т_1$қ$Т_0$ҚК-Б, $Т_1$қ360Қ42-30қ372киши;
- ўртача йиллик ишчилар сони $\overline{Т} = \frac{Т_1 + Т_0}{2} = \frac{360 + 372}{2} = 366$киши.

## Қисқача хулосалар

Иқтисодий фаол аҳолига товар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун ўз меҳнатини таклиф қиладиганлар киритилади. «Иқтисодий фаол аҳоли» тушунчаси ўрнида «ишчи кучи» ва «меҳнат ресурслари» тушунчалари ишлатилади. Аммо шуни назарда тутиш керакки, «меҳнат ресурслари» тоифаси юқорида айтилган тоифалардан фақат «бандлар» ва «ишсизлар»нигина эмас, балки меҳнатга лаёқатли ёшдаги ўқувчилар, уй бекалари, ҳар хил сабабларга кўра, иқтисодий фаол аҳоли ҳисобланмайдиган меҳнатга лаёқатли бошқа шахсларни қамраб олиши туфайли фарқланади.

БМХТ-93 алоҳида шахсларни ҳақиқий ёки потенциал бандликга кўра таснифлайди. Банд бўлган аҳоли нафақат абсолют миқдорларда, балки

нисбий миқдорларда ҳам ўрганилади, чунки макон ва замонда қиёслашда мана шу нисбий миқдорлардан фойдаланилади.

Халқ хўжалигида банд бўлганларга турли хил иқтисодий фаолият билан банд бўлганлар, корхона, ташкилот, муассасалар, яъни юридик шахсларда ва шу билан физик банд бўлганлар ҳам киритилади. Демак, умумий банд бўлганларни ўрганиш микродаражада, яъни корхона, фирма ва ҳоказоларда банд бўлганларни ўрганишдан бошланади. Корхонада банд бўлганларни ўрганиш мақсадида рўйхатдаги ходимлар сони тузилади, бу кўрсаткич фурсатли бўлиб, ўзгаришига ходимлар ҳаракати таъсир этади. Бу ҳаракатни ўрганиш мақсадида абсолют ва нисбий ҳаракат кўрсаткичлари ҳисобланади. Турли хил иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблашда қўлланиладиган ўртача рўйхатдаги, ўртача ишга келганлар ва ўртача ҳақиқий ишлаганлар сони ҳисобланади.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Иш кучи ҳақида тушунча.
2. Меҳнат ресурслари баланси ва унинг таркиби.
3. БМХТ-93га биноан банд бўлганларнинг таснифи.
4. Ёлланма ходимлар ҳақида тушунча ва уларнинг таркиби.
5. Ишсизлар ҳақида тушунча.
6. Иқтисодий фаол аҳолининг таснифи.
7. Бандлик ва ишсизлик нисбий кўрсаткичларини ҳисоблаш.
8. Рўйхатдаги ходимлар сонига кимлар киритилади?
9. Нима мақсадда ва қандай усулларда ўртача рўйхатдаги ходимлар сони ҳисобланади?
10. Иш кучи ҳаракати қандай кўрсаткичлар ёрдамида ўрганилади?

## Асосий адабиётлар


1. Акбарова З. Меҳнат бозори статистикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, Тошкент, 2004.
2. Под ред. С.Д.Ильенковой. Микроэкономическая статистика. Учебник. – М., 2004 г.
3. В.Г.Минашкин, О.Л.Козарезова. Основў теории статистики. – М., 2004 г.
4. Р.А.Шмойлова и др. Практикум по теории статистики. Учебной пособие. – М., 2004 г.
5. Р.А.Шмойлова и др. Теория статистики. Учебник. – М., 2004 г.
6. www.euireland.ie
7. www.cec.org.uk
8. www.eurunion.org
9. www.europarl.ie

# IV боб. ИШЧИ КУЧИГА ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ

## 4.1. Ишчи кучининг таклиф кўрсаткичлари

Ишчи кучи таклифини статистик акс эттириш мақсадида потенциал, ҳақиқий ва қўшимча таклиф категорияларидан фойдаланилади.

Потенциал таклиф ҳажми меҳнатга лаёқатли аҳолининг бутун аҳоли сони ва таркиби, соғлиғининг ҳолати ва меҳнатга лаёқатлилик даражаси, аҳолининг худудий жойлашиши ва жойдан-жойга кўчиши, шунингдек, шу мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларга боғлиқ турли белгилари бўйича сони ва таркибий тузилиши кўрсаткичлари ёрдамида ифодаланади.

Ҳақиқий таклиф ҳажми иқтисодий фаол аҳолининг сони ва таркибий тузилиши кўрсаткичлари ёрдамида акс эттирилади. Иқтисодий фаол аҳолининг сони ишчи кучи таклифининг долзарб чегараси ҳисобланади. Ҳақиқий таклиф ҳажмида талаб қамраб олган, банд аҳолининг сони ва таркибий тузилиши билан ифодаланадиган, қониқтирилган таклиф ажратиб кўрсатилади.

Банд аҳолини таърифлаш мақсадида гуруҳлашнинг қуйидаги таснифлашидан фойдаланилади, улардан муҳимлари:

а) жинс ва ёш бўйича;

б) малака ва маълумот даражаси бўйича;

в) ходим фойдаланадиган, устама ва имтиёзларни белгилайдиган иш стажи бўйича;

г) даромадлар даражаси чегаралари асосида амалга оширилувчи даромадлар даражаси бўйича;

д) тармоқ таснифи базасида амалга ошириладиган иқтисодиёт тармоқлари бўйича;

е) фуқаролик бўйича (шу мамлакат фуқаролари ва хорижий фуқаролар);

ж) шартнома бўйича ишловчи хорижий фуқаролар учун бандлик турлари бўйича (корхона ва ташкилотлар меҳнат жамоалари таркибида; пудрат шартнома (контракт)ларини амалга ошириш учун жалб қилинган хорижий юридик шахслар таркибида; жисмоний шахсларда);

з) ХТСТ га кўра, ходимларнинг 10 асосий гуруҳини қамраб оладиган ижтимоий - касбий таркиб бўйича:

1. Қонун чиқарувчилар, катта давлат хизматчилари ва бошқарувчилар.

2. Мутахассис - (физика, математика ва техника фанлари; биология ва тиббий фанлар соҳаларида; таълим ва иқтисодиёт, бизнес, ҳуқуқ, ахборот, ижтимоий фанлар соҳаларидаги бошқа мутахассислар, шунингдек, ёзувчи, рассом, артист ва бошқалар).

3. Ёрдамчи ходимлар.

4. Хизматчилар (идора хизматчилари ва хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари (кассирлар ва банк хизматчилари, ахборот бюролари хизматчилари).

5. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва савдо корхоналари ходимлари (шахсий хизмат ва қўриқлаш соҳаси ходимлари; сотувчилар, товар ва моделларни намойиш қилиб кўрсатувчилар).

6. Қишлоқ хўжалиги, балиқчилик ва балиқ овлашнинг малакали ходимлари (бозорга йўналтирилган ва шахсий истеъмол учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган).

7. Саноатнинг малакали ишчилари ва яқин касблар ишчилари (қазиб олувчи ва қурилиш тармоқлари, металлургия ва металга ишлов бериш, матбаачилик (полиграфия) ва ҳунармандчилик ишлаб чиқаришлари ишчилари ва бошқа ишлаб чиқаришлар ишчилари).

8. Саноат қурилма ва машиналарининг оператор ва йиғувчилари (оператор, йиғувчи ва транспорт воситалари ҳайдовчилари).

9. Малакага эга бўлмаган ходимлар.

10. Қуролли кучлар.

Баъзи мамлакатларда ходимларнинг айрим тоифалари турлича талқин қилинади. Ишсизлар алоҳида мустақил бўлимга ажратилади ёки охирги иш бўйича тақсимланади.

Қўшимча таклиф ҳажми, яъни талаб билан қамраб олинмаган таклиф, иш излаётган шахслар умумий сони ва сифат таркиби, ишсизларнинг умумий сони, рўйхатга олинган ишсизлар сони, ишсизлик нафақаларини олаётганлар сони, шунингдек, бу кўрсаткичларнинг динамикаси билан ифодаланади.

Иш излаётган шахслар тушунчаси анчагина кенг, чунки унга меҳнат фаолияти билан банд бўлмаган фуқаролардан ташқари ҳозирги кунда банд бўлган, меҳнат биржасига олдинда турган ишдан бўшатилиш, ёллаш муддатининг тугаши ёки асосий иш вақтидан бўш вақтда ишлаш иштиёқи туфайли мурожаат қилган шахслар ҳам киритилади.

Ишсизлик нафақаларини тўлаш учун (маълум шарт-шароитларда фуқаролар суғурта доирасида бундай ҳуқуққа эга бўлишади) меҳнат биржасида доимо ишсиз сифатида рўйхатдан ўтган бўлишлари талаб этилади. Бундай рўйхатдан ўтиш мазкур нафақаларни тўлашга ўз-ўзидан олиб келмайди. Ишсиз деб тан олинганлар қаторидан таклиф этилган мувофиқ келувчи ишни асоссиз рад этган, қайта рўйхатдан ўтиш тартибига ва шу кабиларга риоя этмаган шахслар нафақа олмайдилар. Шунинг учун ишсизлик бўйича нафақа олувчилар сони рўйхатга олинган ишсизлар сонидан кам бўлади.

Қўшимча иш кучи таклифига таъриф беришда мурожаат қилувчилар умумий сонининг меҳнатга лаёқатли аҳоли ёки банд бўлганлар сонининг йиғиндисига, шунингдек, сифатли таърифнинг (масалан, ишчи касби ёки хизматчи лавозимига эга бўлганлар, меҳнат фаолияти билан банд бўлганлар, шу жумладан, аёллар) ўзига хос белгилари билан ажралиб турадиган

мурожаат қилувчи алоҳида олинган гуруҳдаги шахслар сони, уларнинг банд ишчи ва хизматчилар орасидаги сонига ҳисобланган ишга жойлаштириш масаласи бўйича мурожаат интенсивлиги кўрсаткичи қизиқишга арзийди.

Ишсизларнинг мавжудлиги ва сонининг динамикаси қатор сабабларга боғлиқ бўлади. Бу сабаблар орасида иқтисодий конъюнктуранинг ўзгариши, ишсизлик нафақаларини бериш шарт-шароитлари ва уни олишнинг давомийлиги, хорижий регион ишчи кучининг борлиги ва унинг иқтисодий фаолиятдаги иштирокини, шунингдек, иқтисодиётда содир бўлаётган таркибий ўзгаришларни алоҳида айтиб ўтиш керак.

Меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф нисбатани белгиловчи ижтимоий, иқтисодий, демографик ва сиёсий шарт-шароитларга кўра, ишсизлик турли шаклларда бўлиши мумкин. Аналитик мақсадларда ишсизлик қисқа муддатли ва узоқ муддатли ишсизликка ажратилади. БМТ тавсияларига кўра, иқтисодий фаолиятнинг даврий характерига боғлиқ бўлган 1 йилдан ортиқ муддатдаги ишсизлик узоқ муддатли ишсизлик ҳисобланади. Узоқ муддатли ишсизлик тузилмавий, конъюнктур ва ишчи кучига сарфлар билан боғлиқ ишсизликка ажратилади.

Тузилмавий ишсизлик – ишчи кучи талаб ва таклифи микдорини касбий ва географик номувофиқлиги оқибати ҳисобланадиган ишсизлик.

Конъюнктур ишсизлик – бутун иқтисодиёт доирасида товар ҳамда хизматларга талабнинг пасайиши (конъюнктур ўзгаришлар) сабабли ишчи кучига талабнинг камайиши оқибатида пайдо бўладиган ишсизликдир.

Ишчи кучига сарфлар билан боғлиқ ишсизлик меҳнат сарфлари даражасининг ўта юқорилигидан келиб чиқади, қоидага кўра, энг кам иш ҳақи даражасининг юқорилиги иш берувчиларни иш жойларини қисқартиришга мажбур қилади. Қисқа муддатли ишсизликка технологик, фрикцион ва мавсумий ишсизлик киритилади.

Технологик ишсизлик – иқтисодиётнинг айрим тармоқларидаги ишлаб чиқаришнинг технологик хусусиятларига боғлиқ бўлган ишсизлик.

Фрикцион ишсизлик – янги иш ўрни ёки турар жойни излаш мақсадида ишдан ихтиёрий кетиш билан боғлиқ ишсизлик.

Мавсумий ишсизлик – фақат маълум даврларда (масалан, қишлоқ хўжалиги ишлари қизғин даврда) ишга эга бўладиган, йилнинг бошқа даврларида банд бўлмайдиган шахсларга хос ишсизлик.

Ҳозирги кунда ишсизликнинг мавсумий ўзгариб туриши ишсизлик даражасига кучли таъсир кўрсатмоқда. Бу нуқтаи назардан, иқтисодиёт тармоқларининг уч гуруҳини қамраб олади:

- табиий-иқлим шароитларига боғлиқ бўлган тармоқлар (қишлоқ хўжалиги, балиқчилик, овчилик, қурилиш);
- хомашё билан таъминлашда мавсумий ўзгаришларга боғлиқ тармоқлар (қишлоқ хўжалиги ва балиқ овлаш маҳсулотларини қайта ишлаш);
- талаб мавсумий характерда бўладиган тармоқлар (спорт анжомлари, кийим, пойафзал ишлаб чиқариш, туризм ва бошқалар).

Мавсумийлик омили муҳим роль ўйнайдиган тармоқларда банд бўлганлар сони ва ишлаб турган ходимлар иш вақти давомийлигида ўзгаришлар бўлиб туради. Тузилмавий ўзгаришлар иқтисодиётда ҳозирги кунда узлуксиз бўлиб турибди, бу янги тавсиф ва параметрли ишчи кучига эҳтиёжни келтириб чиқаради. Шунинг учун ишчи кучи таклифини тузилмавий ўзгартириш уни қайта тайёрлашни йўлга қўйиш ва ишчи кучини иқтисодиёт тармоқлари, мамлакатнинг турли минтақалари ўртасида қайта тақсимлашга ёрдам бериш зарурлигини тақозо этади.

Кейинги йилларда ишсизликнинг ўсишига олиб келадиган кўпгина омиллар амалда бўлиб турибди. Бу банд аҳолининг даромадларини қадрсизлантирадиган, унинг тўловга қодир талабини пасайтирадиган ва шу орқали товар ва хизматлар ишлаб чиқаришга салбий таъсир кўрсатадиган инфляция; иқтисодий фаолиятга аёллар ва ёшларнинг зўр бериб жалб этилиши; бозорда малакали мутахассисларнинг кўпайиб кетиши бўш жойларнинг етишмаслиги туфайли олий маълумотли мутахассисларга талабни камайиши; давлатнинг ижтимоий дастурларга мўлжалланган харажатлари кескин камайиб кетиши оқибатида хизмат соҳасида ишчи кучига талабнинг камайиши ва бошқалардир.

Ишсизлар сони ва таркибий тузилиш кўрсаткичлари қўшимча ишчи кучи таклифини тавсифлашга хизмат қилади. Статистика ишсизлар умумий сонининг динамикасини ўрганади ва келгуси даврлар учун башорат қилади. Ишсиз аҳоли таркибий тузилишини ўрганиш мақсадида қатор гуруҳлашлардан фойдаланилади. Уларнинг энг муҳимлари қуйидагилар:

а) жинс ва ёшга кўра, у ишсизликнинг ёшлар ва аёллар меҳнат потенциалидан фойдаланишга кўрсатадиган таъсирини ўрганишга имкон беради (қоидага кўра, бунда 24 ёшгача бўлган, ёшлар гуруҳига киритиладиган аҳоли ажратилади);

б) маълумот даражасига кўра;

в) ишдан бўшаш сабабларига кўра;

г) фуқаролик бўйича, бу иш мамлакатдаги ишсизлар умумий сонида чет эллик ишсиз ишчилар сони ва улушини аниқлаш имконини беради;

д) ишсизлик нафақасининг олинишига кўра, бу ишсизларни нафақа оладиган ва олмайдиганларга ажратилади;

е) нафақа олмайдиган ишсизларнинг кун кечириш маблағлари манбалари бўйича, бунда қариндошлар маблағлари ёки мустақил жамғармалар, тасодифий ишлаб топилган пул, жамоат ишлари кўрсатилади;

ё) жамоат ишларидаги иштирокка кўра, уларда иштирок этадиганлар ва иштирок этмайдиганларга ажратилади;

ж) ишсизликнинг давомийлигига кўра, одатда қуйидаги учта гуруҳ ажратилади:

- 3 ойгача;
- 3 ойдан 12 ойгача;
- бир йилдан ортиқ (турғун ишсизлик);

з) ишсизлик нафақасини олишнинг давомийлигига кўра;

и) иш топилган ҳолатда, истак билдирилган иш соатлари сони бўйича тўла ёки қисман ишлаш истагида бўлган ишсизлар ажратилади.

## 4.2. Ишчи кучига талаб кўрсаткичлари

Ишчи кучига талаб ўрганилганда умумий, самарали ва қониқтирилмаган талаб кўрсаткичлари қўлланилади. Умумий талаб шу мамлакатда умумий бор бўлган иш жойлари ва унинг тузилмаси билан ифодаланади. Самарали талаб қониқтирилган таклиф аналогияси бўлиб, иқтисодиётда банд бўлганлар сони ва таркиби билан ифодаланади.

Умумий ва самарали талаб орасидаги фарқ қониқтирилмаган талаб бўлиб, унинг асосий кўрсаткичлари бўш иш жойлари ва эгалланмаган лавозимларни турли белгилар (иқтисодиёт тармоқлари, касблар ва талаб этиладиган малака, таклиф этилаётган бандлик давомийлиги, таклиф этилаётган иш ҳақи даражаси ва шу кабилар) бўйича мавжудлиги, ҳаракат ҳамда таркиби ҳақидаги маълумотлар ҳисобланади.

Меҳнат бозори ахборот таъминотининг ҳозирги тизимида ишчи кучига талаб статистикаси энг заиф бўғин ҳисобланади. Бўш жойлар сонини аниқлаш статистика маълумотларининг потенциал манбалари қуйидагилар ҳисобланади: давлат ва хусусий бандлик хизматлари томонидан берилган бўш жойларнинг борлиги тўғрисидаги маълумотлар; газета ва журналларда эълон тариқасида босиб чиқарилган иш тўғрисидаги таклифларни рўйхатга олиш; иш берувчиларни статистик текширувдан ўтказиш. Аммо ҳозирги кунда ишчи кучи талаб ва таклифининг мувозанатланганлигини таҳлил қилиш, гарчи, корхоналар ва ташкилотлар бандлик хизматига хабар берилган бўш жойлар (яъни ёллаш шарт-шароитларида ишчи кучига талаб) тўғрисидаги ахборот ошкора камайтириб кўрсатилганлиги олдиндан маълум бўлсада, қоидага кўра, бўш иш жойлари ҳамда эгалланмаган лавозимлар сони ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар асосида ташкил қилинади.

Шунинг учун, бу маълумотларни шарҳлашда, бу кўрсаткич иқтисодиётнинг ишчи кучига умумий эҳтиёжини эмас, балки иш берувчилар меҳнат биржасига унинг ишга жойлаштириш соҳасидаги воситачилик хизматидан фойдаланиш мақсадида мурожаат қилган ҳолатларни ўлчашини назарда тутиш керак. Қоидага кўра, расмий бўш иш жойларининг сони, уларнинг иқтисодиётдаги ҳақиқий сонидан камроқ бўлади. Шунга кўра, бу соҳада аниқ ахборотга эга бўлиш учун қўшимча ишлаш (текширишлар, анкета тадқиқотлари асосида) зарур.

Корхона ва ташкилотлардан бевосита йиғиладиган маълумотлар асосида талаб статистикасини ўрганишни қуйидаги кўрсаткичлар бўйича ахборот олишни кўзда тутиб ташкил этиш мақсадга мувофиқдир:

- ҳисобот даври бошига бўш иш жойлари (талаб этиладиган ходимлар)нинг сони;

- йил бошидан банд этилган бўш иш жойлари;

- ҳисобот йили охирига бўш иш жойлари (талаб этиладиган ходимлар)нинг сони;

- йилнинг яқин чегарасидаги қўшимча иш жойлари (кутилаётган бўш жойлар)нинг сони.

Статистика бу маълумотлардан ишчи кучининг қўшимча таклифи ва талаби ўртасидаги нисбатни ифодалашда фойдаланади. Қоидага кўра, меҳнат биржаларида рўйхатга олинган бўш жойлар сонининг динамикаси ишсизлар сони динамикасига қарама-қарши бўлади. Барча мамлакатларда ишсизлар сони ортиб, бўш иш жойлари ва эгалланмаган лавозимлар сони камайиб боради.

Банд бўлганлар ва ишсизлар сони, тузилмаси ва динамикаси, шунингдек, бўш жойларнинг борлиги ва тузилмасини ўрганишдан ташқари статистика бандликни кенгайтириш ва ишсизликни қисқартиришга йўналтирилган тадбирларнинг миқдорий томонини ҳам акс эттиради. Бу тадбирларга қуйидагилар киради:

- қўшимча ишчи кучини ёллаган ҳолатларда тадбиркорлар учун ижтимоий тўловларни пасайтириш;

- ишсизлар ёки синган тадбиркорларга кичик оилавий корхоналарни ташкил этишларида давлат ёрдамини кўрсатиш (бундай ҳолларда улар пул ёрдами ва бепул маслаҳатлар олишади);

- ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, бу давлат томонидан бепул ёки кредит кўринишида ёҳуд тадбиркорлар томонидан амалга оширилади, бунинг учун тадбиркорларга давлат уларга солиқларни камайтириш кўринишидаги имтиёзларни беради;

- ишсизларни кун кечириш учун маблағлар билан таъминлашга махсус мўлжалланган жамоат ишларини ташкил этиш;

- ички ва ташқи иммиграцияда ёрдам кўрсатиш;

- қолоқ жойларни ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалиги секторини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш;

- пенсияолди ёшидаги шахсларнинг ишдан кетишларини рағбатлантириш;

- мувофиқ келувчи маълумот ва касбий тайёргарликка эга бўлмаган ёшларни ишга жойлаштиришни рағбатлантириш.

Меҳнат бозорининг бандлик ва ишсизлик даражасига, меҳнатга ҳақ тўлаш даражаси ва айрим мамлакатларнинг географик ҳолатига боғлиқ конъюнктураси, биринчи навбатда, меҳнат бозоридаги кескинликнинг умумий хусусий коэффициентлари билан ифодаланади.

Меҳнат бозоридаги кескинликнинг умумий коэффициенти бутун мамлакат бўйича ишчи кучи таклифи (иш излаётган ёки ишсиз шахслар сони)нинг унга талаб (бўш жойлар сони)га нисбати тарзида ҳисобланади ва 1

бўш жой ҳисобига иш излаётганлар ёки ишсизлар сонини ифодалайди. Мамлакат минтақалари, иқтисодиёт тармоқлари, касблар, ишлар ва шу кабилар бўйича меҳнат бозоридаги кескинликнинг хусусий коэффициентлари ҳам худди шу йўсинда ҳисоблаб чиқилади.

Меҳнат бозори конъюнктурасини ўрганишда бандлик хизматларининг ишга жойлаштирилганлар сони, уларнинг сифат таркиби, динамикаси, ишга жойлаштириш коэффициенти (иш излаётган шахслар ёки ишсизлар сонида ишга жойлаштирилган фуқаролар нисбати), ишга жойлаштиришни кутишнинг давомийлиги ва шу кабилар билан ифодаланадиган фаолияти натижаларининг кўрсаткичи алоҳида ўрганади.

Ходимларнинг нисбий тайёргарлиги тўғрисидаги маълумотлар меҳнат бозори конъюнктурасини таҳлил қилишда ҳамда меҳнат бозоридаги талаб ва таклифнинг номувофиқлиги сабабларини аниқлашда катта аҳамият касб этади. Ишчиларни бевосита корхоналарда, ҳунар-техника таълими тизимида ва бандлик хизматлари орқали касбий тайёрлаш соҳасидаги ишнинг яхшиланиши, меҳнат бозоридаги жиддийликни анчагина камайтирган бўларди, чунки касбий тайёргарликнинг яхши йўлга қўйилган тизими ишчиларнинг рақобатбардошлигини оширади, мавжуд ёки янги ташкил этилган иш жойларини ва иш излаётган шахсларни учраштиришни осонлаштиради.

Аҳолининг иқтисодий фаоллигини таснифлашда бандлик ва ишсизлик кўрсаткичларини таҳлил қилишдан ташқари, ҳозирги кунда нотўлиқ бандликни ўрганиш ҳамда уни статистикада акс эттириш муаммоси долзарб бўлиб бормоқда. Кўринадиган нотўлиқ бандлик, асосан статистик тушунча бўлиб, уни ишчи кучини тадқиқ қилиш ва бошқа тадқиқотлар доирасида бевосита ўзгартириш мумкин. У бандлик ҳажмининг етарли эмаслигини (нотўлиқ иш куни, нотўлиқ иш ҳафтасини) акс эттиради.

Кўринмайдиган нотўлиқ бандлик – кўпроқ аналитик тушунча бўлиб, меҳнат ресурсларининг нотўғри тақсимланиши ёки меҳнат ва бошқа ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги чуқур мувозанатсизликни акс эттиради. Кўринмайдиган нотўлиқ бандлик даромаднинг пастлиги, малакадан етарлича фойдаланмаслик ва паст унумдорлик билан ифодаланади.

Кўринадиган нотўлиқ бандликни таърифлашда банд аҳоли сонини иш вақтининг давомийлиги (ҳафтадаги иш соатлари ёки кунларининг сони) бўйича гуруҳлаш жуда муҳим ҳисобланади.

Жумладан, ХМТ ҳафтадаги иш соатларининг миқдори бўйича бандлар сонини қуйидагича гуруҳлашни тавсия қилади:

- 15 соатдан кам;
- 15 соатдан 31 соатгача;
- 32 соатдан 34 соатгача;
- 35 соатдан 39 соатгача;
- 40 соатдан 44 соатгача;
- 45 соатдан 47 соатгача;

- 48 соат ва ундан ортиқ.

Бандлар сонини ҳафтадаги иш кунлари сони бўйича гуруҳлаш қуйидаги кўринишда бўлади:

- 1 кун;
- 2 кундан 4 кунгача;
- 5 кун ва ундан ортиқ.

Кўринадиган нотўлиқ бандликни таҳлил қилишда нотўлиқ бандлар сонини тўла иш вақтида банд бўлган шахслар сонига қиёслаш, мувофиқ келувчи улушларни эса иқтисодиёт тармоқлари ва касб гуруҳлари бўйича алоҳида ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир.

Кўринадиган нотўлиқ бандликни етарлича фойдаланилмаган иш вақти кўрсаткичи бўйича ўлчаш учун иш куни, ҳафтаси, йилининг ҳақиқий давомийлиги ($T_{хак}$) шу тоифа ходимларига белгиланган (нормал) иш куни, ҳафтаси, йилининг давомийлиги ($T_{бел}$) билан таққослаш йўли билан қуйидаги формула бўйича белгиланган иш вақтидан фойдаланиш коэффициентини олиш лозим бўлади:

$$K_{фой} = \frac{T_{щак}}{T_{бел}}$$

Қоидага кўра, белгиланган иш вақтининг 80%дан камроқ ишлайдиганлар нотўлиқ банд бўлган шахслар қаторига киритилади.

Белгиланган иш вақти давомийлиги билан унинг ҳақиқий давомийлиги ўртасидаги фарқ йўқотилган иш вақти кўрсаткичи ҳисобланади.

Нотўлиқ бандликни ҳақиқий банд бўлган ходимлар сонини ($S_х$) меҳнат унумдорлигининг ўртача даражаси ва ишлаб чиқаришнинг ўртача техник даражасида ($S_з$) мазкур корхона учун зарур ходимлар сонига қиёслаб ҳисоблаш йўли билан ҳам аниқлаш мумкин. Агар ишлаб чиқариш ҳажми Q, ўртача меҳнат унумдорлиги W орқали белгиланса, зарур ходимлар сони қуйидагига тенг бўлади:

$$T_з = \frac{Q}{W}$$

$T_х$ билан $T_з$ ўртасидаги фарқ (агар у ижобий бўлса) яширин нотўлиқ бандликни ёки аксинча, ишчи кучини эксплуатация қилиш даражаси (агар у салбий бўлса) юқори эканлигини кўрсатади.

Нотўлиқ бандлик тавсифланар экан, иқтисодиёт тармоқлари бўйича бир ходимга тўғри келадиган иш вақтининг ўртача ҳақиқий ҳажми ҳам аниқланади. Бунда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$T = \frac{Tn}{n}$$

Бунда: T - иш вақтининг давомийлиги; n - иш вақтининг давомийлиги турлича бўлган гуруҳлардаги ходимлар сони.

Иқтисодиётнинг норасмий сектори товар ва хизматлар ишлаб чиқаришда банд бўлган бирликлар йиғиндиси бўлиб, унинг асосий мақсади шу бирликларга алоқадор бўлганларни иш ва даромад билан таъминлашдир.

Иқтисодиёт норасмий секторидаги бандли халқаро статистикасининг асосий кўрсаткичларига қуйидагилар киради:

- норасмий секторнинг таркиби тўғрисида ахборот олиш ва унинг сегментларини ташкил этувчиларни аниқлаш мақсадида тузилмавий характеристикаларига боғлиқ тарзда гуруҳланган норасмий сектор бирликларининг умумий сони;
- норасмий сектор бирликларида банд бўлганларнинг умумий сони, бунга уларнинг ижтимоий-демографик тавсифлари, бандлик ва меҳнат шарт-шароитлари кўрсаткичлари ҳам киритилади;
- норасмий сектордаги ишлаб чиқариш ҳажми ва яратилаётган даромад.

Норасмий секторнинг ишлаб чиқариш бирликлари уй корхоналарига хос хусусиятларга эга бўлади. Уларда асосий воситалар ва бошқа фаоллар том маънодаги ишлаб чиқариш бирликларига эмас, уларнинг эгаларига тегишли бўлади, эгалик қилувчилар таваккал қилиб, зарур молиявий маблағларни ўзлари қидириб топишга мажбур бўладилар, ишлаб чиқариш фаолиятига алоқадор бўлган ҳар қандай қарз ва мажбуриятларга шахсан жавобгар бўлишади. Ишлаб чиқаришга қилинган сарф-харажатларни кўпинча уй хўжалигига қилинган сарф-харажатдан фарқлаш қийин бўлади. Шунингдек, асосий воситалар (масалан, бино ва транспорт воситалари)дан навбати билан ишлаб чиқариш ва шахсий мақсадларда фойдаланилади.

Норасмий сектор ишлаб чиқариш бирликларининг фаолияти доимо ҳам солиқлар ва ижтимоий таъминот бадалларини тўлашдан атайин қочиш мақсадида, меҳнат ёки бошқа қонунчиликни бузиб амалга оширилмайди. Шунинг учун норасмий сектор фаолияти тушунчасини яширин ишлаб чиқариш фаолиятидан фарқлаш лозим.

Норасмий секторда банд бўлганлар қаторига ҳисобот даври мобайнида норасмий секторнинг камида бир бирлигида банд бўлганлар, уларнинг мақоми, бу уларнинг асосий ёки қўшимча ишлари ҳисобланиш-ҳисобланмаслигидан қатъиназар киритилади.

Халқаро меҳнат бозори статистикасида марказий ўринни эгалловчи ишчи кучи қийматининг кўрсаткичи географик, тармоқ ва касбий (профессионал) жиҳатларда ишчи кучининг ҳаракатчанлиги (мобиллиги)га таъсир этишда биринчи даражали аҳамиятга эга эканлиги сабабли ишчи кучининг талаб ва таклифи нисбатига, шунингдек, меҳнат бозорида шаклланадиган вазиятга бевосита боғлиқ бўлади. “Ишчи кучи қиймати” категорияси фақат бозор иқтисодиёти шарт-шароитларида мавжуд бўлади. Марказий режалаштириладиган иқтисодиётда бу категория ўрнида фақат меҳнат ҳақи кўрсаткичидан фойдаланилган. Сабаби шундаки, меҳнатга ҳақ тўлаш иш ҳақини белгилашнинг марказлашган тизими бўйича аниқланган ва амалда ишлаб чиқариш натижаларига боғлиқ бўлмаган.

## Қисқача хулосалар

Бозор муносабатига ўтиш шароити билан янги пайдо бўлган кўрсаткичлардан бири иш кучига талаб ва таклиф кўрсаткичларидир. Иш кучи таклифи: потенциал, ҳақиқий ва қўшимча категорияларга бўлинади. Потенциал таклиф – меҳнатга лаёқатли аҳолининг барча аҳоли сони ва таркиби, соғлиғи ҳолати, меҳнатга лаёқатлилик даражаси, ҳудудий жойлашиши, миграцияси ва шу каби турли белгилар бўйича таркибий тузилиш кўрсаткичлари ёрдамида ўрганилади.

Ҳақиқий таклиф – иқтисодий фаол аҳолининг сони ва таркибий тузилиши кўрсаткичлари ёрдамида акс эттирилади. Ҳақиқий таклиф ҳажмида талаб қамраб олган, банд аҳолининг сони ва таркибий тузилиши билан ифодаланган қониқтирилган таклиф алоҳида кўрсатилади. Халқаро таклиф стандартига кўра ўн асосий гуруҳ бўйича таснифланади.

Қўшимча таклиф – бу қониқтирилмаган таклиф бўлиб, иш излаётган шахслар умумий сони ва сифат таркиби бўйича ўрганилади.

Иш кучига талаб – умумий, самарали ва қониқтирилмаган талаб кўрсаткичлари ёрдамида ўрганилади. Умумий талаб мамлакатда бор бўлган иш жойлари ва унинг тузилмаси билан ифодаланади. Самарали талаб қониқтирилган таклиф аналогияси бўлиб, иқтисодиётда банд бўлганлар сони ва таркиби билан ифодаланади. Умумий ва самарали талаб ўртасидаги фарқ қониқтирилмаган талаб бўлиб, унинг асосий кўрсаткичлари бўш иш жойлари ва эгалланмаган лавозимларни турли белгилар бўйича мавжудлиги, ҳаракати ва таркиби ҳақидаги маълумотлар ҳисобланади. Бугунги кунда талаб статистикаси чуқур ўрганилмаган бўлиб ҳисобланади.

### Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Иш кучи таклифи ҳақида тушунча ва унинг категориялари.
2. Банд аҳоли таснифи.
3. ХТСТга кўра асосий ўн гуруҳ.
4. Ишсизлик, унинг турлари ва ўрганиш йўналишлари.
5. Иш кучига талаб ва унинг асосий категориялари.
6. ХМТга биноан ҳафтадаги иш соатлари миқдори бўйича бандлини гуруҳлаш.
7. Иш вақтидан фойдаланиш кўрсаткичининг моҳияти.
8. Иқтисодиёт норасмий секторидаги бандли халқаро статистикаси асосий кўрсаткичлари.

### Асосий адабиётлар

1. Акбарова З. Меҳнат бозори статистикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, Тошкент, 2004.
2. Под ред. С.Д.Ильенковой. Микроэкономическая статистика. Учебник. – М., 2004 г.
3. В.Г.Минашкин, О.Л.Козарезова. Основў теории статистики. – М., 2004 г.

4. Р.А.Шмойлова и др. Практикум по теории статистики. Учебной пособие. – М., 2004 г.
5. Р.А.Шмойлова и др. Теория статистики. Учебник. – М., 2004 г.
6. www.euireland.ie
7. www.cec.org.uk
8. www.eurunion.org
9. www.europarl.ie

# V боб. ИШ ВАҚТИ СТАТИСТИКАСИ

## 5.1. Иш вақти ўлчов бирликлари

Иш кучидан тўлароқ фойдаланиш мақсадида иш вақти ўрганилади. Агар меҳнат унинг давомийлиги билан ўлчанса, иш вақти эса календарь вақтнинг бир қисми бўлиб, ишчининг шу календарь вақтида ишлаган вақтини ифодалайди. Календарь вақт секунд, минут, соат, кун, ҳафта, ой ва йилларда ўлчанса, иш вақти эса, киши/секунд, киши/минут, киши/кун, киши/ҳафта, киши/ой, киши/йил ўлчов бирлиги билан ўлчанади.

Киши/секунд, киши/минут ўлчов бирлиги кўпроқ меҳнатни нормллаштирса, хронометраж ўтказиш, иш кунини суратга олиш, авоматлаштирилган ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Амалиётда кўпроқ киши/кун ва киши/соат ўлчов бирликларидан фойдаланилади.

Ишлаган киши/кун – ишчининг ишга келиб тушган куни ҳисобланади. У қисқартирилган (имтиёзли) ёки устама ишлашдан қатъи-назар ишланган киши/кунлар ҳисобига киритилади.

Ишлаган киши/кун ҳисобига қуйидагилар киритилади:

1.Мазкур кунда корхонада ишлаган ҳақиқий ишчилар киши/кунлари;

2.Корхона ташқарисида, корхона йўлланмалари билан ишлаган киши/кун кунлари, шу жумладан, хизмат сафаридагилар ҳам.

3.Асосий иш жойида бўш туриш бўлганлиги сабабли, бошқа ишларга жалб этилганлар.

Ишлаган кишилар кунига нисбатан ишлаган кишилар соати аниқроқ ўлчов бирлиги бўлиб, ҳақиқий ишлаган иш вақти, ўлчов бирлиги ҳисобланади.

Ишлаган кишилар соати ҳам белгиланган, ҳам устама ишлаган ҳақиқий соатларини ифодалайди. Ишлаган киши соатларга бўш туришлар, ишга кеч қолиш, эрта кетиш, қонуний ёки ноқонуний ишланмаган соатлар киритилмайди. Албатта, киши/соат ҳам камчилиги мавжуд иш соати ичидаги йўқотишларни аниқ ҳисобга олмайди.

Киши/ҳафта, киши/ой, киши/йил ўлчов бирликлари ўрнига ўртача ҳафталик, ўртача ойлик, ўртача йиллик ишчилар сони ибораси ишлатилади.

## 5.2. Иш вақти фондлари ва улардан фойдаланиш

Юқорида иш вақти ўлчов бирликлари кўриб чиқилди. Шу ўлчов бирликлари ёрдамида жами иш вақти фондлари ҳисобланади.

Календарь вақт фонди икки усул бўйича ҳисобланади:

- календарь вақт фонди қ ишга келган киши кунлар Қ ишга келмаган киши кунлар;

- календарь вақт фонди қ календарь кунлар × ўртача рўйхатдаги ходимлар сони.

Табель вақт фонди календарь вақт фондидан байрам ва дам олиш кунлари фондига камроқдир.

Максимал имкониятли вақт фонди табель вақт фондидан навбатдаги таътил кунлари фондига нисбатан камроқдир.

Иш вақти фондларини қуйидаги намунавий масалада кўриб чиқамиз.

**Масала:**

Қуйидаги шартли маълумотлар асосида иш вақтидан фойдаланиш кўрсаткичларини кўриб чиқамиз.

4-жадвал

Иш вақтидан фойдаланиш кўрсткичлари

| | |
|---|---|
| Ўртача рўйхатдаги ишчилар сони | 200 |
| Ишга келган ва келмаган киши кунлар | 73000 |
| Ҳақиқий ишланган киши кунлари | 53200 |
| Байрам ва дам олиш киши кунлари | 12000 |
| Узрли ишга келмаган киши кунлари | 7700 |
| Шу жумладан: | |
| Навбатдаги таътил | 360 |
| Ўқув таътили | 150 |
| Ҳомиладорлик таътили | 130 |
| Касаллик сабабли | 90 |
| Қонун бўйича рухсат этилган | 40 |
| Кун давомида узрли фойдаланилмаган киши/соатлар | 1000 |
| Шу жумладан: | |
| Касаллик сабабли | 300 |
| Эмизикли болага қараш сабабли | 450 |
| Давлат мажбуриятларини бажариш | 250 |
| Тўлиқ иш вақтининг йўқотилиши | 100 |
| Шу жумладан: | |
| Маъмурият рухсати билан | 45 |
| Сабабсиз | 30 |
| Кун давомида бўш туриш | 25 |
| Алмашиш орасидаги иш саотининг йўқотилиши | 1000 |
| Шу жумладан: | |
| Алмашиш орасидаги бўш туриш | 500 |
| Кеч қолиш | 100 |
| Эрта келиш | 100 |
| Меҳнат интизомини бузиш натижасида | 300 |
| Ишланган киши/соатлар | 340500 |
| Шу жумладан, устама | 4000 |
| Белгиланган иш кунинг давомийлиги | 6,6 |

Календарь вақт фонди киши кунлари:

53200Қ7700Қ100Қ12000қ73000 к/к.

Шу фондни ўртача рўйхатдаги ходимлар сонининг йилдаги календарь кунларига кўпайтмаси ҳам беради.

200×365қ73000к/к.

Табель иш вақти фонди:
73000-12000қ61000к/к.
Максимал имкониятли иш вақти фонди:
61000-3600қ57400к/к.
Иш вақти фондларидан фойдаланиш кўрсаткичлари:
1) Календарь иш вақти фондидан фойдаланиш:

$$К_{киф} = \frac{\text{ишланган киши/кунлар}}{\text{календарь ишвакти фонди}} = \frac{53200}{73000} = 0{,}729 \cdot 100\% = 72{,}9\%;$$

2) Табель иш вақти фондидан фойдаланиш:

$$K = \frac{\text{ишланганк/к}}{\text{табельиш вакти фонди}} = \frac{53200}{61000} = 0{,}672 \cdot 100\% = 67{,}2\%;$$

3) Максимал имкониятли иш вақти фондидан фойдаланиш:

$$К_{миф} = \frac{\text{ишланган к/к}}{\text{максимал иш вакти фонди}} = \frac{53200}{57200} = 0{,}927 \cdot 100 = 92{,}7\%.$$

Демак, фойдаланилмаган иш вақти 7,3 фоизни ташкил этган.

## 5.3. Иш даври давомийлиги ва ундан фойдаланиш кўрсаткичлари

Иш даври давомийлигини ўрганишда ўртача иш куни, ўртача иш ойи, ўртача иш йили давомийлиги тушунилаи. Иш даври давомийлиги меҳнат қонуниятига мувофиқ белгиланган иш ҳафтасининг узунлиги, яъни 40 ва 36 соатлик иш ҳафтасига боғлиқ ҳолда ҳисобланади.

Белгиланган иш кунининг узунлиги:

- беш кунлик иш ҳафтаси учун:
  40с : 5к қ 8с;
  36с : 5к қ 7,2с.
- олти кунлик иш ҳафтаси учун:
  40с : 6к қ 6,67с;
  36с : 6к қ 6с.

Белгиланган иш кунининг узунлиги ўртача арифметик усулда ҳисобланади.

**Масала:** Корхонада 100 ходимдан 12таси имтиёзли 36 соатлик иш ҳафтаси бўйича ишласа, ўртача белгиланган иш кунининг узунлиги:

$$L_{uk} = \frac{8к \cdot 8с + 12к \cdot 7{,}2с}{100} = 7{,}9 \text{ соат}$$

Демак, беш кунлик иш ҳафтаси бўйича ўртача белгиланган иш куни узунлигига 7,9 соатга тенг.

Белгиланган иш ойи, йилининг давомийлигини ҳисоблашда максимал имкониятли вақт фонди ўртача рўйхатдаги ходимлар сонига бўлинади.

Ҳақиқий иш даврининг давомийлиги қуйидагича ҳисобланади:

1. Иш ойи ва ҳафтасининг узунлиги:

$$кунларда = \frac{\text{ой (ҳафта) давомида ишланган иш кунлар}}{\text{ишчиларнинг ой (ҳафта) лик ўртача сони}};$$

$$соатларда = \frac{\text{ой (ҳафта)да ишланган барча кишилар соатлари}}{\text{ишчиларнинг ой (ҳафта) лик ўртача сони}};$$

2.Иш кунининг узунлигини 6 кунлик иш ҳафтаси бўйича аниқлаш учун ишланган барча киши/соатлари ишланган киши/кунларига бўлинади, 5 кунлик иш ҳафтасини аниқлаш учун ишланган барча киши/соатлари ишланган киши/кунлари ва қўшимча дам олиш киши кунларига бўлинади.

Ҳақиқий иш даври давомийлигининг белгиланган иш даври давомийлигига нисбати, қай даражада иш даври узунлигидан фойдаланилганлиги кўрсаткичини беради.

5-жадвал

Корхонада йил давомида иш вақтидан фойдаланиш

| Иш вақтидан фойдаланиш | Киши кун |
|---|---|
| Ҳақиқий ишланган | 126000 |
| Кун давомида бўш туриш | 120 |
| Ишга келмаган - жами | 32100 |
| Шу жумладан: | |
| Навбатдаги таътил | 6200 |
| Байрам ва дам олиш кунлари | 40200 |

Календарь ва максимал имкониятли иш вақти фондидан фойдаланиш кўрсаткичи 7,3% км. киши/кун.

Жонли меҳнат сарфлари ходимларнинг ўртача рўйхатдаги сони ёки ишланган киши/кунлари киши/соатлари сони кўрсатувчилари билан ифодаланади.

Ўтган асрнинг 50-йиллари охиригача социалистик давлат статистикасининг меҳнат унумдорлигини ҳисоблашда ишчилар меҳнат сарфигина ҳисобга олинган, 60-йиллардан бошлаб, ишлаб чиқариш ходимларининг барча тоифалари (саноатда-саноатнинг ишлаб чиқариш ходимлари, қишлоқ хўжалигида чорвачилик ва деҳқончиликда банд бўлган ходимлар: қурилишда қурилиш-монтаж ишларида, ёрдамчи ишлаб чиқаришда банд бўлганлар ва уларнинг меҳнат сафарлари эътиборга олина бошлади.)

## 5.4. Иш вақти баланси

Иш вақти балансини тузиш иш вақти манбалари ва улардан қай даражада фойдаланилганлигини яққол кўрсатиб беради. Бу баланс икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда иш вақти манбалари келтирилади, иккинчи қисмда иш вақти фонди қандай ишлатилганлиги кўрсатилади.

Юқоридаги масала шарти бўйича иш вақти баланси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

6-жадвал

Иш вақти баланси

| Иш вақти манбалари | | Ҳақиқий ишланган ва ишланмаган вақт | | |
|---|---|---|---|---|
| Кўрсаткичлар | киши соатлар | фойдаланиш | киши/ соат-лар | % |
| Календарь вақт фонди (73000*6,6) | 481800 | Ҳақиқий ишланган (53200*6,6) | 351120 | - |
| | | Узрли сабабга кўра ишланмаган кунлар | 270606 | - |
| Байрам ва дам олиш (12000*6,6) | 79200 | Шу жумладан: | | |
| | | ўқув таътили (1500*6,6) | 9900 | - |
| Навбатдаги таътил | 2880 | ҳомиладорлик таътили (1300*6,6) | 8580 | - |
| (3600*6,6) | 23760 | касаллик сабабли (900*6,6) | 5940 | - |
| | | қонун бўйича рухсат этилган 400*6,6 | 2640 | - |
| | | Узрли ишланмаган киши соатлар | 360 | - |
| | | Шу жумладан, | | - |
| | | касаллик сабабли | 170 | - |
| | | гўдак болали онага имтиёз | 100 | - |
| | | давлат мажбуриятини бажариш | 90 | - |
| | | **Иш вақтининг йўқотилиши** | | - |
| | | Жами : | 300 | - |
| | | Шу жумладан, | | - |
| | | тўлиқ иш кунининг йўқотилиши (30 к/к*6,6) | 198 | - |
| | | иш куни ичида йўқотилган киши соатлар | 102 | - |
| | | Шу жумладан, | | - |
| | | смена алмашиши орасида бўш туришлар | 12 | - |
| | | кеч қолиш | 20 | - |
| | | эрта келиш | 36 | - |
| | | Кеч келиш меҳнат интизомини бузиш | 34 | - |
| | | Эрта кетиш | 100 | - |
| | | Меҳнат интизомини бузиш | 300 | - |

Иш вақти баланси корхона, бирлашма, тармоқ доирасида тузилиши мумкин. Иш вақти баланси максимал имкониятли иш вақти фондидан фойдаланишни таҳлил қилишда муҳим аҳамиятга эга: ҳақиқий ишланган иш вақти, узрли ишланмаган иш вақти, иш вақтининг йўқотилиши. Бундай таҳлил динамикаси вақт ўзгариши билан максимал имкониятли иш вақти фондидан фойдаланишда қандай ўзгаришлар бўлганлигини кўрсатади.

Юқоридаги масала шартига биноан тузилган баланс шуни кўрсатадики, максимал имкониятли иш вақти фонди (351120 к/к : 378840 к/к) 92% кам фойдаланилган. Узрли сабабларга кўра, фойдаланилган иш вақти (27420 к/к

: 378840к/к) 7,2% ни ташкил этган. Иш вақтининг йўқотилиши (300 к/к : 378840к/к) 0,8 % бўлган.

Таҳлилнинг кейинги босқичида шу иш вақтининг йўқотилиши қандай зарар келтирганлигини аниқлаш мумкин бўлади ва уни бартараф этиш йўлларини излаш кераклигига чорлайди.

**Қисқача хулосалар**

Иш кучидан тўлароқ фойдаланиш мақсадида, иш вақти ўрганилади. Агар меҳнат унинг давомийлиги билан ўлчанса, иш вақти эса календарь вақтнинг бир қисми бўлиб, ишчининг шу календарь вақтида ишлаган вақтини ифодалайди. Меҳнат статистикаси амалиётида кўпроқ ишланган ишчи/кун ва ишчи/соат ўлчов бирликларидан фойдаланилади.

Иш вақти фондлари: календарь, табель ва максимал имкониятли вақт фондларига бўлиб ўрганилади. Қай даражада шу вақтлардан фойдаланиш даражасини ўрганиш мақсадида нисбий кўрсаткичлардан фойдаланилади. Бу нисбий кўрсаткичлардан фақат максимал имкониятли иш вақти фондидан юз фоизга фойдаланиш мумкин, агар ишни ташкил этиш юқори ўринда бўлса, иш вақтидан фойдаланишни ўрганишда, белгиланган иш даврининг (кун, ҳафта, ой, йил) давомийлиги ва ҳақиқий иш даврининг давомийлиги ҳисобланади. Бу кўрсаткичлар бир-бирига нисбатан, қай даражада белгиланган иш даври давомийлигидан фойдаланилганликни кўрсатади.

Иш вақтидан фойдаланишни ўрганишда иш вақти баланси ас қотади. Бу балансда иш вақти манбалари ва улардан фойдаланиш кўрсатилади, бу эса фойдаланилмаган иш вақтини аниқлаш ва бунинг натижасида келтирилган зарур миқдорни баҳолашга ёрдам беради.

**Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Иш вақти ҳақида тушунча.
2. Иш вақти ўлчов бирликлари.
3. Иш вақти фондлари ва улардан фойдаланиш кўрсаткичлари.
4. Белгиланган иш вақти давомийлигини ҳисоблаш.
5. Ўртача иш вақти давомийлиги.
6. Ҳақиқий иш вақти давомийлиги.
7. Иш вақти давомийлигидан фойдаланиш кўрсаткичи.
8. Иш вақти баланси ва унинг моҳияти.

**Асосий адабиётлар**

1. Акбарова З. Меҳнат бозори статистикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, Тошкент, 2004.
2. Под ред. С.Д.Ильенковой. Микроэкономическая статистика. Учебник. – М., 2004 г.
3. В.Г.Минашкин, О.Л.Козарезова. Основў теории статистики. – М., 2004 г.

4. Р.А.Шмойлова и др. Практикум по теории статистики. Учебной пособие. – М., 2004 г.
5. Р.А.Шмойлова и др. Теория статистики. Учебник. – М., 2004 г.
6. www.euireland.ie
7. www.cec.org.uk
8. www.eurunion.org
9. www.europarl.ie

# VI боб. МЕҲНАТ ПОТЕНЦИАЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ СТАТИСТИКАСИ

## 6.1. Меҳнат унумдорлигини статистик ўрганишнинг назарий асослари

Меҳнат унумдорлиги даражаси ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ифодаловчи энг муҳим кўрсаткич ҳисобланади. «Иқтисодиёт» фани меҳнат унумдорлиги муаммоларини ўрганишни XIX аср охирида бошлаган. Меҳнат унумдорлигини ҳисоблаш бир ишлаб чиқариш ишчисига нисбатан натурал ифодада ўртача маҳсулот ишлаб чиқариш тарзида амалга оширила бошлади. Бу кўрсаткичлар саноатнинг алоҳида таркиби жиҳатидан бир хил (галоген) тармоқларида ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг энг муҳим турлари бўйича аниқланди. Сўнгра иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида маҳсулот кўрсаткичлари ҳамда меҳнат сарфлари ҳисоб-китобининг ривожланиши меҳнат унумдорлигини фақат натура ифодасида эмас, балки пул ифодасида ва фақат саноатда эмас, балки иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида, хизмат кўрсатиш соҳасини ҳам қўшган ҳолда ҳисоблаб чиқиш имконини берди.

Иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги меҳнат унумдорлиги даражасини таққослаш, шунингдек, унинг динамикасини ўрганиш ишлари бошланиб кетди. Дастлабки босқичларда унумдорлик меҳнат унумдорлиги сифатида ўрганилди, кейинчалик меҳнат унумдорлигини ишлаб чиқаришнинг бошқа омиллари унумдорлигига ўхшаш хусусий унумдорлик сифатида талқин қиладиган глобал унумдорлик концепцияси умум қабул қилинган концепцияга айланди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда миллий ҳисобчилик тизимининг пайдо бўлиши ва ривожланиши унумдорликни ўрганиш соҳасидаги ишларга янги туртки бўлди, чунки бу тизим маълумотлари меҳнат унумдорлигини тармоқ ва бутун иқтисодиёт даражасида тадқиқ қилиш имконини беради, шунингдек, халқаро таққослашлар учун асос яратади.

Маълумки, статистикада меҳнат унумдорлиги деганда фақат жонли аниқ меҳнатнинг унумдорлиги тушунилади. Стастистикада унумдорликни фақат жонли эмас, балки моддийлашган меҳнат сарфини ҳам ҳисобга олиб ўрганадиган қатор ишлар бор. Биринчи бундай ёндашувни С.Г.Струмилин ўзининг 1935 йилда нашр этилган “СССР қора металлургияси” асарида асослаб берган.

Ҳозирги кунда иқтисодчиларнинг аксарият кўпчилиги, унумдорлик ишлаб чиқариш ва жонли меҳнат сарфлари натижаларининг нисбатини, иқтисодий самарадорлик эса ишлаб чиқариш натижаларининг жонли ва моддийлашган меҳнат сарфларига муносабатини ифодалайди, деб ҳисоблайди. Жонли меҳнат сарфлари ходимларнинг ўртача рўйхатдаги сони

ёки ишланган киши/кунлари, киши/соатлари сони кўрсаткичлари билан ифодаланади.

Ўтган асрнинг 50-йиллар охиригача социалистик давлат статистикасида меҳнат унумдорлигини ҳисоблашда ишчилар меҳнат сарфигина ҳисобга олинган. 60-йиллардан бошлаб, ишлаб чиқариш ходимларининг барча тоифалари (саноатда-саноатнинг ишлаб чиқариш ходимлари; қишлоқ хўжалигида чорвачилик ва деҳқончиликда банд бўлган ходимлар; қурилишда қурилиш-монтаж ишларида, ёрдамчи ишлаб чиқаришда банд бўлганлар ва уларнинг меҳнат сарфлари эътиборга олина бошлади. Меҳнат унумдорлиги даражаси қилинган меҳнатдан олинган самарани (маҳсулот ёки хизмат) баҳолаб бориши лозим. Шунинг учун бу кўрсаткични ҳисоблашда сарф қилинган меҳнат–Т, натижавий кўрсаткич – Q лар нисбати олинади.

Ишлаб чиқариш натижалари кўрсаткичлари сифатида маҳсулотнинг натура шакли, шартли-натура шакли ва қиймат кўрсаткичларидан фойдаланилади. Маҳсулотнинг натура шаклидаги кўрсаткичлари бир турли маҳсулотнинг меҳнат унумдорлиги динамикасини аниқлаш имконини беради. Улардан меҳнат унумдорлигини маҳсулотнинг энг муҳим турлари бўйича тавсифлашда фойдаланилади:

$$W = \frac{q}{T}$$

Истеъмол қиймати бир хил бўлган, лекин айрим параметрлари билан фарқланган маҳсулотларни умумлаштириш мақсадида шартли натурал меҳнат унумдорлиги даражасидан фойдаланилади:

$$W = \frac{\sum qk}{\sum T}$$

Бу ерда, k – шартли эталонга ўтказиш кўрсаткичи.

Маҳсулотнинг қиймат кўрсаткичлари меҳнат унумдорлигининг турли хил истеъмол қийматлари бўйича умумлашган тавсифларни олиш имконини беради:

$$W = \frac{\sum qP}{\sum T}$$

Бу ерда, P – баҳо.

Меҳнат унумдорлигининг натура шакли, шартли-натура шакли ва қиймат кўрсаткичлари билан бирга унумдорликнинг меҳнат кўрсаткичлари ҳам ҳисобланади. Улар айрим маҳсулот турларини ишлаб чиқаришнинг меҳнат талабига асосланади ва маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришда меҳнат сарфининг ўзгаришини акс эттиради. Унумдорликнинг меҳнат кўрсаткичлари бир турли маҳсулотнинг бир ёки бир неча турлари бўйича аниқланади:

$$W = \frac{\sum qt}{\sum T}$$

Бу ерда, t - меҳнат талабчанлиги.

Иккинчидан, юқоридаги кўрсаткичларнинг бир-бирига нисбати $\frac{T}{Q}$ тариқасида олинса, чиққан натижа махраж бирлигига қанча сурат кўрсаткичи тўғри келишини ифодалайди ёки меҳант талабчанлиги, яъни $t = \frac{T}{Q}$ тескари кўрсаткич ҳисобланади, чунки меҳнат талабчанлиги ошса, меҳнат унумдорлиги пасаяди, яъни тўғри ва тескари меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари орасида тескари боғлиқлик мавжуддир.

$$W = \frac{1}{t}, \qquad t = \frac{1}{W}$$

Биринчи нисбатда меҳнат унумдорлиги даражаси Wқq/T âàқò áèðëèãèäà èøëàá ÷èқàðèëãàí ìàùñóëîò ¸êè õèçìàò ùàæìèíè èôîäàëàá, ìåùíàò óíóìäîðëèãèíèнг òûғðè êûðñàòêè÷è ùèñîáëàíàäè. Áó êûðñàòêè÷íè ùèñîáëàøäà ñóðàòèãà êûðà, ìåùíàò óíóìäîðëèãè äàðàæàñè қуйидагилар áûëèøè ìóìêèí:

à) ìåùíàò óíóìäîðëèãèíèнг íàòóðà øàêëèäàãè êûðñàòêè÷è;

á) ìåùíàò óíóìäîðëèãèíèнг øàртли-íàòóðà øàêëèäàãè êûðñàòêè÷è;

â) қèéìàò êûðñàòêè÷è;

ã) ìåùíàò êûðñàòêè÷è;

/арб статистикасида унумдорлик кўрсаткичларини ҳисоблаш асосида кенг тарқалган “ишлаб чиқариш омиллари” концепцияси ётади. Унинг асосчиси Ж.Б. Сей таъкидлашича, ёлланма меҳнат эксплуатация қилинмайди, чунки ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат, капитал ва ер тенг ҳуқуқларда иштирок этади. Шунинг учун ишлаб чиқаришнинг ҳар хил омили кўрсатган хизмати учун тақдирланади: ходим иш ҳақи билан тақдирланади; капитал эгаси фойда ёки фоиз олади; ер эгаси-рента олади.

“Ишлаб чиқариш омиллари” назариясидан унинг турли модификацияларида ҳозирги кунда ҳам халқаро статистикада фойдаланилади. Ҳозирги кунда ғарбдаги турли иқтисодчилар фикрича, ишлаб чиқаришда кўп сонли омиллар иштирок этади. Улар орасида ишчи кучини ифодалайдиган (ходимларнинг малака даражаси, ишчи кучининг қўнимсизлиги, иш кунининг давомийлиги), ишлаб чиқариш фондлари (асосий капиталнинг ҳолати, ишлаб чиқариш қувватларининг иш билан таъминланганлик даражаси, энергетика қувватларидан фойдаланиш), ишлаб чиқариш жараёни (маҳсулот ишлаб чиқариш, маҳсулот ассортименти ва навлари), ишлаб чиқаришни ташкил этиш (бошқарувни ташкил этиш, меҳнат хавфсизлиги техникаси, моддий-техника таъминотини ташкил этиш) ва бошқа омиллар бор. Аммо кўпгина омилларни миқдорий баҳолаб бўлмайди.

Шунинг учун иқтисодий таҳлил мақсадларида кўпинча жонли меҳнат, асосий капитал (ерни ҳам қўшиб), тадбиркорлик фаолияти (ишлаб

чиқаришни бошқариш), оралиқ истеъмол (истеъмол қилинган меҳнат предметларининг қиймати) каби омиллардан фойдаланилади./арб иқтисодчилари “Иқтисодиёт омиллари” назариясига таяниб, меҳнат унумдорлиги категориясига ишлаб чиқариш натижаларининг ишлаб чиқариш омиллари сарфларига нисбати сифатида талқин берадилар. Улар нуқтаи назаридан, меҳнат унумдорлиги асосий капитал унумдорлиги, оралиқ истеъмол унумдорлиги ва ишлаб чиқаришнинг бошқа омиллари билан бирга омиллар умумий унумдорлигининг хусусий кўрсаткичи ҳисобланади.

Амалий ҳисоб-китобларда кўпинча меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари қўлланиладиган ҳолатни ғарб иқтисодчилари жонли меҳнат сарфини ўлчашнинг оддийлиги билан изоҳлайдилар. Бундан ташқари, улар жонли меҳнат иқтисодиётининг кўпгина соҳаларида қиймат яратишнинг устувор омили бўлганлиги ва ҳозир ҳам шундай эканлигини тан оладилар. Аммо уларнинг фикрича, иқтисодиёт ривожланиши билан ишлаб чиқаришнинг бошқа омиллари (капитал ва тадбиркорлик фаолияти) роли ортиб боришига кўра, жонли меҳнатнинг аҳамияти камайиб боради.

Шундай қилиб, ғарб иқтисодиёти фани унумдорлик деганда ўз мазмунига кўра, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичига яқин кўрсаткични тушунади. Табиийки, иқтисодий самарадорлик даражаси ва динамикаси барча ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишга боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқаришнинг барча омиллари тенг ҳуқуқларда иштирок этганликлари учун ҳам тақдирланишида тенг ҳуқуққа эга бўлади.

## 6.2. Унумдорликнинг статистик кўрсаткичлари тизими

/арб статистикасида унумдорлик кўрсаткичлари тизими юқорида кўриб чиқилган ишлаб чиқариш омиллари назарияси асосида ташкил этилади. Бу назарияга кўра, меҳнат унумдорлиги унумдорликнинг хусусий кўрсаткичи сифатида қаралади, чунки сарфланган жонли меҳнат фақат ишлаб чиқариш омилларидан бири сифатида қаралиб, техник тараққиёт ривожланиб боргани сари унинг аҳамияти камайиб боради.

Шунга кўра, ғарб иқтисодчилари фикрича, унумдорлик даражасини аниқлаш учун маҳсулот ҳамда уни яратишда иштирок этадиган ишлаб чиқариш омилларини статистик ўлчаш лозим. Маълумки, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот натура, шартли-натура шаклида ва қиймат кўрсаткичларида ўлчаниши мумкин. Агар унумдорлик даражаси ва динамикасини аниқлаш мақсадида маҳсулотнинг натура ёки шартли-натура шаклидаги кўрсаткичларидан фойдаланилса, унда улар фақат жонли меҳнат сарфи билангина таққосланади. Натижада жонли меҳнат сарфи бирлигига натура ёки шартли-натура шаклида ифодаланадиган, анъанавий статистикада кенг қўлланиладиган мувофиқ келувчи кўрсаткичга айнан ўхшаш маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичига эга бўлинади. Бу усул бўйича ҳисобланган

меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари иқтисодиётнинг бир турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган тармоқларидаги меҳнат унумдорлиги даражасини тавсифлашда, шунингдек, бу даражаларни халқаро қиёслашда катта аҳамиятга эгадир.

Қиймат ифодасидаги унумдорлик кўрсаткичларига келсак, ҳолат бошқача тус олади. Бу ҳолатда унумдорлик даражаси маҳсулот кўрсаткичи ва уни ишлаб чиқариш омилларини танлашга боғлиқ бўлиб қолади. Маҳсулот кўрсаткичи сифатида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш, ялпи пировард маҳсулот, соф маҳсулот, ялпи қўшилган қиймат, соф қўшилган қийматдан фойдаланиш мумкин.

Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш  сотиш нархидаги товар маҳсулоти қиймати, ўз эҳтиёжи учун ишлаб чиқарилган ускуна ва хўжалик усулидаги капитал қурилиш, шунингдек, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва тугалланмаган қурилиш, корхона омборларидаги тайёр маҳсулот ва ярим тайёр маҳсулотларнинг ўсишини қамраб олади.

Ялпи пировард маҳсулот корхона ёки тармоқдан ташқари ишлаб чиқаришга мўлжалланган маҳсулот қийматидир. Ўз мазмунига кўра, бу кўрсаткич завод ёки тармоқ усули бўйича товар маҳсулоти кўрсаткичига мувофиқ келади. Соф маҳсулот барча ишлаб чиқариш омиллари сарфларининг (меҳнат сарфидан ташқари) қиймати чегараланган ялпи маҳсулот қиймати сифатида аниқланади.

Халқаро статистикада унумдорликни ҳисоб-китоб қилишда оралиқ истеъмол қиймати чегараланган ялпи қўшилган қиймат кўрсаткичидан кенг фойдаланилади. Ялпи қўшилган қиймат билан асосий капитални истеъмол қилиш ўртасидаги фаркни ифодалайдиган соф қўшилган қиймат кўрсаткичи тўғрисида шуни айтиш мумкинки, айрим тармоқда соф маҳсулот билан мувофиқ бўлсада, бутун иқтисодиёт бўйича соф маҳсулотдан ноишлаб чиқариш хизматлари кўрсатадиган тармоқларда соф қўшилган қиймат суммаси ортиқ бўлади.

Унумдорликни аниқлашда омилларни танлаш масаласи жуда мураккаб ва хилма-хил. /арб сатистикасида ишлаб чиқариш омиллари сифатида меҳнат, доимий капитал ва жорий ишлаб чиқариш истеъмолидан кўпроқ фойдаланилади. Қатор ҳолатларда бу омилларга тадбиркорлик фаолияти ҳам киради.

Жонли меҳнат энг муҳим ишлаб чиқариш омили ҳисобланади. Уни ўлчаш мақсадида  берилган даврдаги ходимларнинг ўртача сони ёки ишланган вақтдан фойдаланиш мумкин. Ишланган вақт меҳнат унумдорлиги даражаси ва динамикасини  аниқлаш имконини беради. Ходимларнинг ўртача сони фақат меҳнат унумдорлиги динамикасини эмас, балки унинг иш вақти потенциал фондидан фойдаланишга боғлиқ тарзда ўзгаришини ҳам акс эттиради. Равшанки, ишланган вақт тушунчаси малака, интенсивлик, меҳнат шарт-шароитлари ва бошқалар турлича бўлганлиги туфайли турли тоифадаги

ходимлар, иқтисодиётнинг турли тармоқлари учун сифат жиҳатидан бир хил бўлмайди.

Меҳнат сарфини аниқлашда икки вариантдан фойдаланилади:

а) мазкур тармоқдаги ишланган вақт чегараланишигача шу тоифа ходимлари иш ҳақининг бир саотлик ставкаси бўйича ўлчанади;

б) ишланган вақт, унинг сифат жиҳатидан бир хил эмаслигига эътибор бермай жамланади.

Бунда яна бир муҳим амалий муаммо – ҳақиқий ишланган вақтни ҳақ тўланган вақтдан чегаралаш муаммоси юзага келади. Уни ҳал қилишнинг ягона йўли мувофиқ келувчи танлов текширишни ўтказиш ва сўнгра унинг натижаларини шу  тармоқнинг барча корхоналарига жорий қилишдир.

Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат сарфи ва ёлланмаган ходимлар меҳнат сарфини аниқлаш янада қийин муаммодир. Қишлоқ хўжалигидаги иш кучининг давомийлиги табиий омиллар, географик зона ва етиштирилаётган экинга боғлиқ тарзда жуда ўзгарувчандир. Шунинг учун меҳнат сарфини аниқлаш мақсадида яқинлаштирилган эксперт баҳолашдан фойдаланилади.

Ёлланган ходимлар меҳнат сарфига келсак, у тадбиркорлар ( эгалик қилувчалар ) ва унинг бепул ишлайдиган оила аъзолари ишлаган вақтни ўз ичига олади. Бу сарфлар ҳисоб-китоб иш куни ёки иш ҳафтасининг ўртача давомийлигини танлаб текшириш маълумотлари бўйича ёки ёлланган ходимлар турли тоифалари иш кунининг давомийлигини мувофиқ қилувчи тоифадаги ёлланма ходимлар иш куни давомийлигига шартли тенглаштириш йўли билан аниқланади.

Унумдорлик даражаси ва бу даража динамикасини бутун мамлакат иқтисодиёти бўйича тавсифлашда фақат иш билан банд аҳолини эмас, балки ишсизларни ҳам назарда тутиш, яъни иқтисодий фаол аҳоли сонидан келиб чиқиш мумкин. Маълумки, ишсизлик тўғрисидаги маълумотларнинг иккита манбаи бор: расмий, аниқ пасайтирилган маълумотлар ва касаба уюшмалари маълумотлари. Улар ўз функцияларини тўла бажарганда касаба уюшмалари маълумотларидан фойдаланиш лозим.

/арб иқтисодчилари унумдорликнинг қуйидаги кўрсаткичларини маҳсулотнинг қиймат кўрсаткичлари ва ишлаб чиқариш омилларини турлича бирлаштириб аниқлайдилар:

- меҳнатнинг ялпи унумдорлиги;
- меҳнатнинг соф унумдорлиги;
- меҳнатнинг интеграл унумдорлиги;
- омилларнинг глобал унумдорлиги;
- омилларнинг тотал унумдорлиги.

Меҳнатнинг ялпи унумдорлиги кўрсаткичлари ўз мазмунига кўра, харажат бирлигига маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичига жуда яқин ва у қуйидаги формула бўйича аниқланади:

ЯМУкЯЧ / Т

Бунда: ЯМУ - ялпи меҳнат унумдорлиги;

ЯЧ - ялпи ишлаб чиқариш;

Т - меҳнат сарфи.

Бу кўрсаткични ҳисоблашда ялпи ишлаб чиқариш таннарх, нархлар омили ёки бозор нархлари бўйича аниқланади. Меҳнат сарфлари ҳам қуйидагилар сифатида ифодаланиши мумкин:

а) ёлланма ходимлар сони;

б) барча тоифадаги бандлар сони;

в) ишлаган киши/соатлар сони;

г) солиқлар чегирилишидан олдинги ҳисобланган иш ҳақи суммаси.

Бу кўрсаткичнинг асосий камчилиги фақат жонли меҳнатни ҳисобга олиб, бошқа ишлаб чиқариш омиллари эътиборга олинмаслигидир.

Соф меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи соф маҳсулот қийматининг меҳнат сарфларига нисбатини ифодалайди. Иқтисодиёт тармоқлари бўйича соф маҳсулот (соф қўшилган қиймат) тармоқлараро маҳсулот баланси асосида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш қийматидан оралиқ истеъмол қиймати ва доимий капитал истеъмолини чегириш йўли билан аниқланади. Бу ҳолатда меҳнат сарфи кўрсаткичлари ялпи меҳнат унумдорлигини аниқлаш билан бир хил бўлади.

Интеграл меҳнат унумдорлигининг ялпи чиқарув қиймати меҳнат бирликларида ифодаланган меҳнат сарфлари ва бошқа ишлаб чиқариш омилларига бўлиш йўли билан аниқланади. Унинг даражаси, динамикаси жами ва олдинги меҳнат сарфларига боғлиқ бўлади. Бу кўрсаткич амалиётда жуда кам ҳолларда ҳисобланади, бунинг сабаби доимий капитал сарфлари (амортизация) ва ўзгарувчан капитал сарфлари (қолган бошқа моддий сарфлар)ни меҳнат бирликларида қайта ҳисоблашдаги қийинчиликлардир.

Иқтисодчиларнинг фикрича, омилларнинг глобал унумдорлиги унумдорликнинг энг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. У унумдорлик даражасига фақат жонли меҳнат сарфинигина эмас, балки бошқа омиллар сарфининг таъсирини ҳам акс эттиради. Шунинг учун меҳнат унумдорлиги омилларнинг глобал унумдорлиги муносабатида унумдорликнинг хусусий кўрсаткичларидан бири сифатида кўрилади.

Омилларнинг глобал унумдорлиги соф меҳнат унумдорлиги билан боғланган. Соф меҳнат унумдорлигини ҳисоблашда унинг махражига фақат жонли меҳнат сарфлари қўшилади. Бошқа ишлаб чиқариш омилларининг сарфлари соф маҳсулотни аниқлаш учун суратда ялпи чиқарув қийматидан чегирилади. Омилларнинг глобал унумдорлигини аниқлашда ялпи чиқарувнинг тўла қиймати сурат хизматини ўтайди, махражида - бошқа ишлаб чиқариш омилларининг сарфлари жонли меҳнат сарфларига қўшилади.

Глобал унумдорлик омилларини аниқлашда маҳсулот кўрсаткичи сифатида чиқарилган ялпи маҳсулот қиймати ёки ялпи қўшилган қийматдан фойдаланиш мумкин.

Тотал унумдорлик омиллари глобал унумдорлик омиллари билан бир хил ҳисобланади. Ягона фарқ шундаки, тотал унумдорлик омиллари кўрсаткичининг суратида соф қўшилган қиймат (соф маҳсулот)нинг миқдори бўлади. Махражда меҳнат сарфи ва доимий капитал акс эттирилади.

Қатор иқтисодчилар меҳнат унумдорлигини миллий иқтисодиёт кўламида ўлчаш учун унумдорликнинг юқорида кўриб чиқилган кўрсаткичларидан ташқари, меҳнат сарфи бирлиги ҳисобига ҳақиқий даромадлар кўрсаткичидан фойдаланишни тавсия қилмоқдалар. Бу кўрсаткич ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот қийматини уни яратиш учун сарфланган меҳнат сарфига бўлиш орқали аниқланади. Бунда меҳнат сарфлари иқтисодиётда банд бўлганлар сони ёки ишланган киши/соатлари сони орқали ифодаланади.

Халқаро статистикада қўлланиладиган унумдорлик кўрсаткичларини қуйидаги жадвалдан кўргазмали тасаввур қилиш мумкин.

7-жадвал

Халқаро статистикада қўлланиладиган унумдорлик кўрсаткичлари

| № | Кўрсаткичлар | Касрда | |
|---|---|---|---|
| | | сурат | махраж |
| 1 | Меҳнат унумдорлигининг натура шаклидаги кўрсаткичлари | Маҳсулотни натура шаклидаги бирликларида чиқариш | Маҳсулот ишлаб чиқаришга меҳнат сарфлари, вақт бирликларида |
| 2 | Меҳнат унумдорлигининг шартли-натура шаклидаги кўрсаткичлари | Маҳсулотни шартли-натура шакли бирликларида чиқариш | Маҳсулот ишлаб чиқаришга меҳнат сарфлари, вақт бирликларида |
| 3 | Меҳнат унумдорлигининг қиймат кўрсаткичлари | | |
| А | Ялпи меҳнат унумдорлиги | Ялпи қўшилган қиймат, маҳсулотни ялпи ишлаб чиқариш | Маҳсулот ишлаб чиқаришга меҳнат сарфлари, вақт бирликларида |
| В | Соф меҳнат унумдорлиги | Соф қўшилган қиймат, соф маҳсулот | Маҳсулот ишлаб чиқаришга меҳнат сарфлари, вақт бирлигида |
| С | Интеграл меҳнат сарфлари | Ялпи қўшилган қиймат, ялпи маҳсулот чиқариш | Ишлаб чиқаришнинг вақт бирлигида ифодаланган барча омиллари |
| Д | Глобал меҳнат унумдорлиги | Ялпи қўшилган қиймат, ялпи маҳсулот чиқариш | Ишлаб чиқаришнинг пул ифодасидаги барча омиллари |
| Е | Тотал меҳнат унумдорлиги | Соф қўшилган қиймат, соф маҳсулот | Пул ифодасидаги меҳнат ва доимий капитал |
| F | Меҳнат сарфи бирлигига ҳақиқий даромадлар | Ялпи ички маҳсулот (соф маҳсулот) | Вақт бирликларидаги меҳнат сарфлари |

## 6.3. Меҳнат унумдорлиги динамикаси

Меҳнат унумдорлиги динамикаси индекслар ёрдамида ўраганилади. Индекслар индивидуал ва умумий бўлиб ўрганилади.Бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилганда индивидуал меҳнат унумдорлиги индексларидан фойдаланилади:

$$i_w = \frac{W_1}{W_0} = \frac{q_1}{T_1} : \frac{q_0}{T_0}$$

Бунда: $W_1$ ва $W_0$ - меҳнат унумдорлиги базис ва жорий даражалари.

Бу меҳнат унумдорлигини тўғри кўрсаткичи ёрдамида тузилган индекс ҳисобот даврида базис даврга қараганда қай даражада меҳнат унумдорлиги ўзгаришини кўрсатиб беради.

Бу индексни тескари кўрсаткич ёрдамида меҳнат талаби бўйича ҳам тузиш мумкин, лекин шуни инобатга олиш керакки, меҳнат талаби t, тўғри кўрсаткичи вақт бирлигида ишлаб чиқариш W кўрсаткичи билан тескари боғлиқликда бўлганлиги сабабли, бу индекс ҳам тескари тузилади, яъни:

$$i_w = \frac{t_0}{t_1} = \frac{T_0}{q_0} : \frac{T_1}{q_1}$$

бу кўрсаткичнинг тўғри нисбатини ҳам олиш мумкин $\frac{t_1}{t_0}$, лекин бу ҳолда чиққан натижа қай даражада меҳнат талаби ўзгарганлигини акс эттиради, яъни:

$$i_t = \frac{t_1}{t_o} = \frac{T_1}{q_1} : \frac{T_0}{q_0}$$

Демак, бу индекслар орасида ҳам тескари боғлиқлик мавжуд.

$$i_w = \frac{1}{i_t}$$

Бир хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналар, бирлашма бўйича умумий меҳнат унумдорлиги натурал индекси ҳисобланади:

$$I\overline{w} = \frac{\overline{W}_1}{\overline{W}_0} = \frac{\sum q_1}{\sum T_1} : \frac{\sum q_0}{\sum T_0}$$

Бу ерда ҳисобот давридаги меҳнат унумдорлигининг ўртача даражаси базис давридаги меҳнат унумдорлигининг ўртача даражаси билан қиёсланади.

Бир турдаги истеъмол қийматига эга бўлган, лекин айрим параметрлар билан фарқланадиган маҳсулот ишлаб чиқариш корхоналари бўйича меҳнат унумдорлиги динамикаси ўзгариши шартли-натура индекси ёрдамида ўрганилади:

$$I\overline{w} = \frac{\overline{W}_1}{\overline{W}_0} = \frac{\sum q_1 k}{\sum T_1} : \frac{\sum q_0 k}{\sum T_0}$$

Натура ва шартли натура-шаклдаги индексларнинг афзаллиги шундаки, улар энг аввал жонли меҳнат унумдорлиги динамикасини ифодалайди. Бундан ташқари, маҳсулотни ўлчашнинг натура ва шартли натура-шаклдаги

индексларининг ўтган аср 50-йиллари бирликларини қўллаш, бу индексларни ҳисоблаш ва бир хил маҳсулот турлари бўйича белгиланган турли корхона, минтақа ва мамлакатдаги меҳнат унумдорлиги даражасини қиёслаш жараёнларини соддалаштиради. Шу билан бирга, маҳсулотнинг натура ва шартли-натура шаклидаги кўрсаткичларидан фойдаланиш меҳнат унумдорлигининг натура ва шартли-натура шаклидаги индексларни қўллаш соҳасини жиддий чеклайди; улар орасида алоҳида корхоналарда, иқтисодиёт тармоқларида ва бутун мамлакат иқтисодиётида унумдорлик динамикасини ўрганиш деярли мумкин эмас:

$$i_w = \frac{t_0}{t_1} = \frac{T_0}{q_0} : \frac{T_1}{q_1}$$

Юқорида кўрилган индекслар ўзгарувчан таркибли индекслардир, чунки бу индексларга икки омил таъсир кўрсатади:

1. Меҳнат унумдорлиги даражасининг ўзгариши (W).
2. Сарф қилинган иш вақти салмоғининг ўзгариши ($\frac{T}{\sum T}$)

ўзгарувчан таркибли меҳнат унумдорлиги ўзгарганлигини ифодалайди.

Бу ўзгаришнинг ҳар бир омили таъсирини алоҳида ўрганиш мақсадида индекслар қуйидагиларга бўлинади:

Доимий таркибли меҳнат унумдорлиги индекси (Струмилин усули):

$$I\overline{w} = \frac{\sum i_w T_1}{\sum T_1} = \frac{\sum (\frac{q_1}{T_1} : \frac{q_0}{T_0}) T_1}{\sum T_1}$$

Бу индекс фақат меҳнат унумдорлиги даражаси ўзгаришини акс эттиради.

Иккинчи омил, яъни сарф қилинган иш вақти салмоғи ўзгариши натижасида қай даражада меҳнат унумдорлиги ўзгарганлигини акс эттиради:

$$Iw(dT) = I_{\overline{w}} : \bar{I}w$$

Масала:

Икки бригада бўйича терилган пахта ва теримчилар ҳақида қуйидаги маълумотлар берилган.

8-жадвал

Бригадалар бўйича терилган пахта ва теримчилар ҳақида маълумотлар

| | Сентябрь | | Октябрь | |
|---|---|---|---|---|
| Бригадалар | Терилган пахта, кг | Ўртача теримчилар сони, киши | Терилган пахта, кг | Ўртача теримчилар сони, киши |
| i | $q_0$ | $T_0$ | $q_1$ | $T1$ |
| 1 | 75000 | 50 | 82000 | 62 |
| 2 | 100000 | 60 | 130000 | 78 |

Биринчи бригада бўйича меҳнат унумдорлиги индекси:

$$i_w = \frac{W_1}{W_0} = \frac{q_1}{T_1} : \frac{q_0}{T_0} = \frac{82000}{62} : \frac{75000}{50} = \frac{1323}{1500} = 0{,}882 \cdot 100 = 88{,}2\%,$$

меҳнат унумдорлиги 11,8% га камайган.

Иккинчи бригада бўйича меҳнат унумдорлиги индекси:

$$i_w = \frac{W_1}{W_0} = \frac{q_1}{T_1} : \frac{q_0}{T_0} = \frac{130000}{78} : \frac{100000}{60} = \frac{1667}{1667} = 1 \cdot 100 = 100\%$$

яъни, меҳнат унумдорлиги ўзгармас.

Иккала бригада бўйича меҳнат унумдорлиги индекси:

$$I_{\overline{w}} = \frac{\sum q_1}{\sum T_1} : \frac{\sum q_0}{\sum T_0} = \frac{\overline{W}_1}{\overline{W}_0} = \frac{82000+130000}{62+78} : \frac{75000+10000}{50+60} = \frac{212000}{140} : \frac{175000}{110} =$$

$$= 1514{,}3 : 1590{,}9 = 0{,}9518 \cdot 100 = 95{,}18\%$$

яъни, 4,92%га камайди.

Бундай ўзгаришга қандай омил қай даражада таъсир этганлигини ўрганиш мақсадида қуйидаги ҳосилдор индексларни ҳисоблаймиз.

Доимий таркибли индекс:

$$\bar{I}_w = \frac{\sum i_{\overline{w}} T_1}{\sum T_1} = \frac{0.882 \cdot 62 + 1 \cdot 78}{62+78} = \frac{54.7+78}{140} = \frac{132.7}{140} = 0{,}948 \cdot 100 = 94{,}8\%;$$

фақат ўртача меҳнат унумдорлиги ўзгариши натижасида умумий меҳнат унумдорлиги 5,2 фоизга камайган.

Таркиби силжиш индекси:

$$I_{w(d)} = \frac{I\overline{w}}{\bar{I}w} = \frac{0{,}9818}{0{,}948} = 1.036 \cdot 100 = 103{,}6\%$$

Иккинчи бригадада меҳнат унумдорлиги юқорироқ бўлган, сарф қилинган иш вақти салмоғи октябрь ойида сентябрдагига нисбатан (55,7 . 54,5) 1,2 пунктга ошганлиги умумий меҳнат унумдорлигининг қўшимча 3,6% ошишига сабаб бўлган.

Турли хил истеъмол қиймати ишлаб чиқарилганда ёки истеъмол қийматлар ва хизматлар бўйича умумий меҳнат унумдорлиги динамикасини ўрганиш мақсадида, қиймат меҳнат унумдорлиги индексидан фойдаланилади:

$$I\overline{w} = \frac{\overline{W}_1}{\overline{W}_0} = \frac{\sum q_1 p}{\sum T_1} : \frac{\sum q_0 p}{\sum T_0}$$

Бу ерда, Р - ўзгармас баҳо.

Ўзгармас баҳо турли хил истеъмол қийматларини умумлаштириш мақсадида «соизмеритель» тариқасида фойдаланилади:

Шундай «соизмеритель» тариқасида $t_н$ – меъёр (норма) бўйича меҳнат талабчанлигидан ҳам фойдаланиш мумкин.

$$I\overline{W} = \frac{\sum q_1 t_H}{\sum T_1} : \frac{\sum q_0 t_H}{\sum T_0} = \frac{\overline{W}_1}{\overline{W}_0}$$

Бу индексга ишлатилган хомашё қиймати тъсир кўрсатмайди. Вақт бирлигида турли хил меъёр соатда ишлаб чиқариш билан фарқланади:

$$\overline{W} = \frac{\sum q\, t_H}{\sum T}$$

Бу индекс меҳнатни нормаллаштириш яхши ташкил этилган ишлаб чиқаришда қўлланилади.Бунда ўзгарувчан ва доимий таркибли меҳнат унумдорлигининг индекслари қиймати, қўшилган қиймат бўйича ҳам, соф маҳсулот бўйича ҳам аниқланиши мумкин. Кўпинча натурал, қўшимча қиймат меҳнат унумдорлиги индексидан корхона ёки фирма даражасидаги меҳнат унумдорлигини тавсифлаш, яъни қўшилган қиймат ёки соф махсулотдан айрим тармоқлар ёки бутун иқтисодиёт даражасидаги меҳнат унумдорлигини тавсифлашда фойдаланилади.

Ҳозирги кунда меҳнат унумдорлиги даражаси, динамикасини тармоқлар ва бутун иқтисодиёт бўйича тавсифлашда миллий ҳисоблар тизими маълумотларидан кенг фойдаланилади. Глобал ёки тотал унумдорлик омиллари индексларини аниқлашда қуйидаги кўрсаткичлар, яъни соф ички маҳсулот , меҳнат сарфи, оралиқ истеъмол, асосий капитал истеъмоли ва бошқа омиллар сарфининг динамик қаторларини жорий қоида қиёсланадиган нархларда олдиндан тузиш тавсия этилади. Бунда соф ички маҳсулот омиллари қиймати бўйича баҳоланади.

Айтиш лозимки, базис даври учун омилларнинг глобал унумдорлиги бирга тенг, чунки маҳсулотнинг нархлар омили бўйича қиймати омиллар сарфлари йиғиндисига тенг. Бошқа даврлар унумдорлигининг даражалари қиёсланадиган нархлар омилидаги маҳсулот қийматини омилларнинг қиёсланадиган нархлардаги сарфларига бўлишдан олинадиган натижа сифатида аниқланади. Бу индексларни ҳисоблашни соддалаштириш ва ҳар бир омилнинг яққол таъсирини кўриш мақсадида юқоридаги индексларга ўзгартириш киритилади:

1. Ўзгарувчан таркибли меҳнат унумдорлиги индекси:

$$I_{\overline{w}} = \frac{\overline{W}_1}{\overline{W}_0} = \frac{\sum q_1}{\sum T_1} : \frac{\sum q_0}{\sum T_0} = \frac{\sum W_1 T_1}{\sum T_1} : \frac{\sum W_0 T_0}{\sum T_0} = \frac{\sum W_1 d_{T_1}}{\sum d_{T_1}} : \frac{\sum W_0 d_{T_0}}{\sum d_{T_0}} = \frac{\sum W_1 d_{T_1}}{\sum W_0 d_{T_0}}$$

Бу ўзгарувчилар $W = \frac{q}{T}$. Бундан, $q = W\,T$.

Шундан келиб чиқадики,

$$\overline{W}_0 = \frac{\sum W_0 T_0}{\sum T_0} \quad \overline{W}_1 = \frac{\sum W_1 T_1}{\sum T_1}$$

, бу ўртача тортилган арифметик усул.

Ўртачанинг айрим математик хусусиятларидан бири шундан иборатки, агар «соизмеритель» қандайдир бир хил доимий сонга кўпайтирилиб ёки бўлинса ўртача миқдор ўзгармайди.

Шунинг учун Т-унинг салмоғи тенглаштирилиб олинади.

Бу ерда, биринчи омил ($W_0$ ва $W_1$);

иккинчи омил ($d_{T_0}$ $d_{T0}$ ва $d_{T_1}$).

Биринчи омил таъсирини ўрганиш учун иккинчи омил ўзгармас таркибда олинади. Доимий таркибли индекс:

$$Iw = \frac{\sum W_1 T_1}{\sum T_1} : \frac{\sum W_0 T_1}{\sum T_1} = \frac{\sum W_1 T_1}{\sum W T_1} = \frac{\sum W_1 d_{T_1}}{\sum W_0 d_{T_0}}$$

Иккинчи омилнинг таъсирини ўрганиш учун биринчи омил ўзгармас ҳолда олинади. Таркибий силжиш индекси:

$$Iw(dT) = \frac{\sum W_0 T_1}{\sum T_1} : \frac{\sum W_0 T_0}{\sum T_0} = \frac{\sum W_0 dT_1}{\sum dT_1} : \frac{\sum W_0 d_{T_0}}{\sum d_{T_0}} = \frac{\sum W_0 d_{T_1}}{\sum W_0 d_{T_0}}$$

Доимий таркибли ва таркиби силжиш индекслари ўзгарувчан таркибли индексни ҳосилалари бўлганлиги учун, улар орасида қуйидаги боғлиқлик мавжуд:

$$I_w \, I_w \, I_{w(dT)}$$

Юқорида кўриб чиқилган турли хил усулда ҳисобланган доимий таркибли индекслар натижалари турли хил бўлади:

$$\bar{I}_w = \frac{\sum i_{\bar{w}} T_1}{\sum T_1} = \frac{\sum \frac{t_0}{t_1}}{\sum t_1 q_1} = \frac{\sum t_0 q_1}{\sum t_1 q_1} = \frac{\sum t_0 dq_1}{\sum t_1 dq_1}$$

$$\bar{I}w = \frac{\sum W_1 d_{T_1}}{\sum W_0 d_{T_0}}$$

Бу иккала усулда ҳисобланган индексларга индекслаштирилаётган кўрсаткич турли хил ўзгармас «соизмерител»да олинган.

Биринчи индексга ўзгармас маҳсулот салмоғи (dq);

иккинчи индексга ўзгармас сарф қилинган вақт салмоғи (dT).

Таркибий силжиш индекслари ҳам шу икки усулда юқорида кўрилган сабабга кўра турлича бўлади. Ҳар хил сарф бирликларига нисбатан ҳисобланган меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқлик. Меҳнат сарфи бирлиги киши/соат, киши/кун, киши/ой ва киши/йил демакдир. Демак, меҳнат унумдорлиги даражаси: ўртача соатлик, ўртача кунлик, ўртача ойлик, ўртача йиллик ва ҳоказо бўлиши мумкин.

Меҳнат унумдорлигини бир қанча меҳнат сарфи бирликларига ҳисоблаш, меҳнат унумдорлигини ўрганиш жараёнини бойитади ва меҳнат унумдорлигининг ўзгаришига иш вақтидан фойдаланиш даражаси таъсирини кўрсатиб беради.

## Қисқача хулосалар

Меҳнат унумдорлиги даражаси ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ифодаловчи энг муҳим кўрсаткич ҳисобланади, у тўғри ва тескари кўрсаткичлар ёрдамида баҳоланади. Тўғри меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи – вақт бирлигида ишлаб чиқарган маҳсулот миқдорини ифодалайди. Тескари меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи, меҳнат талабчанлиги – маҳсулот бирлигига сарф этилган иш вақти бирлигини ифодалайди. Бу кўрсаткичлар орасида тескари боғлиқлик мавжуд.

Меҳнат унумдорлиги даражасини ўрганиш муаммоси, иқтисодчи-статистиклар орасида дискуссия ҳисобланиб, жуда кўп фикр ва мулоҳазалар билдирилмоқда. /арб статистикасида унумдорлик кўрсаткичлари тизими ишлаб чиқариш назарияси асосида ташкил этилади ва бу назарияга кўра меҳнат унумдорлиги, унумдорликнинг хусусий кўрсаткичи сифатида қаралади, чунки сарфланган жонли меҳнат, фақат ишлаб чиқариш омилларидан бири сифатида қаралиб, техник тараққиёт этиши сари унинг аҳамияти камайиб боради ва шунинг учун маҳсулот яратишда иштирок этадиган ишлаб чиқариш омилларини ҳам ҳисобга олиш лозим.

Халқаро статистикада унумдорлик ҳисоб-китобида, маҳсулот кўрсаткичи сифатида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш, пировард маҳсулот, соф маҳсулот, ялпи қўшилган қиймат, соф қўшилган қиймат кўрсаткичларидан фойдаланиш мумкинлиги кўрилади. Меҳнат унумдорлиги динамикаси индекс усули ёрдамида ўрганилиб, бу усул нафақат меҳнат унумдорлиги ўзгаришини кўрсатиб, балки турли хил омиллар таъсирини ҳам акс эттиради. Меҳнат унумдорлиги бозор шароитида натижавий кўрсаткични оширишнинг асосий омили бўлиб ҳисобланади.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Меҳнат унумдорлигини халқ хўжалиги ривожланишида тутган ўрни.
2. Меҳнат унумдорлиги даражасини ҳисоблаш усуллари.
3. Унумдорликни ўрганиш бугунги кун дискуссион муаммолари.
4. Унумдорликни баҳолашда қўлланиладиган натижавий кўрсаткичлар.
5. Меҳнат унумдорлиги динамикасини ўрганиш.
6. Ўзгарувчан таркибли индексларни ҳисоблаш усуллари.
7. Доимий таркибли индексларни ҳисоблаш усуллари ва улар орасидаги фарқ.
8. Таркиб силжишли индексларни ҳисоблаш усуллари ва улар орасидаги фарқ.

## Асосий адабиётлар

1. Акбарова З. Меҳнат бозори статистикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, Тошкент, 2004.
2. Под ред. С.Д.Ильенковой. Микроэкономическая статистика. Учебник. – М., 2004 г.
3. В.Г.Минашкин, О.Л.Козарезова. Основў теории статистики. – М., 2004 г.
4. Р.А.Шмойлова и др. Практикум по теории статистики. Учебной пособие. – М., 2004 г.
5. Р.А.Шмойлова и др. Теория статистики. Учебник. – М., 2004 г.
6. www.euireland.ie
7. www.cec.org.uk
8. www.eurunion.org
9. www.europarl.ie

# VII боб. ИШЧИ КУЧИ ҚИЙМАТИ СТАТИСТИКАСИ

## 7.1. Ишчи кучининг қиймати тушунчаси ва унинг кўрсаткичлари тизими

Халқаро меҳнат бозори статистикасида марказий ўринни эгалловчи ишчи кучи қийматининг кўрсаткичи географик, тармоқ ва касбий (профессионал) жиҳатларда ишчи кучининг ҳаракатчанлиги (мойиллиги)га таъсир этишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги сабабли ишчи кучининг талаб ва таклифи нисбатига, шунингдек, меҳнат бозорида шаклланадиган вазиятга бевосита боғлиқ бўлади. “Ишчи кучи қиймати” категорияси фақат бозор иқтисодиёти шароитларида мавжуд бўлади. Марказий режалаштириладиган иқтисодиётда бу категория ўрнида фақат меҳнат ҳақи кўрсаткичидан фойдаланилган. Сабаби шундаки, меҳнатга ҳақ тўлаш иш ҳақини белгилашнинг марказлашган тизими бўйича аниқланган ва амалда ишлаб чиқариш натижаларига боғлиқ бўлмаган.

Ишчи кучига қўшимча сарфларнинг катта қисми тақсимлаш тартибида давлат бюджети орқали амалга оширилган. Ойлик ўртача иш ҳақи корхонада бор бўлган (амалда-белгиланган)умумий иш ҳақи фонди ва ходимларнинг ўртача сони асосида ҳисобланган. Бунда фақат тўла ой ишлаган ишчи ва хизматчилар ҳисобга олинган, яъни тўла иш ҳақи ёки касаллиги, ҳақ тўланмайдиган таътил ёки бошқа сабаблар туфайли маош олмайдиганлар ҳисобга олинмаган.

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан давлатнинг роли ўзгаради, унинг бу соҳадаги кўпгина вазифалари бевосита иш берувчиларга топширилади. Иш ҳақи касаба уюшмалари билан иш берувчилар, шунинигдек, ҳукумат ўртасидаги музокаралар мавзуига айланди. Иш берувчилар иш ҳақи шакли ва моддий рағбатлантириш шаклини мустақил белгилайди, ходимлар тариф миқдорлари ва лавозим маошларини аниқлайдилар, турли ижтимоий тўловлар амалиётини қўллайдилар.

ХМТ таърифига кўра, ишчи кучининг қиймати (ёки ишчи кучини сақлаш харажатлари) иш берувчиларнинг ишчи кучини сақлаш ва ундан фойдаланишга алоқадор сарфлари суммасидир. Бу сарфлар икки гуруҳга: бевосита ва билвосита сарфлар гуруҳига ажратилади.

Ишчи кучига бевосита сарфларга қуйидагилар киради: бевосита иш ҳақи ва маош ишланмайдиган вақт учун тўлов; иш ҳақи фондига кирмайдиган мукофот ва совғалар; овқатланиш ва ичимликлар ҳаракатлари ҳамда иқтисодий фаолият жараёнида натура шаклидаги бошқа тўловлар.

Ишчи кучига билвосита сарфлар қуйидагиларни ўз ичига олади: иш берувчи ўз зиммасига оладиган ходимларнинг турар жойга харажатлари; ишчи кучига бошқа харажатлар, шунингдек, ишчи кучига харажатлар сифатида қараладиган солиқлар. Аналитик мақсадларда ишчи кучига харажатларни иқтисодий фаолият соҳалари бўйича ва имкони бор жойда иш

ҳақи билан маош олувчиларнинг халқаро стандарт тарифлари йўқлиги туфайли бу категорияларни шу мамлакат статистик мақсадлари учун энг ярoқли мезонларни ҳисобга олиб фарқлаш лозим.

Ишчи кучига харажатлар тўғрисидаги маълумотларни бандлар сонига мувофиқ тарзда иш ҳақи ёки маош оладиган, ишлаб турган эркаклар ва аёллар, шунингдек, шогирдлар сони ҳам кўрсатилган маълумотлар билан тўлдириш керак. Ишчи кучи қиймати кўрсаткичини ҳисоб-китоб қилиш учун ҳақиқий маълумотларни йиғиш иш берувчиларни танлаб текширувдан ўтказиш асосида амалга оширилади. Бу 5 йилда бир марта ўтказилади ва афсуски, барча мамлакатларда эмас, бу халқаро таққослашни анча қийинлаштиради.

Натижада мазкур мақсадда амалиётда, қоидага кўра, фақат соатбай иш ҳақи тўлаш кўрсаткичидан фойдаланилади. Статистика ишчи кучи қийматини ўрганиш жараёнида қуйидаги вазифаларни ҳал қилади:

- ишчи кучи қиймати даражаси, тузилиши ва динамикасини ҳудудлар ҳамда иқтисодий фаолият соҳалари бўйича аниқлаш;
- меҳнат ҳақи, айниқса, иш ҳақи кўрсаткичларини статистик ўрганиш, шунингдек, унинг даражаси ва динамикасига турли омиллар таъсирини ўрганиш;
- ходимларни бандликдан оладиган даромадлари улушини баҳолаш;
- аҳоли фойдаланадиган ижтимоий транспортларнинг статистик таснифи;
- ишчи кучининг малака эгаллаш ва маълумот даражасини оширишга боғлиқ харажатлар ҳажми ва динамикасини ўрганиш;
- вакант бирлиги ҳисобига ишчи кучига ўртача харажатларни (меҳнат сарфи бирлигига харажатларни) аниқлаш.

## 7.2. Меҳнатга ҳақ тўлаш кўрсаткичлари

Меҳнатга ҳақ тўлашни ўрганиш «Меҳнат статистикаси»нинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади, чунки меҳнат миқдори ва сифатига кўра, бир хил меҳнатга ҳақ тўлашдаги жиддий фарқланиш аҳолининг меҳнат мобиллиги кучайишининг муҳим омили ҳисобланади.

**Меҳнат ҳақи** аҳолининг пул ва натура ифодасидаги барча даромадлари бўлиб, у иқтисодий фаолият жараёнида ҳосил бўлади ва иш ҳақи, чой пули ва бошқаларни ўз ичига олади. **Иш ҳақи** ёлланма ходимларга, қоидага кўра, мунтазам вақт оралиғида ишланган ва ишланмаган вақт учун пул ва натура шаклида тўланадиган рағбатлантиришдир.

Ҳозирги кунда иш ҳақининг даражаси ва динамикасини ҳисобга олиш у ёки бу шаклда амалга оширилиши мумкин. Аммо турли манбаларда иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар бир-биридан жиддий фарқ қилади: корхоналар (иш берувчилар)нинг маълумотлари энг юқори ҳисобланади; ижтимоий таъминот ва суғурта органлари (касалхона кассалари, нафақа фондлари ва бошқалар)нинг маълумотлари анча пастроқ; касаба

уюшмасининг маълумотлари ундан ҳам пастроқ бўлади. Сўзсиз, касаба уюшмаларининг маълумотлари кўпроқ даражада ишончли бўлади.

Ҳозирги кунда иш ҳақининг икки асосий шакли: вақтбай ва ишбай тури мавжуддир.

*Вақтбай иш ҳақи* ишлаган вақт миқдорига боғлиқ бўлиб, қуйидаги икки кўринишга эга:

- вақтбай мукофотли;
- оддий мукофотли.

*Ишбай иш ҳақи* бажарилган иш миқдори ва сифатига боғлиқ бўлади. Унинг бир неча турлари бор:

- бевосита ишбай (бунда ишнинг баҳоси бажарилган иш ҳажмидан қатъиназар ўзгармайди);
- ишбай прогрессив (бунда бажарилган иш баҳоси бажарилган иш ҳажмига кўра ортиб боради);
- ишбай мукофотли;
- аккорд иш ҳақи (алоҳида иш турларини бажариш иш берувчи билан ёлланма ишчи ўртасида аккорд шартномасини тузиш натижасида аниқланади).

Айтиш лозимки, амалиётда вақтбай ва ишбай иш ҳақи соф кўринишда анча кам қўлланади. Одатда, бу икки шаклнинг турли бирикмаларидан фойдаланилади.

Умумий меҳнат натижасига қўшган ҳиссасини аниқлаш мумкин бўлган иш кучи категориялари меҳнати ишбай ҳақ кўринишида рағбатлантирилади, қўшган ҳиссасини аниқлаш мумкин бўлмаган категориялар вақтбай ҳисобланади.

Иш ҳақи фонди таркибига: ишланган вақт ва ишланмаган вақт учун меҳнат ҳақини тўлаш киради.

Ишланган вақт учун меҳнат ҳақи тўлаш қуйидагиларни қамраб олади:

- вақтбай ишловчиларга ишланган вақт учун иш ҳақи тўлаш;
- вақтбай ишловчиларга рағбатлантирувчи қўшимча тўловлар тўлаш;
- ишбайчилар иш ҳақи;
- устама ишдан ташқари соатларда, тунги вақтда ишлаганлиги учун,график, байрам кунлари учун қўшимча тўловлар;
- комиссион тўловлар;
- турли қўшимча тўловлар (стаж, малака, бригадага бошчилик қилганлик, шогирдларни ўқитганлик учун; иш шароитининг зарарлилиги учун ва индексация тўловлари).

Ишланмаган вақт учун тўловлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ҳақ тўланадиган давлат байрами кунлари;
- ҳар йилги таътилларга ҳақ тўлаш;
- бошқа ҳақ тўланадиган таътиллар;
- мукофотлар (мавсумий, йиллик, фойдадаги иштирок, шунингдек, таътилга қўшимча тўловлар).

Юқоридагилар билан барча иш ҳақига иш берувчи бевосита ходимга тўланган турар жой субсидиялари ва оилавий нафақалар ҳам қўшилади. Иш ҳақи фондига қуйидагилар киритилмайди: иш берувчиларнинг ўз ходимлари ижтимоий таъминоти ва пенсия фондларига бадаллари; ходимларнинг шу тизим ва фарқлар доирасида олган суммалари; дам олиш нафақалари.

Турли мамлакатлар статистикасида ходимлар оладиган натура шаклидаги тўловлар суммасини иш ҳақига киритиш масаласи турлича ҳал қилинади. Қатор мамлакатлар (Италия, Буюк Британия, Нидерландия)да бу тўловлар иш ҳақи фонди таркибига тўла киритилади; айрим мамлакатлар (Бельгия)да иш ҳақига фақат маҳсулот билан берилган тўловлар киритилиб, бепул берилган турар жой қиймати киритилмайди; бошқа мамлакатлар (Франция, Германия, Япония)да натура шаклидаги тўловлар иш ҳақи фондига умуман киритилмайди.

Иш ҳақи икки вариантда ҳисобланади:

- ялпи (солиқлар ва мажбурий тўловлар чегирилгунча);
- соф (солиқлар ва тўловлар чегирилгандан сўнг).

Статистикада асосий ва қўшимча иш ҳақи ҳам фарқланади.

Асосий иш ҳақи ҳақиқий бажарилган ишлар учун тўловлардан иборат бўлади, қўшимча иш ҳақи эса шу корхонада ишловчи ходимларнинг билвосита даромадларини ифодалайди. Асосий иш ҳақи эгаллаб турган лавозим, маълумот ва малака даражаси, стаж ва бажарилаётган ишнинг мураккаблигига боғлиқ бўлади. Қўшимча иш ҳақи меъёр (норма)ни ошириб бажарганлик учун тўланадиган ҳақ ва нарх-навонинг ўсиши муносабати билан турмуш даражасини сақлаш учун қўшимча тўловларни ўз ичига олади. Асосий ва қўшимча иш ҳақидан ташқари бир ойлик маош миқдорида йилда бир икки марта тақдирлов пули сифатида бериладиган бонуслар мавжуд.

Кейинги йилларда иш ҳақининг умумий фондида қўшимча иш ҳақининг салмоғи асосий иш ҳақи улушининг камайиши ҳисобига бўлди.

Ривожланган мамлакатларда иш ҳақи фондини шакллантириш асосини тариф миқдорлари ташкил қилади. Улар маълум касб ва маълум малака даражасига эга бўлган ходимнинг маълум вақт оралиғидаги меҳнат ҳақини қайд этади. Ходимларнинг алоҳида разрядлари бўйича тариф сеткаларидан фойдаланилади. Ҳар бир разряддаги ходим турли норматив хужжатларда расмий мустаҳкамланган маълумот малака талабларига жавоб бериши керак. Ишлаб чиқариш жараёнида айни бир хил разрядга эга бўлган ишчилар ҳақиқий бажараётган ишларидан қатъиназар, бир хил тариф миқдорини олади.

Тариф миқдорига ҳудудий омил ҳам таъсир этади. Иш ҳақи ўрганилганда унинг ўртача даражаси аҳолининг алоҳида ижтимоий-касбий тарифлари бўйича аниқланади. У бир ходимга тўғри келадиган ва бир киши/соатга тўғри келадиган ҳисобда ҳам аниқланиши мумкин. Биринчи ҳолатда иш ҳақи қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$\bar{f}=\frac{\sum fT}{\sum T}=\frac{\text{Иш ҳақи фонди}}{\text{ўртача ходимлар сони (қилинган иш вақти)}}$$

Бу ерда, $\bar{f}$ - ўртача иш ҳақи.

Ўртача иш ҳақи: ўртача соатлик иш ҳақи, ўртача кунлик иш ҳақи, ўртача ойлик иш ҳақи, ўртача йиллик иш ҳақи бўлиши мумкин.

Халқаро статистикада, қоидага кўра, иш ҳақи бир ходим ҳисобига эмас, бир киши/соатига кўра аниқланади. Сабаби шундаки, дунё мамлакатларининг кўпида ходимларнинг сезиларли қисми тўла иш вақтида банд бўлмайди.Иш ҳақи динамикасини ўрганишда иш ҳақининг ривожланиш тенденциясини аниқлаш имконини берадиган индекс усулидан кенг фойдаланилади.Иш ҳақи умумий фондининг динамикаси қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$If=\frac{F_1}{F_0}=\frac{\sum f_1 T_1}{\sum f_0 T_0}$$

Бу ерда, $F_1$ ва $F_0$ - иш ҳақи фондлари. $F=\sum fT$

Ўртача иш ҳақи динамикасини таърифловчи индекслар эса муҳим индекслар ҳисобланади. Ўртача иш ҳақи қай даражада ўзгарганлигини билиш мақсадида умумий ўзгарувчан таркибли индекс ҳисобланади:

$$I_{\bar{f}}=\frac{\bar{f}_1}{\bar{f}_0}=\frac{\sum f_1 T_1}{\sum T_1}:\frac{\sum f_0 T_0}{\sum T_0}$$

Бу индексга икки омил таъсир кўрсатади:

биринчидан:

-ўртача иш ҳақи ўзгариши $(\bar{f}_0,\bar{f}_1)$;

-турли иш ҳақи олувчи ходимлар таркиби (ёки сарф қилинган иш ҳақи) ўзгариши.

$$d_T=\frac{T_0}{\sum T_0},\ d_T=\frac{T_1}{\sum T_1},$$

Ҳар бир омилнинг ўртача иш ҳақи ўзгаришига қай даражада таъсир кўрсатганини ўрганиш мақсадида ўзгарувчан таркибли индекс қуйидаги ҳосилавий индексларга бўлинади:

-доимий таркибли индекс, фақат биринчи омилнинг таъсирини ўрганиш учун

$$\bar{I}_f=\frac{\sum f_1 T_1}{\sum T_1}:\frac{\sum f_0 T_1}{\sum T_1}=\frac{\sum f_1 T_1}{\sum f_0 T_1}$$

- тузулмавий силжиш индекси,

$$If(dT)=\frac{\sum f_1 T_1}{\sum T_1}:\frac{\sum f_0 T_1}{\sum T_1}\ \text{ёки}\ I_{f(dT)}=I_{\bar{f}}:\bar{I}_f$$

Уларга ўзгарувчан таркибли, доимий таркибнинг иш ҳақи индекслари ва тузилмавий силжишлар индекслари киритилади. Доимий таркибли иш ҳақининг индекси ишчи кучининг таркибий тузилмаси ўзгармас бўлгандаги ўртача иш ҳақининг динамикасини тавсифлайди. Уни ҳисоб-китоб қилишда тарози сифатида ҳисобот давридаги ходимлар сони (ишланган вақт) дан фойдаланилади.

Иш ҳақи кўрсаткичларини тавсифлашда номинал ва ҳақиқий (реал) иш ҳақини фарқлаш лозим. Номинал иш ҳақи иш ҳақининг мувофиқ қилувчи давр нархларида пулдаги ифодасидир. Реал иш ҳақи номинал иш ҳақи харид қобилиятининг пулдаги ифодаси, яъни мазкур иш ҳақига сотиб олиш мумкин бўлган истеъмол товар ва хизматларнинг йиғиндисидир.

Инфляция шароитларида реал иш ҳақини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга, чунки у нархлар ўзгаришининг таъсирини бартараф этади ва харид қобилиятининг ҳақиқий динамикасини акс эттиради.Реал иш ҳақи индекси қуйидаги формула бўйича ҳисобланади.

$$I_{\text{реалищ}} = I_{\text{номищ}} : I_{\text{р}}$$

Бунда: $I_{\text{реал иш}}$ – реал иш ҳақи индекси;

$I_{\text{ном иш}}$ – номинал иш ҳақи индекси;

$I_{\text{р}}$ – товар ҳамда пулли хизматларнинг истеъмол нархлари ва тарифлари индекси.

Реал иш ҳақи миқдори давлатнинг солиқ сиёсатига ҳам боғлиқ бўлади. Ишловчилардан ундирилган солиқлар кўпгина мамлакатларда давлат бюджетини шакллантирувчи асосий манба ҳисобланади.Шунинг учун катта номинал иш ҳақи барқарор ва истеъмол нархларининг даражаси ўзгармас бўлган шароитларда ҳам ишлаб турган ходимларнинг реал иш ҳақи солиқ миқдорининг ортиши туфайли пасайиши мумкин. Шунга кўра, реал иш ҳақини аниқлаш асосида солиқлар чегараланган номинал иш ҳақи ётиши керак.

## 7.3. Истеъмол баҳолари индексини ҳисоблаш

Истеъмол баҳолари индексини ҳисоблаш жуда муҳим амалий аҳамиятга эга бўлган мураккаб вазифадир. Истеъмол нархлари индекси мазкур мамлакат воситаси харид қобилиятининг реал ўзгаришини акс эттиради ва аҳоли турмуш даражасининг энг муҳим тавсифларидан бири ҳисобланади.

Истеъмол нархлари индексини ҳисоблаш методологияси товар-вакиллар усулига асосланган. Бу ҳар бир товар ва хизматни ҳисобга олган ҳолда истеъмол нархлари индексини аниқ ҳисоблаб чиқиш имконини бермайдиган юз минглаб ва миллионлаб ҳар хил турдаги истеъмол товарлари, хизматлари ишлаб чиқарилиши ва истеъмол қилиниши туфайлидир.

Товар-вакиллар усулининг моҳияти қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1) Тадқиқ қилинаётган товарлар ва хизматларнинг бутун йиғиндиси бир турли гуруҳ ва кичик гуруҳларга ажратилади.

2) Ҳар бир гуруҳ ёки кичик гуруҳ учун қуйидаги усуллардан фойдаланиш асосида товар – вакил ажратилади:

- товар ёки хизмат ҳажми (қиймати) бўйича шу гуруҳ ёки кичик гуруҳда энг салмоқли бўлиши керак;
- товар ёки хизматнинг нархи ўртача – гуруҳий нархга яқин бўлиши керак (яъни мазкур гуруҳдаги барча товар ёки хизматлар нархи тахминан бир хил ўзгариши керак).

3) Àæðàòèëãàí òîâàðâàêèëëàð ó÷óí íàðхëàð èíäåêñëàðè àíèқëàíàäè.

4) Îëèíãàí èíäåêñ шу ãóðóùäàãè áàð÷à òîâàð âà õèçìàòëàð учун қûëëàíèëàäè.

5) Èñòåúìîë íàðõëàðèíèíã ìóàëëaқ (÷àìàëàíãàí) èíäåêñè ìóâoôиқ êåëóâ÷è ãóðóù òîâàð àéëàíèøè áûéè÷à баҳoëàð ãóðóùèé èíäåêñèíè ìóàëëàқëàø (÷àìàëàø) éûëè áèëàí àíèқëàíàäè.

6) Ûðòà÷à ãóðóùèé èíäåêñëàð àíèқëàíãàíäàí ñûíã éèғìà èíäåêñíè ùèñîáëàø ìàқñàäèäà óëàð ìóàëëàқëàíàäè.

Ìàâæóä àõáîðîòãà áîғëèқ òàðçäà áó ó÷ óñóëäà àìàëãà îøèðèëàäè:

1. Бàçèñ äàâðи òîâàð àéëàíèøèíèíã ùàқèқèé ùàæìè áûéè÷à:

$$I_p = \frac{\sum i_p \times q_0 p_0}{\sum q_0 p_0}$$

Áóíäà: $i_p$ – баҳоларнинг индивидуал индекслари;

$\sum q_0 p_0$ – базис даври товар айланиши.

2. Ҳисобот даври базис нархларидаги товар айланиши тузилмаси бўйича:

$$I_p = \frac{\sum i_p \times q_1 p_0}{\sum q_1 p_0}$$

Áóíäà: $i_p$ – нархларнинг индивидуал индекслари;

$\sum q_1 p_0$ – ùèñîáîò äàâðи áàçèñ íàðõëàðèäàãè òîâàð àéëàíèøè.

3. Ҳисобот ва базис даврларида маҳсулот ишлаб чиқариш йиғиндиси бўйича:

$$I_p = \frac{\sum i_p \times (q_1 + q_0)}{\sum (q_1 + q_0)}$$

Бунда: $i_p$ – нархларнинг индивидуал индекслари;

$q_0$ – базис давридаги маҳсулот ишлаб чиқариш;

$q_1$ – ҳисобот давридаги маҳсулот ишлаб чиқариш.

Улгуржи баҳолар индекси êîðõîíàëàðíèíã ìàùñóëîò ñîòèø òûғðèñèäàãè ìàúëóìîòëàðè àñîñèäà ùèñîáëàíàäè âà òîâàð õèçìàòëàðíèíã òóðè áûéè÷à àíèқëàíàäè.

Ìàçêóð ùîëàòäà қóéèäàãèëàð òàíëîâ ìåçîíè áûëàäè:

- ìàçêóð ãóðóù ìàùñóëîòèíèнг èøëàá ÷èқàðèøäàãè ñåçèëàðëè ñàëìîғè;
- íàðõëàð äèíàìèêàñè ûðòà÷à äèíàìèêàãà ўқèí;
- íàðõëàð òûғðèñèäàãè çàðóð ìàúëóìîòëàðíèíã áîðëèãè.

Àìàëè¸òäà èøëàá ÷èқàðóâ÷èëàðíèíã íàðõîíìà (ïðåéñêóðàíò) íàðõëàðèäàí ùàì ôîéäàëàíèëàäè. ×àêàíà баҳоëàð èíäåêñè òîâàð âà õèçìàòëàðíèíã áўòóí ãîèðàñè áûéè÷à òàíëàá îëèø àñîñèäà àìàëãà îøèðèëàäè. Баҳоëàð èíäåêñè øàùàð âà қèøëîқ æîéëàð ó÷óí àëîùèäà àíèқëàíàäè. Ðûéõàòãà îëèøäàãè ўíã àñîñèé ìóàììî ìóâîôèқ êåëóâ÷è ñòàòèñòèê ìàùñóëîò èқãîðèíè ùèñîáãà îëèøíèíã ìóìêèí ýìàñëèãèäèð. Шóíãà êûðà, êûïãèíà ùîëëàðäà баҳоëàð èíäåêñè îääèé ûðòа÷à àðèôìåòèê ôîðìóëà áûéè÷à àíèқëàíàäè.

## 7.4. Иø÷è êó÷èãà áèëâîñèòà õàðàæàòëàð ñòàòèñòèêàñèíèíã àñoñèé êûðñàòêè÷ëàðè

Èø÷è êó÷è қèéìàòèга, èø÷è êó÷èãà ìåùíàò ùàқè êûðèíèøèäà қèëèíãàí áåâîñèòà õàðàæàòëàðäàí òàøқàðè èø÷è êó÷èíè қàéòà òèêëàø қèéìàòèíèнг áåâîñèòà àíèқëîâ÷è ìàçìóíè áûéè÷à áèëâîñèòà ñàðôëàð ùàì êèðèòèëàäè. ÕÌÒ òàâñèÿëàðèãà êûðà, қóéèäàãèëàð èø÷è êó÷èãà áèëâîñèòà õàðàæàòëàð ýëåìåíòëàðè ùèñîáëàíàäè:
- èø áåðóâ÷èëàðíèíã èæòèìîèé òàúìèíîòãà қèëãàí õàðàæàòëàðè;
- êàñáèé òàé¸ðãàðëèêêà қèëèíãàí õàðàæàòëàð;
- èø áåðóâ÷è ûç çèììàñèãà îëàäèãàí, õîäèìëàðíèíã òóðàð æîéëàðèãà қèëèíàäèãàí õàðàæàòëàð;
- èæòèìîèé õèçìàòëàðãà қèëèíàäèãàí õàðàæàòëàð;
- èø÷è êó÷èãà қèëèíàäèãàí áîøқà õàðàæàòëàð, øóíèíãäåê, èø÷è êó÷èãà õàðàæàòëàð ñèôàòèäà қàðàëàäèãàí ñîëèқëàð.

Қóéèäàãèëàð èø áåðóâ÷èëàðíèíã èæòèìîèé òàúìèíîòãà қèëãàí õàðàæaòëàðèãà êèðèòèëàäè:

1) Иæòèìîèé òàúìèíîòãà ìàæáóðèé (қîíóí áèëàí áåëãèëàíãàí) áàäàëëàð (қàðèëèê, íîãèðîíëèê, áîқóâ÷èñèíè éûқîòãàíëèê нафақаëàðè ôîíäëàðèãà; êàñàëëèê âà áîëà òóғèш ìóíîñàáàòè áèëàí òûëîâëàð; èøëàá ÷èқàðèøäà øèêàñòëàíãàíëèê ó÷óí òîâîíëàð; èøñèçëèê íàôàқàëàðè; îèëàâèé íàôàқàëàð).
2) Иæòèìîèé òàúìèíîò âà ñóғóðòàíèíã õóñóñèé ôîíäëàðèãà æàìîàâèé êåëèøèëãàí, øàðòíîìàâèé âà ìàæáóðèé áûëìàãàí òûëîâëàð (қàðèëèê, íîãèðîíëèê âà áîқóâ÷èñèíè éûқîòãàíëèê нафақаëàðè ôîíäëàðèãà; êàñàëëèê âà áîëà òóғèш ìóíîñàáàòè áèëàí òûëîâëàð; èøëàá ÷èқàðèøäà øèêàñòëàíãàíëèê ó÷óí òîâîíëàð; èøñèçëèê íàôàқàëàðè; îèëàâèé íàôàқàëàð).
3) Xîäèìëàðãà áåâîñèòà òûëîâëàð:
– êàñàëëèê òóôàéëè èøäà éûқ áûëãàí, áîëà òóққàí, éûқîòèëãàí èø ùàқèíè қîïëàø ìàқñàäèäà èøëàá ÷èқàðèø æàðîìàòè îëãàí xîëëàðäàa;
– áîøқàëàð (èæòèìîèé òàúìèíîò äèðåêñèÿ íàôàқà ùèñîáëàíàäèãàí);
4) Tèááèé õèçìàòëàð âà øóíãà ûõøàø õèçìàòëàðãà õàðàæàòëàð.
5) Дàì îëèø íàôàқàëàðè (èæòèìîèé òàúìèíîò äèðåêñèÿ õàðàæàò ùèñîáëàíàäèãàí).

Áàð÷à ìàìëàêàòëàðäà èæòèìîèé òàúìèíîò òàëàáèðêîðëèàð, ¸ëëàíìà xîäèìëàð âà äàâëàò ûðòàñèäàãè ûçàðî ìóíîñàáàòëàðíèíã ìóðàêêàá òèçèìè ùèñîáëàíàäè.

**Àññèé нафақа** – äàâëàò òîìîíèäàí нафақа ¸øèãà åòãàí áàð÷à ôóқàðîëàð, óëàðíèíã èø ñòàæëàðèäàí қàòúèíàçàð òûëàíàäèãàí нафақа.

**Қûøèì÷à нафақа** – ìèқäîðè àùîëèíèíã èқòèñîäèé ôàîëëÿòèäà èøòèðîê ýòèøèãà áåâîñèòà áîғëèқ нафақа áûëèá, ó қóéèäàãè ўëàìàíòëàðäàí òàpêèá òîïàäè:

- èø ùàқè äàðàæàñèäà êûðà äàâëàò нафақаñèäàí;
- êîðõîíàëàðíèíã нафақа ðåæàñè áûéè÷à нафақаäàí;
- õîäèìíèíã øàõñèé нафақа ðåæàñè áûéè÷à нафақаäàí.

**Äàâëàò нафақаñè** – äàâëàò òîìîíèäàí ôàқàò ¸ëëàíìà èø÷èëàðãà àññèé нафақадàí òàøқàðè òûëàíàäèãàí âà áóòóí èø ñòàæèäà ûðòà÷à ùèñîáëàíãàí нафақаси.

**Êîðõîíà âà õîäèìëàð нафақа ðåæàëàðè áûéè÷à нафақа òûëîâëàðè** òàъðèôãà êûðà, òàëàáèðêîð âà õîäèìëàð ìàáëàғëàðè ùèñîáèãà àìàëãà îøèðèëàäè, óìèíã ÷åãàðàñè қíîó÷èëèè òàðòèáèäà áåëãèëàíàäè. Êîðõîíàëàð нафақа ðåæàñè áûéè÷à òûëàíàäèãàí нафақа ìèқäîðè áàäàëèëàð ìèқäîðè âà óëàðíè нафақа ôîíäëàðèäà èíâåñòèöèÿëàø íàòèæàëàðèäà áîғëèқ áûëàäè.

Êîðõîíàëàðäàãè нафақа ôîíäëàðè òàëàáèðêîð ва õîäèìëàð ìàáëàғëàðè ùèñîáèãà ùàì қóéèäàãè÷à таøêèë ýòèëàäè: òàëàáèðêîð соликқè ìàæáóðèé òàðòèáäà òûëàéäè. Áóíäàí òàøқàðè, õîäèì èø ùàқèíèíã áîøқà ñóғóðòà òàøêèëîòëàðèäà èõòè¸ðèé àæðàòèøè ìóìêèí.

Нафақаíèíã óìóìèé ìèқäîðè ïèðîâàðä èø ùàқèíèíã ìèқäîðèäà áîғëèқ áûëàäè. Áóþê Áðèòàíèÿäàãè нафақахûðларíèíã äåÿðëè 90%и нафақаíè ïèðîâàðä èø ùàқèãà áîғëèқ òàðçäà îëàäè. **Ïèðîâàðä èø ùàқè** èø ùàқèíèíã ûðòà÷à äàðàæàñè áûëèá, èқòèñîäè¸òíèíã òóðëè òàðìîқëàðèäà òóðëè тамойилëàð àñîñèäà àíèқëàíàäè:

– нафақага ÷èқèø âàқòèäàãè èø ùàқè áûéè÷à;
– îõèðãè èø éèëëàðäàãè ûðòà÷à èø ùàқè áûéè÷à (êûøèì÷à);
– îõèðãè ó÷ éèëäàãè ûðòà÷à èø ùàқè áûéè÷à;
– îõèðãè ûí éèëëèêнинг исталган áåø éèëèäàãè ûðòà÷à èø ùàқè áûéè÷à.

Нафақахўр âàôîò ýòãàí òàқäèðäà óíèíã нафақаñèíè áåâîñèòà меросхўри îëàäè. Àãàð õîäèì нафақаãà ÷èққóíãà қàäàð âàôîò ýòñà, меросхўр áåâîñèòà нафақаíè ó нафақаãà ÷èқèøè ëîçèì áûëãàí âàқòäàí áîøëàá îëèø ùóқóқèíè ñàқëàá қîëàäè. Нафақаãà ÷èқèø âàқòèäà нафақахўрëàð 2 ойликäàí 12 îéëèê ìàîø ìèқäîðèäà áèð éûëà áåðèëàäèãàí íàôàқàíè îëàäè. Õîäèì нафақаãà ÷èқèø âàқòèäà÷à âàôîò ýòãàí ùîëàòäà, óíèíã ìåðîñõûðëàðè 2 îéëèê ìàîø ìèқäîðèäàãè áèð éûëà íàôàқàíè ó нафақаãà ÷èқèøè ëîçèì áûëãàí âàқòäàí îëàäè.

Êàñáèé òàé¸ðëàø õàðàæàòëàðèãà òàøқè òàøêèëëèé âà ûқóâ þðòëàðèäàí æàëá ýòèëãàí èícòðóêòîðëàðíèíã қаëàì ùàқëàðè âà áîøқà òûëîâëàð, øóíèíãäåê, õîäèìëàðãà êîìïåíñàöèÿ – ùқèø ó÷óí òûëîâ êààé ñàðôëàð âà áîøқàëàð êèðàäè.

Òàëàáèðêîð ûç çèììàñèãà îëãàí õîäèìëàðíèíã òóðàð æîé ñàðôëàðèíè қîïëàø: êîðõîíàãà қàðàøëè òóðàp æîéíè ñàқëàø; èæàðàãà îëèíãàí òóðàð æîé ùàқèíè òûëàø (ñóáñèäèÿëàð, óñòàìàëàð âà á.)íè, øóíèíãäåê, êîììóíàë õèçìàòëàð ó÷óí хақ òûëàøíè ûç è÷èãà îëàäè.

Èæòèìîèé õèçìàòëàð õàðàæàòëàðèãà қóéèäàãèëàð êèðèòèëàäè:

– îøõîíàëàð âà øóíãà ûõøàø õèçìàòëàðíè ñàқëàø;
– òàúëèì âà ìàäàíèé ìóàññàñàëàðíè ñàқëàø, øóíèíãäåê ìóâîôèқ êåëóâ÷è õèçìàòëàðíè êûðñàòèø;
– êðåäèò òàøêèëîòëàðãà ñóáñèäèÿëàð âà õîäèìëàðãà õóääè øóíäàé õèçìàòëàð ó÷óí õàðàæàòëàð.

Ишчи кучига бошқа харажатлар ходимларга турар жойдан ишга бориш ва қайтиш учун транспорт хизматларига, иш кийимига қилган сарфларини, ёллаш билан боғлиқ сарфларни қоплаш ва ҳ.к.

**Ишчи кучига харажатлар сифатида қараладиган солиқлар** (масалан, бандлар сони ва иш ҳақи фондига солиқлар)ни соф кўринишида, яъни давлат томонидан берилган чегирим, имтиёз ва субсидияларни чиқариб, ишчи кучи қийматига киритиш керак.

## Қисқача хулосалар

Ишчи кучи қиймати категорияси, фақат бозор иқтисодиёти шароитида мавжуд бўлиб, олдинги режалаштирилган иқтисодиёт шароитида иш кучи бебаҳо деб, меҳнат миқдори ва сифатига кўра ҳақ тўланади шиори остида ҳақ тўланган. Иш кучи қиймати талаб ва таклифга боғлиқ бўлиб, бунга турли жиҳатлар таъсир кўрсатади: географик, тармоқ ва касбий кабилар.

ХМТ таърифига кўра, ишчи кучи қиймати иш берувчиларнинг ишчи кучини сақлаш ва ундан фойдаланишга алоқадор сарфлари йиғиндисидир.

Ишчи кучига қўшимча сарфнинг катта қисми тақсимлаш тартибида давлат бюджети орқали амалга оширилади.

Бозор муносабатларига ўтиш билан бу саволни ҳал этишда, давлатнинг роли ўзгарди, бу соҳадаги кўпгина вазифалар бевосита иш берувчиларга топширилади. Иш ҳақи касаба уюшмалари иш берувчилар, шунингдек, ҳукумат орасидаги музокаралар мавзуига айланди. Иш берувчилар иш ҳақи шакли ва моддий рағбатлантириш шаклини мустақил белгилайди, турли ижтимоий тўловлар амалиётини қўллашади.

Меҳнатга ҳақ тўлашни ўрганиш меҳнат статистикасининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади, чунки меҳнат миқдори ва сифатига кўра, бир хил меҳнатга ҳақ тўлашдаги жиддий фарқланиш, аҳоли мойиллигини кучайишининг муҳим омили ҳисобланади.

Меҳнат ҳақи аҳолининг пул ва натура ифодасидаги барча даромадлари бўлиб, у иқтисодий фаолият жараёнида ҳосил бўлади ва иш ҳақи, чой пули ва бошқаларни ўз ичига олади.

Иш ҳақи ёлланма ходимларга, қоидага кўра, мунтазам вақт оралиғида ишланган ва ишланмаган вақт учун пул ва натура шаклида тўланадиган рағбатлантиришдир.

Иш ҳақи ҳақида умумий таърифга эга бўлиш мақсадида ўртача иш ҳақи ва унинг динамикаси индекслар ёрдамида ўрганилади.

Иш ҳақи динамикасини ўрганишда муҳим аҳамиятга, унинг номинал ва реал иш ҳақи динамикасига бўлиб ўрганиш ҳисобланади.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ишчи кучи қиймати категорияси – бозор муносабатига хослиги.
2. Ишчи кучи қийматини ўрганиш йўналишлари.
3. Меҳнат ҳақи – ишчи кучи қийматининг асосий элементи.
4. Иш ҳақи турлари.
5. Иш ҳақи фонди ҳақида тушунча.
6. Ўртача иш ҳақини ҳисоблаш усуллари.
7. Иш ҳақи динамикасини ўрганиш.
8. Ишчи кучига билвосита харажатлар статистикаси асосий кўрсаткичлари.

## Асосий адабиётлар


1. Акбарова З. Меҳнат бозори статистикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, Тошкент, 2004.
2. Под ред. С.Д.Ильенковой. Микроэкономическая статистика. Учебник. – М., 2004 г.
3. В.Г.Минашкин, О.Л.Козарезова. Основў теории статистики. – М., 2004 г.
4. Р.А.Шмойлова и др. Практикум по теории статистики. Учебной пособие. – М., 2004 г.
5. Р.А.Шмойлова и др. Теория статистики. Учебник. – М., 2004 г.
6. www.euireland.ie
7. www.cec.org.uk
8. www.eurunion.org
9. www.europarl.ie

# VIII боб. ИШЧИ КУЧИНИНГ ТУРМУШ, МЕҲНАТ ВА ДАМ ОЛИШ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ СТАТИСТИКАСИ

## 8.1. Турмуш даражаси тушунчаси ва унинг кўрсаткичлари тизими

Меҳнат ва меҳнат муносабатлари соҳасида содир бўлаётган ҳодиса ҳамда жараёнларни баҳолаш жуда муҳим аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, аҳоли меҳнатга ҳақ тўлаш, шунингдек, турли ижтимой фан ва дастурларини шакллантириш имконияти турмуш даражасига боғлиқ бўлади. Шунинг учун турмуш даражаси юқорироқ бўлган мамлакатлар хорижий ишчи кучини қабул қилувчи(импортёр)лар бўлса, кам ривожланган мамлакатлар бу ишчи кучини етказиб берувчилар ҳисобланади. Аҳолининг моддий ва бошқа эҳтиёжларини қондириш даражаси билан аниқланадиган турмуш даражаси мураккаб иқтисодий категория бўлиб, уни қандайдир бир кўрсаткич воситасида тавсифлаб бўлмайди.

БМТнинг Статистика комиссияси аҳоли турмуш даражасини баҳолаш учун кўрсаткичларнинг қуйидаги кичик гуруҳларини ажратишни тавсия қилади:

- аҳолининг демографик тавсифи (туғилиш, ўлим, касалланиш, узоқ яшаш ва бошқа кўрсаткичлари);
- аҳоли даромадларининг кўрсаткичлари (реал ва номинал);
- аҳоли харажатлари ва жамғармалари кўрсаткичлари;
- аҳолининг моддий бойлик ва хизматларни истеъмол қилиш кўрсаткичлари;
- аҳолининг тураржой ва узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган ашёлар билан таъминланганлик кўрсаткичлари;
- бандлик ва ишсизлик кўрсаткичлари;
- аҳолининг меҳнат қилиш шарт-шароитлари кўрсаткичлари; бўш вақт кўрсаткичлари;
- таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, жисмоний тарбия ва спорт, туризм ва дам олиш кўрсаткичлари.

Аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ёки миллий даромад (МД) аҳоли турмуш даражасини умумлаштирувчи кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Аммо ундан халқаро қиёслашларда фойдаланишда эҳтиёткорроқ бўлиш керак. Чунки у турли мамлакатлардаги нархлар кўламидаги фарқларга ва миллий валюта кўрсаткичларини ягона валютада (масалан, АҚШ доллари ёки евро) қайта баҳолашдаги муаммолар туфайли аҳолининг турмуш даражасига тўла берилмайди.

## 8.2. Аҳоли даромадлари даражаси ва динамикаси статистикаси

«Меҳнат статистикаси» доирасида аҳоли даромадларига турмуш даражасининг энг муҳим кўрсаткичи сифатидагина эмас, балки аҳолининг бандлик даражаси, ишчи кучининг миграцияси ва таклифи ҳажмини аниқловчи омил сифатида ҳам қаралади.

Аҳолининг даромадлари кўрсаткичларига пул ва натура шаклидаги даромадларнинг барча турлари, уларнинг манбаларидан қатъиназар киритилади.

Қуйидагилар аҳолининг асосий даромад манбалари ҳисобланади:

- иш ҳақи ёки маош;
- машғулотлардан олинадиган иш ҳақи шаклида бўлмайдиган даромадлар (чой пули ва воситачилик ҳақи, қалам ҳақи, шахсий ёрдамчи хўжаликдан олинадиган даромадлар);
- корхоналардан олинадиган, иш ҳақи шаклини эгаллайдиган тушумлар (моддий ёрдам, корхонадан бўшаб кетишда бериладиган тўловлар ва б.);
- нафақалар, стипендия, компенсациялар ва зарарларни қоплашлар;
- мулкдан олинадиган даромадлар (турар жой, кўчмас мулк, ер ва бошқа активларни ижарага беришдан олинадиган фоиз, рента, дивиденд, даромадлар);
- заём ва лоторея ютуқлари, совғалар, суғурта товонлари, дивидендлар,
- нолегал ёки яширин фаолиятдан олинадиган даромадлар;
- чет элдан олинадиган даромадлар (иш ҳақи, нафақа, стипендия, грантларнинг юборилиши; хайрия, инсонпарварлик ёрдами ва б.).

Бундан ҳақиқий тўланган суммалар эмас, балки ҳисобланган суммалар эътиборга олинади.

Аҳолининг юқоридаги айтиб ўтилган манбаларидан олган барча пул даромадларининг йиғиндиси ялпи (умумий) даромад кўрсаткичлари ҳисобланади. Унинг таркибига бир йўла йирик суммада олинган тушумлар (масалан, уй, ер, транспорт воситаларини сотишдан олинган даромад ёки мерос олиш) киритилмайди. Аҳолининг алоҳида гуруҳлари ўртасида даромад айирбошлашга келсак, улар умумий даромадларни аниқлашда ҳисобга олинмайди. Агар аҳоли алоҳида гуруҳларининг даромадлари аниқланаётган бўлса, улар бу даромадлар ҳисобига олиниши керак.

Аҳолининг умумий даромадлари худди иш ҳақи каби номинал ва реал кўринишда аниқланиши мумкин. Номинал умумий даромадлар пулларда ифодаланган жорий нархлардаги натура ва пул кўринишидаги даромадлардир. Реал умумий даромадлар эса шу даромадларга сотиб олиниши мумкин бўлган моддий бойлик ва хизматлар йиғиндиси билан ифодаланади (яъни, истеъмол баҳо индексларига тўғриланган номинал

даромадлар). Умумий даромад ҳосил қилингач, унинг муайян қисми ихтиёрий ва мажбурий тўловларга ишлатилади.

Мажбурий тўловларга жорий солиқлар (даромад солиғи, ер, мулк, мерос солиғи), етказилган зарар учун компенсация тўлаш, мол-мулк мусодараси, тўланган жарима ва пениялар, турли расмий йиғим ва бож (пошлина)лар киритилади.

Ихтиёрий тўловларга турли аъзолик бадаллари, ижтимоий ташкилотларга тўловлар, хайрия бадаллари, совғалар, ўз пули ҳисобига ҳомийлик қилиш ва бошқалар киритилади.

Умумий даромадлар билан ихтиёрий, мажбурий тўловлар ўртасидаги фарқ ихтиёрий даромадларда даромадлар кўрсаткичи тарзида ифодаланади. Аҳоли қўлидаги даромадлар мувофиқ келувчи товар ва хизматлар билан таъминланиши лозим бўлган тўловга қодир талабнинг умумий миқдорини ифодалайди. Аҳоли қўлидаги даромадлар ёки пировард истеъмол ёҳуд жамғармага ишлатилиши мумкин. Агар аҳоли қўлидаги даромадлар умумий суммасидан аҳоли олган бепул ва имтиёзли хизматлар қиймати чегирилса, қўлдаги шахсий даромадлар кўрсаткичига эга бўлинади. Аҳолининг моддий фаровонлик даражасига кўра табақалашни ўрганиш усулларидан бири аҳоли жон бошига тўғри келадиган пул даромадлари даражаси бўйича тақсимлаш ҳисобланади. Бунда ўртача жон бошига пул даромадлари ҳисобот давридаги пул даромадлари умумий суммасини мавжуд аҳоли сонига бўлиб аниқланади.

А**ҳолини жон бошига ўртача пул даромадлари бўйича тақсимлаш** даромадлар даражаларининг тақсимланган стандартлари асосида амалга оширилади. Бу стандартлар мунтазам кўриб чиқиб турилади. Унинг тузилиши, қоидага кўра, ёш, оилавий аҳволи, бандлик мақоми ва ижтимоий-касбий таркибга боғлиқ тарзда аҳолининг кўп сонли гуруҳи кесмасида амалга оширилади. Аҳолининг табақалашувини аниқ тавсифлашдаги афзаллик шундаки,уни пул даромадлари даражаси бўйича эмас, балки харажатлар даражаси бўйича тақсимлашга берилади.

Аҳолини жон бошига ўртача пул даромадлари даражаси бўйича тақсимлаш ва уни тирикчилик қилиш учун зарур нарсалар миқдорига қиёслаш асосида қуйидаги кўринишга эга бўладиган **камбағаллик коэффициенти** аниқланади:

$$К_{камб}қS_m:S_{умум}$$

Бунда: $S_m$ – òèðèê÷èëèê қèëèø ó÷óí çàðóð íàðñàëàðäàí êàì äàðîìàä қèëóâ÷è øàõñëàð ñîíè;

$S_{умум}$ – аҳолининг умумий сони.

Тирикчилик қилиш учун зарур истеъмол қийматлари миқдори қиймат ўлчовида ўлчаниб, ўз ичига озиқ-овқат маҳсулотларининг (пархез чекловлари ва зарур калориялар миқдорини минимал даражада таъминлайдиган) натура шаклидаги тўплами, шунингдек, ноозиқ-овқат товарлар ҳамда хизматлар, солиқ ва мажбурий тўловларга аҳолининг кам даромадли гуруҳлари

бюджетларида бу мақсадларга мўлжалланган сарфлар улушларидан келиб чиқиб, ҳисобланадиган харажатларнинг қиймат баҳосидир. У тирикчилик қилиш учун шарт-шароитлардан келиб чиқиб аниқланади ва истеъмол нархлари динамикасига кўра доимийлик тартибида қайта кўриб чиқилади.

Аҳолининг пул даромадлари умумий ҳажмидан келиб чиқиб, фоизларда ифодаланган пул даромадлари ҳажмини аҳолининг турли гуруҳлари бўйича тақсимланиши ҳам аниқланади. Бундай тақсимлаш асосида энг кўп таъминланган жамият аъзолари даромад даражалари ва энг кам таъминланган аҳоли пул даромадларига taққослаб, даромадлар табақалашувининг қуйидаги коэффициентлари: фонд коэффициенти ва табақалашнинг дециль (квантиль) коэффициенти аниқланади.

**Фондлар коэффициенти** даромадлар умумий ҳажмида аҳолини энг кўп ва энг кам таъминланган гуруҳлари даромадлари ёки уларнинг улушлари ўртача қийматининг нисбатидир.

**Табақалашнинг дециль (квантиль) коэффициенти** энг кўп таъминланган аҳоли даражаси минимал қийматининг энг кам таъминланган 10 % (20 %) аҳоли даромадлари даражасининг минимал қийматига нисбати сифатида ҳисобланади.

## 8.3. Аҳоли харажатлари ва жамғармалари статистикаси

Аҳоли харажатлари ва жамғармалари кўрсаткичлари аҳолининг товар ва хизматларни сотиб олишдаги потенциал имкониятларини тавсифловчи даромадларидан фарқ қилиб, бу даромадлардан фойдаланишда ҳақиқий юзага келган нисбатни ифодалайди. Уларни ўрганиш турмуш шарт-шароитларини тавсифлашда муҳим аҳамият касб этади. Чунки ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида қуйидаги қонуниятлар мавжуд: “Мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси қанчалик юқори бўлса, шунчалик:

– ҳоли жон бошига пировард истеъмол кўп;
– хизматларни истеъмол қилиш улуши юқори, моддий бойликларнинг истеъмол қилиш улуши паст;
– озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш умумий ҳажмида юқори калорияли маҳсулотлар(гўшт, ёғ)нинг улуши кўп бўлади”.

Аҳолининг харажат ва жамғармаларини ўрганишда статистика ўз олдига қуйидаги вазифаларни қўяди:

- харажатлар ҳажми, тузилмаси ва динамикасини тавсифлаш ;
- аҳоли жамғармаларининг ҳажми, улардан фойдаланиш, жамғарма ва харажатлар нисбатини аниқлаш;
- аҳолининг турар жой ва коммунал-маиший хизматлар билан таъминланганини ўрганиш;
- жамиятнинг харажатлар даражасига боғлиқ тарзда табақалашиш кўрсаткичларини ўрганиш;

- солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар тузилмаси ва динамикасини ўрганиш;
- аҳоли харажатлари кўрсаткичларининг мамлакатни ривожлантиришнинг бошқа умумлаштирувчи кўрсаткичлари билан ўзаро алоқасини тавсифлаш.

Фойдаланиш йўсинига кўра, аҳолининг барча харажатлари жорий ва капитал харажатларга ажратилади. Аҳолининг жорий харажатлари таркибига уларнинг моддий-ашёвий шаклларини ўрганишда қуйидагилар: озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва тамаки; кийим-кечак ва пойафзал; турар жой ва коммунал хизматлар харажатлари; мебель ва уй-рўзғор предметлари; транспорт ва алоқа; соғлиқни сақлаш; таълим, маданият, жисмоний тарбия ва спорт; дам олиш ва туризм; бошқа хизматлар ва моддий бойликлар киритилади. Бунда капитал харажатларга ер, узоқ муддатли фойдаланиладиган моддий активлар, машина ва ускуналар, шунингдек, узоқ муддат фойдаланиш ашёларини сотиб олишга қилинган харажатларни киритиш керак. Мазкур ҳолатда узоқ муддат фойдаланиш ашёларига қилинган сарф ҳар йилги истеъмолнинг умумий ҳажмига киритилади.

Харажатларни таҳлил қилиш жараёнида уларнинг миқдори ва даромадлар миқдори ўртасидаги боғлиқлик аниқланади. Улар ўртасидаги фарқ жамғармалар кўрсаткичи бўлиб, у пул ва натура шаклида бўлиши мумкин. Пул жамғармалари аҳоли қўлидаги пулнинг ортиши, молия жамғармаларига қилинган қўйилмаларнинг кўпайиши ва қимматли қоғозлар (акция, сертификат, облигация ва б.)га қўйилмаларни ўз ичига олади. Натурал шаклидаги жамғармалар аҳолига тегишли бўлган ер, асосий капитал (турар жой, транспорт воситалари ва б.), моддий захиралар қийматининг ўсиши кўринишида ифодаланади.

Аҳолининг жамғармаларга мойиллигини тавсифлаш мақсадида жамғармалар коэффициенти аниқланади. У аҳоли пул жамғармалари ёки аҳоли ихтиёридаги умумий даромадлар ёки ихтиёридаги пул даромадларига нисбатини ифодалайди. Статистика аҳоли харажатларини ўрганишда харажатлар даражаси билан уни аниқловчи омиллар ўртасидаги ўзаро алоқани белгилаш имконини берадиган корреляцион таҳлилдан кенг фойдаланади. Бундай омиллар сифатида аҳоли пул даромадларининг миқдори, аҳоли жамғармалари, аҳоли сони ва миллий даромаддан фойдаланади.

## 8.4. Аҳолининг моддий бойлик ва хизматларни истеъмол қилиш кўрсаткичлари

ХМТ тавсиялари ҳамда МДҲ таърифларига кўра, истеъмол фонди таркибига моддий бойликлар, пулли ва бепул хизматларни истеъмол қилиш киритилади. Моддий бойликларни истеъмол қилиш қуйидаги элементлардан таркиб топади:

- савдода харид қилинган маҳсулот;
- меҳнат ҳақи кўринишидаги натура шаклидаги даромадлар;
- ишлаб чиқарувчи хўжаликларида ишлаб чиқариладиган ва истеъмол қилинган маҳсулот;
- жамоа истеъмоли (армия, касалхона, қариялар уйлари, болалар муассасалари, ногиронлар уйлари истеъмоли);
- бошқа манбалар ҳисобига истеъмол (натура шаклидаги совғалар, инсонпарварлик ёрдами, ҳайрия ва б.).

Моддий бойликларнинг шахсий истеъмоли истеъмол турларидан бири бўлиб, у аҳолининг шахсий бюджети ҳисобига қилган истеъмоли, шунингдек, аҳоли хўжаликларида истеъмол қилинган ёнилғи, газ, электр энергияси ва бошқа моддий бойликлар тўловига харажатларни ифодалайди. Бу истеъмол натура шакли ва пул ифодасида ҳисобланади.

Истеъмол ҳажмини пул ифодасида аниқлашда натура шаклида берилганлар ёки таннархи бўйича шу маҳсулот бозорида амалда бўлиб турган тортилган нархда баҳоланади. Аҳоли томонидан истеъмол қилинган энг муҳим озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларнинг турлари бутун аҳоли ва алоҳида ижтимоий-касбий гуруҳлар учун аҳоли жон бошига гўшт, парранда, балиқ, тухум, нон ва булочка маҳсулотларининг йиллик ўртача истеъмоли кўрсаткичларини аниқлаш йўли билан амалга оширилади.

Бунда озиқ-овқат товарларининг истеъмоли фақат микдор нуқтаи назаридан эмас, балки сифат нуқтаи назардан ҳам кўриб чиқилади. Бу мақсадда истеъмол қилинаётган озиқ-овқатнинг энергетик қиймати (калориялик) кўрсаткичлари ва унинг кимёвий таркиби (таркибида оқсил, ёғ ва углеводларнинг борлиги) ҳисобланади. Аммо халқаро статистика амалиётида бундай кўрсаткичлар зарур ахборотнинг йўқлиги туфайли жуда кам ҳолларда ҳисобланади.

Истеъмолларни қондириш коэффициенти моддий бойликларни истеъмол қилиш миқдори ва тузилмаси тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисобланиб, у қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$К_{конкқ}қИх:И_н$$

Бунда: $И_ҳ$ – аҳоли жон бошига моддий бойликлар берилган турнинг ҳақиқий истеъмоли;

$И_н$ – моддий бойликлар берилган тури истеъмолининг норматив ҳажми.

Аҳоли жон бошига моддий бойликлар истеъмоли динамикаси индекс усули ёрдамида ўрганилади. Аҳоли жон бошига айрим моддий бойликлар истеъмолининг индивидуал индекслари натурал шаклида ва қиймат ифодасида, шунингдек, моддий бойликлар аҳолида гуруҳлари бўйича йиғма индекслар қиймат ифодасида ҳисобланади.

Аҳоли истеъмолини статистик таҳлил қилиш йўналишларидан бири унинг ҳажмининг қатор омиллар ва энг аввало, аҳоли даромадларининг даражаси ҳамда жинс-ёш тузилмасига боғлиқлигини ўрганиш ҳисобланади.

Жумладан, истеъмолнинг даромадлар даражасига боғлиқлигини тавсифлаш мақсадида қуйидаги формула бўйича ҳисобланадиган эластиклик коэффициентидан фойдаланилади:

$$К_{эласт}К\frac{\Delta\chi_I}{\Delta Y}*\frac{\Delta Y_I}{X_I}К\frac{\Delta X}{X_1}\frac{\Delta Y}{Y_1}$$

Бунда: $X_I$ - èñòåúìîë áîéëèãèíèíã і тури;

$Y_I$ - жон бошига ўртача даромаднинг і даражаси.

Эластиклик коэффициенти, агар даромад даражаси 1%га кўпайса, шу моддий бойлик турининг истеъмоли неча фоизга ортишини кўрсатади.

**Пулли хизматлар истеъмоли** ўз ичига қуйидагиларни олади:

- комунал-маиший хизматлар;
- транспорт ва алоқа хизматлари;
- таълим ва соғлиқни сақлашнинг пулли хизматлари;
- аҳолининг маданий, жисмоний тарбия ва спортга харажатлари;
- санатория, курорт муассасалари хизматлари ва туристик хизматлари;
- ҳуқуқий тусдаги хизматлар;
- бошқа хизматлари (пулли қўриқлаш, қидирув, ўйин муассасалари ва б.).

**Бепул хизматлар истеъмолига** қуйидаги хизматлар киритилади:

- аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича нотижорат ташкилотлар;
- бепул таълим ва соғлиқни сақлаш;
- болалар ва қарияларга бепул қараш.

Пулли ва бепул хизматлар, шунингдек, бутун истеъмол динамикасини тавсифлашда қуйидаги индекслар ҳисобида бўлган индекс усулидан кенг фойдаланилади:

- хизматлар физик ҳажми индексида:

$$I=\frac{\sum y_1 p_0}{\sum y_0 p_0} \quad ;$$

- аҳоли жон бошига бойлик ва хизматлар истеъмолининг физик ҳажми индексида:

$$I=\frac{\sum q_1 p_0+\sum y_1 p_0}{\sum y_0 p_0+\sum q_0 \;\; _0} \quad .$$

Бундан ташқари, комплекс иқтисодий-статистик таҳлил ўтказишда даромадлар даражаси билан бойлик, хизматлар ўртасидаги алоқа ҳамда боғлиқликни корреляцион-регрессион, кластер таҳлил асосида ўрганиш назарда тутилади.

## 8.5. Чакана товар айланиши статистикаси

Чакана товар айланиши аҳолининг моддий бойликларини истеъмол қилиш даражасини аниқловчи энг муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Чакана товар айланишининг тузилмаси қуйидаги икки белги бўйича ўрганилади:

- савдо бирликларининг мулкчилик шаклларига кўра (давлат, муниципал, жамоа ёки ширкат, хусусий, аралаш ва хорижий);
- сотувлар ҳажмининг натура-ашёвий таркибига кўра (озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари).

Чакана савдо айланиши озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари чакана товар айланишини ўрганишда уларнинг энг муҳимларини алоҳида гуруҳларга ажратиб ўрганилади. Чакана товар айланиши динамикасини тавсифлашда аҳоли жон бошига товар айланиши индекси таққослаш нархларида қўлланади:

$$I_q Қ \frac{\sum q_1 p_0}{\sum s_1} : \frac{\sum q_0 p_0}{\sum s_0} Қ \frac{\sum q_1 p_0}{\sum q_0 p_0} : \frac{\sum s_1}{\sum s_0}$$

Бунда: $\frac{\sum q_1 p_0}{\sum q_0 p_0}$ - товар айланиши физик ҳажмининг индекси;

$\frac{\sum s_1}{\sum s_0}$ - мамлакат аҳолиси сонининг индекси.

Товар айланиши аҳолининг моддий бойликларга бўлган эҳтиёжининг асосий қисмини қоплагани учун унинг қийматини тавсифлашда қоплаш коэффициенти ҳисобланади.

$$К_{коплаш} = \frac{Q_{ист}}{Q_{сот}}$$

Áóíäà: $Q_{сот}$ – савдо тармоғи орқали сотилган маҳсулот ҳажми ёки қиймати;
$Q_{èñò}$ – àùîëè èñòåúìîë қèëãàí ìàùñóëîò ùàæìè ¸êè қèéìàòè.

Áóíäàé êûðñàòêè÷ áóòóí èñòåúìîë áîéëèêëàðè âà õèçìàòëàðè áûéè÷à ùèñîáëàíàäè. Áóíäàé ùîëàòäà ó қóéèäàãè éûñèíäà àíèқëàíàäè:

$$Кк_{опл} Қ Q_{ишл} / Q_{ист}$$

Áóíäà: $Q_{èøë}$ – èøëàá ÷èқàðèëãàí òîâàð âà õèçìàòëàð ùàæìè ¸êè қèéìàòè;
$Q_{èñò}$ – èñòåúìîë қèëèíãàí òîâàð âà õèçìàòëàð ùàæìè ¸êè қèéìàòè.

Òîâàð àéëàíèøè ôèçèê ùàæìèíèíã èíäåêñèíè ùèñîáëàøäà óíè қè¸ñëàíàäèãàí íàðõëàðäà қàéòà áàùîëàø êàòòà àùàìèÿò êàñá ýòàäè. Áó òîâàð àéëàíèøèíèíã æîðèé íàðõëàðäàãè қèéìàòèíè èñòåúìîë íàðõëàðè èíäåêñëàðèãà нисбати олинади:

$$\sum q_1 q_0 = \frac{\sum q_1 R_1}{У_{ист.нар}} = \sum q_1 p_1 / \frac{\sum q_1 p_0}{\sum q_1 p_0}$$

.Қ

Истеъмол нархларининг индекслари неъматлар ва хизматларнинг маълум тўплами асосида аниқланади. Товар вакилларининг бу тўплами раҳбар органлари томонидан тасдиқланади ва вақти-вақтида янгиланиб туради. Нархларнинг йиғма индекслари товар-вакиллар индексларидан ўрта муаллақ арифметик миқдор ҳисобланади. Бунда шу товар-вакилларнинг товар айланиши мезон ролини ўйнайди:

$$I_{йиғма.ист.нарх} = \frac{\sum q_1 p_1}{\sum q_1 p_0}$$

## 8.6. Аҳолининг бўш вақтдан фойдаланиш кўрсаткичлари

Аҳоли бўш вақтининг борлиги ва ундан фойдаланиш иш вақти билан узвий алоқада бўлади. Инсон ихтиёридаги барча вақтни қуйидагича тақсимлаш мумкин:

- физиологик эҳтиёжларни қондириш вақти;
- ишга боғлиқ вақт, бунга тайёргарлик кўриш ва йўлга сарфланган вақт ҳам қўшилади;
- бўш вақт, ундан аҳоли ўз ихтиёрича фойдаланади.

Статистика бўш вақтни ўрганишда унинг ҳажми ва таркибий тузилишини тадқиқ қилади. Таркибий тузилишни ўрганиш дам олиш, уй ишлари билан шуғулланиш, болалар тарбияси, маданий ва маълумот даражасини ошириш, шунингдек, хобби ва ишқибозликка сарфланган вақтни ажратишдан иборатдир. Шу билан бирга бўш вақт таркибига унумсиз сарфланган вақт (масалан, турли муассасалар, ташкилотларга бориш ва б.)киритилади.

Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ишчининг бўш вақти кўпроқ бўлишига таъсир кўрсатса, ўз навбатида бўш вақтдан самарали фойдаланиш, масалан, соғлиқни тиклаш, профилактика, билим савиясини ошириш кабилар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, иш вақтидан самарали фойдаланишга, касал бўлиши сабабли ишга чиқмасликлар камайиши, меҳнат унумдорлиги ошишига олиб келади.

Бўш вақтнинг асосий захираси ҳар йилги навбатдаги таътил ҳисобланади. Унинг миқдори шу мамлакат меҳнат қонунчилиги билан тартибга солинади ёки касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасидаги келишувларига мувофиқ аниқланади.Статистикада ҳар йилги навбатдаги таътилни миқдорий тавсифлаш мақсадида унинг ўртача давомийлиги банд аҳолининг турли гуруҳлари (қоидага кўра, касб ва тармоқ) ҳисобланади.

## 8.7. Аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи умумлаштирувчи кўрсаткичлар

Аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи тизимнинг асосий кўрсаткичлари юқорида кўриб чиқилди. Бу кўрсаткичлар жамият фаровонлигининг айрим томонлари миқдори ёки сифатини баҳолади. Аҳоли турмуш даражасига умумий таъриф бериш таққослаш учун қўл келмайди. Шуниг учун узоқ давр мобайнида шундай умумлаштирувчи кўрсаткич топиш мақсадида иқтисодчилар кўп уринганлар. Бундай кўрсаткич бўлиши мумкинми ёки йўқми – бу муаммо ва илмий қизиқиш уйғотади.

Жамият фаровонлигининг асосий манбаи ва омили давлатнинг иқтисодий ривожланиши ҳисобланади. Шунинг учун иқтсодиётнинг натижавий ҳолатини ифодаловчи, аҳоли турмуш даражасини умумлаштирувчи кўрсаткич тариқасида ялпи миллий маҳсулот, миллий даромад ва соф миллий ихтиёрда қолган даромад ҳисобланади.

Аҳоли турмуш даражасини таҳлил этиш, унинг динамикасини ўрганиш, регионлар бўйича таққослаш мақсадида аҳоли жон бошига (доимий баҳоларда) реал ялпи ички маҳсулот ҳисобланади. Бу кўрсаткичнинг камчилиги шундан иборатки, унинг таркибига аҳоли турмуш даражаси билан боғлиқ бўлмаган элементлар ҳам киради. Масалан, ялпи ички маҳсулот такибига армия харажатлари, давлат бошқарув аппарати харажатлари ва бошқалар киради.

Шу боис аҳоли турмуш даражасини баҳолаш учун макроиқтисодий кўрсаткичлар билан боғлиқ бўлган натурал кўрсаткичлардан фойдаланиш тавсия этилади. Буларга қуйидагилар киради: гўдаклар туғилиши, гўдакларнинг вафот этиш кўрсаткичи ва яшаши мумкин бўлган умр узунлиги.

Умумлаштирувчи кўрсаткич тариқасида сатистика амалиётида ҳаёт қиймати индексидан фойдаланилган. Бу кўрсаткич ўзгаришига истеъмол таркиби ўзгариши натижасида, истеъмол талаби ўзгариши, бозор конъюнктураси холати кабилар таъсир кўрсатади. Бу индекс аҳоли фаровонлигига баҳо таъсирини ифодалаши керак эди. Шу мақсадда истеъмол, буюм ва хизматларга баҳо ўзгариши, аҳоли турмуш даражасини ўзгармас ҳолда сақлаб қолиш учун керак бўлган харажатлар таққосланар эди.

Бу кўрсаткични ҳисоблашда зарур бўлган истеъмол неъматлари йиғиндиси (истеъмол савати) аниқланади. Шу истеъмол савати амалдаги ва ўзгармас баҳоларда ҳисобланиб, улар таққосланади. Лекин бундай усул ҳаёт қиймати ўзгаришини эмас, балки унинг ўзгаришига истеъмол баҳолари таъсирини кўрсатади. Шуниг учун унинг номи “Истеъмол баҳолари индекси” деб атала бошлади. Бу индекс турмуш қиймати ўзгариши, истеъмол саватига кирувчи неъматлар йиғиндисига баҳо динамикасининг таъсирини таърифлайди.

Аҳоли турмуш даражасини умумлаштирувчи кўрсаткич ҳали ҳам муаммо ҳисобланади. Шундай умумлаштирувчи кўрсаткич тариқасида инсон потенциалининг ривожланиш индекси (ИПРИ) ни кўриб чиқамиз. Бу

кўрсаткич БМТ ривожланиш дастури иқтисодчилари томонидан тавсия этилган.

Аҳоли турмуш даражасининг муҳим томонларини ўз ичига оладиган уч кўрсаткич мавжуд:

- туғилиш ва умр кўриш давомийлиги;
- эришилган таълим даражаси;
- аҳоли жон бошига реал ялпи ички маҳсулот ҳажми.

ИПРИ юқорида кўриб чиқилган кўрсаткичлар индексларининг ўртача арифметик усулида аниқланади. Ҳар бир кўрсаткич индексини кўриб чиқамиз:

$$Y=\frac{X_i-Xmin}{Xmax-Xmin}$$

Бу ерда: Xi – i êûðñàòêè÷èíèíã ùàқèқèé èôîäàñè;

Xmax – Xmin – i êûðñàòêè÷èíèнг ìàêñèìàë âà ìèíèìàë èôîäàñè.

Òóғèëèø ва óìð êûðèø äàâîìèéëèãè èíäåêñèíè ùèñîáëàøäà ìèíèìàë ҳîëàò – 25 ¸ø, ìàêñèìàë ҳîëàò – 85 ¸ø äåá îëèíàäè.

$$Y=\frac{X_i-25}{85-25}$$

Ýðèøèëãàí òàúëèì äàðàæàñè èíäåêñè ($Y_2$)ни ùèñîáëàøäà èêêè èíäåêñ êàòòà ¸øäàãè àùîëèíèíã ìàúëóìîòëèëèãè èíäåêñè $i_{21}$ 2/3 âàçí áèëàí âà 1/3 âàçí áèëàí áîøëaíғè÷, ûðòà âà îëèé ûқóâ þðòëàðèäàãè таълим îëóâ÷èëàð ñàëìîғè éиғèíäèñè èíäåêñè ($i_{22}$).

$$Y_2=\frac{2}{3}\times i_{21}+\frac{1}{3}\times i_{21}$$

15 ва ундан юқори ёшдаги, яъни катта ёшдаги аҳоли ичида маълумотлилик индексини ҳисоблашда $X_{min}$ қ 0; $X_{max}$ қ 100%.

Аҳоли жон бошига реал ялпи ички маҳсулот ҳажми қуйидагича ҳисобланади: ялпи ички маҳсулотнинг реал ҳажми долларда, валютани сотиб олиш қобилиятини эътиборда тутган ҳолда ҳисобланиб, нормал турмуш даражаси учун жуда юқори даромад талаб этмаслигини ҳисобга олган ҳолда 1992 йилда жаҳон миқёсида ўртача жон бошига тўғри келган ялпи ички маҳсулот ҳажми 5120 доллар чегара тарақасида олинади: $X_3$қ5120 доллар. Аҳоли жон бошига 5120 доллар кўп ялпи ички маҳсулот тўғри келган давлатларда $X_3$> $X_3$ ортиқча миқдори формулалар ёрдамида дисконтировка қилинган даромад аниқланади.

$X_3$ < $X_3$ бўлса, бундай давлатларда аҳоли жон бошига реал ялпи ички маҳсулот ҳажми 100 доллар тенглаштириб олинади ва максимал дисконтировка қилинган миқдор 5448 доллар бўлади.

Шундай қилиб:

$$Y_3=\frac{X_3-100}{5448-100}$$

Инсон потенциали тараққиёти индекси (ИПТИ), асосан амалиётда халқаро ва ҳудудлараро таққослаш мақсадида ишлатилади.

Давлат миқёсида таҳлил учун бу индекс юқорида кўрсатилган аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичлари билан биргаликда ишлатилади.

## Қисқача хулосалар

Давлат иқтисодиётини баҳолаш, одатда аҳоли турмуш даражасига боғлиқ ҳолда олиб борилади. Аҳоли турмуш даражасини сифат кўрсаткичлари инсон ҳаётидан мамнунлигини ифодалайди ва уни баҳолашда юқори, қониқарли, паст даражалар билан ифодаланади. Айрим иқтисодчилар ҳаётни ёқимлилиги бўйича ҳам баҳолашга уринишади, бунда ҳаётни эмоционал қабул қилишади. Масалан, АҚШ, Англияда турмуш даражаси сифати юқорироқ бўлса ҳам, Испания, Канар оролларида денгиз бўйи, майин иқлим шароитидаги ҳаёт кўпроқ мамнунлироқ туюлади.

Лекин бундай томонларга кўпроқ аҳамият берилади, қачонки моддий томондан аҳоли талаблари юқори даражада қониқтирилганда, шу муносабат билан аҳоли турмуш даражаси деганда, ҳаётнинг моддий асоси инсон фаровонлиги микдорий даражаси таърифи тушунилади ва бир кўрсаткич ёрдамида уни таърифлаб бўлмайди. Бунинг учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади.

БМТнинг Статистика комиссияси аҳоли турмуш даражасини баҳолаш учун қуйидаги кўрсаткичлар тизимидан фойдаланишни тавсия этади:

1. Аҳоли демографик тавсифи.
2. Даромадлари кўрсаткичи.
3. Харажатлари ва жамғармалари.
4. Моддий бойлик ва хизматлар истеъмоли.
5. Турар жой узоқ муддатга мўлжалланган ашёлар билан таъминланганлиги.
6. Бандлилик ва ишсизлик.
7. Меҳнат шарт-шароитлари кўрсаткичлари.
8. Таълим, соғлиқни сақлаш ва ҳ.к.

Давлатлараро динамикада қиёслаш мақсадида, аҳоли турмуш даражасига умумий таъриф бериш мақсадида инсон потенциалини ривожланиш индексини ҳисоблаш тавсия этилади.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Турмуш даражаси ҳақида тушунча.
2. Турмуш даражасини баҳолаш йўналишлари.
3. Турмуш даражасини баҳолашда қўлланиладиган кўрсаткичлар тизими.
4. Аҳоли даромадлари ва уни статистик ўрганиш.
5. Аҳоли даромадлари ва жамғармалари кўрсаткичлари.
6. Аҳолининг моддий бойлик ва хизматлар истеъмол қилиш кўрсаткичлари.
7. Чакана товарайланма ва унинг таркиби – аҳоли турмуш даражасини баҳоловчи кўрсаткич.
8. Аҳоли бўш вақти ва унинг турмуш даражаси билан боғлиқлиги.
9. ИПРИ нинг моҳияти ва ҳисоблаш усули.

**Асосий адабиётлар**


1. Акбарова З. Меҳнат бозори статистикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, Тошкент, 2004.
2. Под ред. С.Д.Ильенковой. Микроэкономическая статистика. Учебник. – М., 2004 г.
3. В.Г.Минашкин, О.Л.Козарезова. Основў теории статистики. – М., 2004 г.
4. Р.А.Шмойлова и др. Практикум по теории статистики. Учебной пособие. – М., 2004 г.
5. Р.А.Шмойлова и др. Теория статистики. Учебник. – М., 2004 г.
6. www.euireland.ie
7. www.cec.org.uk
8. www.eurunion.org
9. www.europarl.ie

# АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ


1. Ўзбекистон Республикасининг Давлат статистикаси тўғрисида қонуни. – Т., 2002 йил 12 декабрь, №441-II.
2. Каримов И.А. «Биздан озод ва обод Ватан қолсин» Т.: «Ўзбекистон» 1996 йил.
3. И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т. 5-Т.: «Ўзбекистон», 1997.
4. И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққий кафолатлари» Тошкент: «Ўзбекистон»-1997 йил.
5. И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» Тошкент-«Ўзбекистон»-1999 йил.
6. И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т,: Ўзбекистон, 2005 йил.
7. И.А.Каримов. Ўзбекистон демократик тараққиётининг янги босқичида. – Т,: Ўзбекистон, 2005 йил.
8. Акбарова З. Меҳнат бозори статистикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, Тошкент, 2004.
9. Под ред. С.Д.Ильенковой. Микроэкономическая статистика. Учебник. – М., 2004 г.
10. В.Г.Минашкин, О.Л.Козарезова. Основў теории статистики. – М., 2004 г.
11. Р.А.Шмойлова и др. Практикум по теории статистики. Учебной пособие. – М., 2004 г.
12. Р.А.Шмойлова и др. Теория статистики. Учебник. – М., 2004 г.
13. Иванов Ю.М. и др. Экономическая статистика. М., 2002г.
14. Петер фон Дер Липпе. Экономическая статистика. Штутгарт. 2003г.
15. Петер фон Дер Липпе. Статистика предприятий. Издатель Федеральное статистическое управление Германии. Висбаден. 2003г.
16. Григорук Н.Е. Статистика внешнеэкономических связей. Учебное пособие. – М.: Издательство «Дело и сервис», 2004
17. Сельцовский В.А. Совершенствование анализа эффективности внешней торговли. Вестник статистики. 2001. №3.
18. В.Н.Салин, И.В.Добашина. Биржевая статистика. Учеб. пособие. – М., 2003 г.
19. В.П.Комева. Человеческое развитие: новое изменение социально – экономического прогресса: Учеб. Пособие. – М., 2000.
20. Б.Т.Рябушкин, Э.Ю.Чурилова. Методў оценки теневого и неформального секторов экономики. – М., 2003 г.
21. И.И.Елиссева, М.М.Юзбашев. Обҳая теория статистики. Учебник. – М., 2003 г.

22. Доклад о мировом развитии 2000/2001. Борьба с бедностью. Всемирнўй банк. Вашингтон, округ Колумбия. 2000.
23. Доклад о развитии человеческого потенциала в странах Европа и СНГ – М., ПРООН, 2002 г.
24. А.Ю.Шеваков, А.Я.Кируте. Изменение экономического неравенства и бедности. – М.: ЦСЭИ, 2001 г.
25. С.Л.Постников, С.А.Попов. Мировая экономика и экономическое положение России. Сборник статистических материалов. – М., 2001.
26. А.Е.Суринов. Доходў населения: опўт количественнўх измерений. – М., 2000 г.
27. europa.eu.int
28. europa.eu.int/comm./relays/index_en.htm
29. www.euireland.ie
30. www.cec.org.uk
31. www.eurunion.org
32. www.europarl.ie

## “МЕҲНАТ СТАТИСТИКАСИ”
**фанидан**

## ИШЧИ ДАСТУР

## 1. СЎЗ БОШИ.

### 1.1. Ўқитиш мақсади ва вазифалари.

Ушбу дастур «Статистика» ва «Меҳнат иқтисодиёти» талабалари учун мўлжалланган.Ушбу бозор иқтисодиётига ўтиш даврида меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланишдаги оммавий ходиса ва жараёнларни миқдорий томонини сифат аниқлигида ўрганиш хусусиятлари ҳисобга олинган.

Курсни ўргатишдан мақсад- меҳнат ресурслари ва ишчи кучи сони,таркиби,ўзгариши, фойдаланиш билан боғлиқ бўлган кўрсаткичларни ҳисоблашни билиш ,таҳлил этиш ва ҳулосалар чиқариш .

Меҳнат ресурслари ва иш кучидан рационал фойданиш йўлларини излаш.

-Давлат иқтисодий ва социал ривожланишдаги меҳнатдан рационал фойдаланишни назорат этиш.

-Меҳнат потенциалини тарифловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиш

-Меҳнат самарадорлигини,сифатини баҳолаш статистик методикасини такомиллаштириш;

-Ишсизлар ва уларни меҳнатга жалб этиш йўлларини ўрганиш;

-Ахолини турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш;

-МХТ даги меҳнат сохаси билан боғлиқ кўрсаткичларни ва уларни статистик амалиётга тадбиқ этиш;

-Статистик маълумотларни оммалиштириш;

**-Статистика хисоботлари ишончлилигини, объективлигини, тезкорлилигини максимал қисқарган холда ошириш ва хокозо.**

## 1.2. Ўқув режасида фанга ажратилган соатнинг умумий ҳажми ва дарс турлари бўйича тақсимоти

| № | Мавзу номи | **Аудитория соатлари** | | **Мустақил иш** |
|---|---|---|---|---|
| | | Маъруза | Семинар | |
| 1 | Меҳнат бозори статистикасининг предмети ва методи. | 2 | 2 | **2** |
| 2 | Меҳнат ресерслари статистикаси – меҳнат статистикасининг ўрганиш объекти статистикаси | 2 | 2 | **2** |
| 3 | Халқ хўжалигида банд бўлганлар | 2 | 2 | **4** |
| 4 | Иш кучига талаб ва таклиф статистикаси | 2 | 2 | **2** |
| 5 | Меҳнат потенциалидан фойдаланиш самарадорлиги статистикаси | 4 | 4 | **4** |
| 6 | Иш кучи қиймати статистикаси | 4 | 4 | **4** |
| 7 | Ҳисоб меҳнат баланси | 2 | 2 | **2** |
| 8 | Иш кучининг турмуш, меҳнат ва дам олиш статистикаси | 2 | 2 | **2** |
| | Жами | 18 | 18 | **22** |
| | Ҳаммаси | **58** | | |

## 1.3. Мавзуларнинг номи, уларнинг мазмуни, маъруза машғулотларининг соатлардаги ҳажми.

| № | Марузалар мавзусининг номи | Мавзу саволлари | Ажратилган соатлар ҳажми |
|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| 1 | Меҳнат бозори статистикасининг предмети ва методи. | Бозор иқтисодиёти шароитида мехнатга мунособат. Мехнат бозори статистикаси предмети. Мехнат бозори статистикаси иқтисодий статистиканинг йўналиши сифатида.<br>Мехнат бозори статистикаснинг усуллари. Математик усуллардан фойдаланиш. Кўрсаткичлар тизими. Меҳнат бозори статистикаси фанининг бошқа статистик фанлар билан боғлиқлиги. | 2 |
| 2 | Меҳнат ресерслари статистикаси – меҳнат статистикасининг ўрганиш объекти статистикаси | Меҳнат ресурслари хақида тушунча ва уларнинг таркиби. Меҳнат ресурслари ишлаб чикпариш кучларининг асосий элементи сифатида.<br>Мехнат ресурсларидан фойдаланишни тахлилини такомиллаштириш ва уларни тармоқлараро ва регионлараро қайта тақсимлаш. Статистиканинг асосий вазифаси - меҳнат ресурсларидан фойдаланиш захираларини аниқлаш. Мехнат унумдорлиги ўсиш суръати ва ижтимоий ишлаб чикариш самарадорлигини ошишига бу вазифани таъсири.<br>Меҳнат ресурслари маълумотлар манбаи. | 2 |
| 3 | Халқ хўжалигида банд бўлганлар | Халқ хўжалигида банд бўлганлар динамикасини тавсифлаш.<br>Ходимлар сони ва уни аниқлаш хусусиятлари. Ходимларни категориялари бўйича таснифи. Доимий, мавсумий ва вақтинча ишловчилар сонини аниқлаш. Рўйхатдаги ходимлар ва ишга келганлар ўртача сонини хисоблаш.<br>Иш кучи сифати бўйича ўрганиш вазифалари. Иш жойи, бажараётган иш функциялари бўйича ходимлар таркибини ўрганиш.<br>Ходимлар жинси, ёши, билим даражаси, касби, иш жойи ва хокозолар бўйича гурухлаш.<br>Иш кучи харакати кўрсаткичлари. Иш кучи қўнимсизлиги.<br>Мўлжалланган ходимлар сонидан хақиқий ходимлар сонини тафовутини статистик тахлили. | 2 |
| 4 | Иш кучига талаб ва таклиф статистикаси | Иш кучи бозори таклифи асосий категориялари.<br>Потенйиал иш кучи таклифи, реал иш кучи таклифи. қўшимча иш кучи таклифи.<br>Социал – малакавий таркиби бўйича ходимлар асосий таснифи.<br>Иш кучи талаби асосий кўрсаткичлар тизими.<br>Бозор коньюктураси кўрсаткичлари тўла булмаган бандлиликни ўрганиш зарурияти.<br>Иш вакти узунлиги хақида меҳнат кодекси. Иш вақти статистикаси вазифалари. Иш вақти ўлчов бирликлари.<br>Ишланган киши-соат ва киши кунлар сарф этилган меҳнат ўлчов бирликлари сифатида. Ишланмаган иш вақтини сабаблари ва қўшимча имкониятларни аниқлаш. Кун бўйи, иш куни давомида иш вақти йўқотилишини ўрганиш. Устама иш вақтини ўрганиш.<br>Иш вақтини йўқотилишини пасайтириш натижасида қилинган иқтисодий самарани аниқлаш.<br>Иш вақти таркибини хронометрик, иш вақтини суратга олиш ёрдамида ўрганиш.<br>Иш вақтидан фойдаланиш кўрсаткичлари. Календар ва максимал имкониятли иш вакти фондлари. Шу фондлардай фойдаланиш кўрсаткичлари.<br>Ўртача хақиқий ва ўртача белгиланган иш даври узунлигини хисоблаш усуллари. Иш даври узунлигидан фойдаланиш кўрсаткичи. Иш вақти балanслари. Мехнаткашларни вақт бюджети кўрсаткичлари. Ишдан ташкари вактни статистпк ўрганиш. | 2 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 5 | Меҳнат потенциалидан фойдаланиш самарадорлиги статистикаси | Ахоли фаровонлигини ўсишида мехнат унумдорлигини ошишини ахамияти.<br>Меҳнат унумдорлиги статистикаси вазифалари.<br>Меҳнат унумдорлиги даражасини хисоблаш усуллари. Меҳнат унумдорлиги даражасини ўрганишда қўлланиладиган иш вақти бирликлари. Турли хил иш вақти бирликларига хисобланган меҳнат унумдорлиги даражасини иқтисодий мохияти ва уларни боғлиқлилиги.<br>Ходимга ва бир ишчига хисобланган меҳнат унумдорлик кўрсаткичларини ахамияти ва иқтисодий мазмуни.<br>Меҳнат унумдорлиги динамикасини фрганиш. Натурал ва қиймат меҳнат унумдорлиги индекслари. Уларни мохияти ва хисоблаш. Турли хил иш вақти бирликларига нисбатан хисобланган мехнат унумдорлиги индекларини боғлиқлилиги.<br>Ўзгарувчан, доимий ва таркиб индекслари. Уларни хисоблаш, иқтисодий мохияти, хисоблаш усуллари ва боғлиқлиги.<br>Меҳнат унумдорлиги, вакт, махсулот ва хизматлар хажми индекслари боғлиқлиги. Мехнат унумдорлиги ўсиш омиллари. Алохида омилларни меҳнат унумдорлигига таъсирини ўршаниш индекслари. | 4 |
| 6 | Иш кучи қиймати статистикаси | Меҳнат хақи статистикаси вазифалари. Меҳнат хақи турлари. Меҳнат хақи фонди хақида тушунча. Ўртача иш хақини хисоблаш. Иш кучи харакатлари ва иш кучи бахоси.<br>Моддий рағбатлантириш фонди ва ундай фойдаланиш. Иш хақи фонди таркиби тахлили.<br>Иш хақи фондидан фойдаланишни назорат этиш. Унинг ўзгаришига ўртача иш хақини ва ходимлар сони ўзгаришини таъсири. Ўртача иш хақи турлари, уларнинг мохияти ва хисоблаш усуллари.<br>Иш хақи динамикасини ўрганиш ва мехнат унумдорлик динамикасига муносабати. Ўзгарувчан ва доимий иш хақи индекслари ва улар орасидаги боғлиқлик. | 4 |
| 7 | Ҳисоб меҳнат баланси | Умумий халқ хўжалик комплексида хар бир режаларни самарали ривожланишига қаратилган, ишлаб чиқариш кучларини жойлашишини такомиллаштириш вазифалари.<br>Хисобот меҳнат балансини ахамияти ва мазмуни. Шахарлар, туманлар ва вилоятлар бўйича меҳнат баланси.<br>Иш кучи харакати баланси. Иш вақтидан фойдаланиш баланси. Малакали ишчилар баланси, мутахассислар баланси.<br>Тармоқлараро мехнат баланси. Халқ хўжалигидаги тармоқлараро боғлиқликларни ўрганишда бу балансни ахамияти. | 2 |
| 8 | Иш кучининг турмуш, меҳнат ва дам олиш статистикаси | Бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий омилларидан бири - ахолини турмуш даражасини ошириш хисобланади.<br>Ахоли турмуш даражаси хақида тушунча ва уни статистик ўрганишнинг иқтисодий ахамияти.<br>Ахоли турмуш даражасини кўрсаткичлар тизими ва уни ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларига боғлиқлиги.<br>Истеъмолни хажми, ўртача даражаси, таркиби, динамикаси кўрсаткичлари.<br>Ахолини даромади ва истеъмоли орасидаги боғлиқликлар ва қонуниятларини статистик ўрганиш. Ахоли жон бошига даромад ва истеъмол таркибини боғлиқлиги. Истеъмол эгилувчанлик кўрсаткичи.<br>Реал иш хақи ва реал даромад динамикасини хисоблаш усуллари. Ахоли турмуш даражасини ўрганишда ахоли бюджетини кузатиш ахамияти.<br>Меҳнаткашни дам олиш хукуки, бўш вақтдан фойдаланишини ўрганиш.<br>Меҳнаткашларни ишдан ташкари вақтдан фойдаланиш кўрсаткичлари.<br>Хизмат кўрсатиш сохаларини яхшилаш бўш вақтни ошиши омили | 2 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | сифатида. Аҳоли турмуш дарадаси хақида маълумотлар манбаи. | |

# 1.4. Семинар машғулотлари мавзуларининг номи, уларнинг мазмуни ва уларга ажиратилган соатлар ҳажми

| № | Семинар машғулотлар мавзусининг номи | Мавзу саволлари | Ажратилган соатлар ҳажми |
|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| 1 | Меҳнат бозори статистикасининг предмети ва методи. | 1.1. Меҳнат статистикаси» фанининг предмети, унинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва асосий вазифалари.<br>1.2. «Меҳнат статистикаси» да қўлланиладиган усуллар.<br>1.3. Халқаро Меҳнат Ташкилоти ва унинг статистик фаолияти.<br>1.4. «Меҳнат статистикаси» нинг кўрсаткичлари тизими. | 2 |
| 2 | Меҳнат ресерслари статистикаси – меҳнат статистикасининг ўрганиш объекти статистикаси | 2.1. Меҳнат потенциали ва меҳнат ресурслари ҳақида тушунча<br>2.2. Меҳнат ресурслари сони ўзгаришига таъсир этувчи омиллар | 2 |
| 3 | Халқ хўжалигида банд бўлганлар | 3.1. Меҳнат ресурслари баланси.<br>3.2. Иқтисодий фаол аҳоли.<br>3.3. Микро даражада банд бўлганларни сатистик ўрганиш. | 2 |
| 4 | Иш кучига талаб ва таклиф статистикаси | 4.1. Ишчи кучининг таклиф кўрсаткичлари .<br>4.2. Ишчи кучига талаб кўрсаткичлари . | 2 |
| 5 | Меҳнат потенциалидан фойдаланиш самарадорлиги статистикаси | 5.1. Иш вақти ўлчов бирликлари .<br>5.2. Иш вақти фондлари ва улардан фойдаланиш.<br>5.3. Иш даври давомийлиги ва ундан фойдаланиш кўрсаткичлари.<br>5.4. Иш вақти баланси. | 4 |
| 6 | Иш кучи қиймати статистикаси | 6.1. Меҳнат унумдорлигини статистик ўрганишнинг назарий асослари.<br>6.2. Унумдорликнинг статистик кўрсаткичлари тизими.<br>6.3. Меҳнат унумдорлиги динамикаси. | 4 |
| 7 | Ҳисоб меҳнат баланси | 7.1. Ишчи кучининг қиймати тушунчаси ва унинг кўрсаткичлари тизими.<br>7.2. Меҳнатга ҳақ тўлаш кўрсаткичлари.<br>7.3. Истеъмол баҳолари индексини ҳисоблаш.<br>7.4. Ишчи кучига билвосита харажатлар статистикасининг асосий кўрсаткичлари. | 2 |
| 8 | Иш кучининг турмуш, меҳнат ва дам олиш статистикаси | **8.1. Турмуш даражаси тушунчаси ва унинг кўрсаткичлари тизими.**<br>8.2. Аҳоли даромадлари даражаси ва динамикаси статистикаси.<br>8.3. Аҳоли харажатлари ва жамғармалари статистикаси.<br>8.4. Аҳолининг моддий бойлик ва хизматларни истеъмол қилиш кўрсаткичлари.<br>8.5. Чакана товар айланиши статистикаси.<br>8.6. Аҳолининг бўш вақтдан фойдаланиш кўрсаткичлари.<br>8.7. Аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи умумлаштирувчи кўрсаткичлар. | 2 |

2. Амалий (семинар) машғулотларининг намунавий мавзуси.

**1-мавзу. «Меҳнат статистикаси» фанининг предмети ва усули (2 соат).**
**1-Машғулот (2 соат).**

1. Меҳнат статистикаси» фанининг предмети, унинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва асосий вазифалари.
2. «Меҳнат статистикаси» да қўлланиладиган усуллар.
3. Халқаро Меҳнат Ташкилоти ва унинг статистик фаолияти.
4. «Меҳнат статистикаси» нинг кўрсаткичлари тизими.

**Адабиётлар**

1. Акбарова З. Меҳнат статистикаси. Ўқув қўлланма. – Т., «Адабиёт жамғармаси», 2004 йил.
2. Адамов В.Е. Экономика и статистика фирм.- М.: Финансў и статистика, 2000.
3. Доклад о мировом развитии. 2000-2001гг.

**2-мавзу. Меҳнат потенциали ва меҳнат ресурслари меҳнат бозори статистикасининг ўрганиш субъекти сифатида (2-соат).**
**1-Машғулот (2 соат).**

1. Меҳнат потенциали ва меҳнат ресурслари ҳақида тушунча
2. Меҳнат ресурслари сони ўзгаришига таъсир этувчи омиллар

**Адабиётлар**

1. Адамов В.Е. Экономика и статистика фирм.- М.: Финансў и статистика, 2000.
2. Назаров М.Г. Курс социально-экономической статистики. -М.: Финстатинформ, 2000.
3. Акбарова З. Меҳнат статистикаси. Ўқув қўлланма. – Т., «Адабиёт жамғармаси», 2004 йил.

**3-мавзу. Иш кучи статистикаси (2-соат).**
**1-Машғулот (2 соат).**

1. Меҳнат ресурслари баланси.
2. Иқтисодий фаол аҳоли.
3. Микро даражада банд бўлганларни сатистик ўрганиш.

**Адабиётлар**

1. Адамов В.Е. Экономика и статистика фирм.- М.: Финансў и статистика, 2000.
2. Доклад о мировом развитии. 2000-2001гг.
3. Акбарова З. Меҳнат статистикаси. Ўқув қўлланма. – Т., «Адабиёт жамғармаси», 2004 йил.

**4-мавзу. Ишчи кучига талаб ва таклиф (2 соат).**
**1-Машғулот (2 соат).**

1. Ишчи кучининг таклиф кўрсаткичлари .
2. Ишчи кучига талаб кўрсаткичлари .

**Адабиётлар**

1. Акбарова З. Меҳнат статистикаси. Ўқув қўлланма. – Т., «Адабиёт жамғармаси», 2004 йил.
2. Иванов Ю.Н. Экономическая статистика. М.: Инфра, 2000.
3. Назаров М.Г. Курс социально-экономической статистики. – М.: Финстатинформ, 2000.

### 5-мавзу. Иш вақти статистикаси (4-соат).

### 1-Машғулот (2 соат).

1. Иш вақти ўлчов бирликлари .
2. Иш вақти фондлари ва улардан фойдаланиш.

**Адабиётлар**

1. Акбарова З. Меҳнат статистикаси. Ўқув қўлланма. – Т., «Адабиёт жамғармаси», 2004 йил.
2. Назаров М.Г. Курс социально-экономической статистики. - М.: Финстатинформ, 2000.
3. Махмудов Б. Миллий ҳисоблар тизими.- Т.: 2003.

### 2-Машғулот (2 соат).

1. Иш даври давомийлиги ва ундан фойдаланиш кўрсаткичлари.
2. Иш вақти баланси.

**Адабиётлар**

1. Акбарова З. Меҳнат статистикаси. Ўқув қўлланма. – Т., «Адабиёт жамғармаси», 2004 йил.
2. Назаров М.Г. Курс социально-экономической статистики. – М.: Финстатинформ, 2000.
3. Махмудов Б. Миллий ҳисоблар тизими.- Т.: 2003.

### 6-мавзу. Меҳнат потенциалидан фойдаланиш самарадорлиги статистикаси (4соат).

### 1-Машғулот (2 соат)

1. Меҳнат унумдорлигини статистик ўрганишнинг назарий асослари.
2. Унумдорликнинг статистик кўрсаткичлари тизими.

**Адабиётлар**

1. Акбарова З. Меҳнат статистикаси. Ўқув қўлланма. – Т., «Адабиёт жамғармаси», 2004 йил.
2. Додобобоев Ю.Т. и др. Макроэкономика.- Т.: Фан, 1999.
3. Годовой отчет Всемирного банка. 2000г. Ежегоднўй обзор и итоги финансовой деятельности.

**2-Машғулот (2 соат)**

1. Меҳнат унумдорлиги динамикаси.
2. Меҳнат унумдорлигини ўлчаш тамойиллари.

**Адабиётлар**

1. Акбарова З. Меҳнат статистикаси. Ўқув қўлланма. – Т., «Адабиёт жамғармаси», 2004 йил.
2. Додобобоев Ю.Т. и др. Макроэкономика.- Т.: Фан, 1999.
3. Годовой отчет Всемирного банка. 2000г. Ежегоднўй обзор и итоги финансовой деятельности.

**7-мавзу. Ишчи кучи Қиймати статистикаси (2 соат).**

**1-Машғулот (2 соат).**

1. Ишчи кучининг қиймати тушунчаси ва унинг кўрсаткичлари тизими.
2. Меҳнатга ҳақ тўлаш кўрсаткичлари.
3. Истеъмол баҳолари индексини ҳисоблаш.
4. Ишчи кучига билвосита харажатлар статистикасининг асосий кўрсаткичлари.

**Адабиётлар**

1. Акбарова З. Меҳнат статистикаси. Ўқув қўлланма. – Т., «Адабиёт жамғармаси», 2004 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2000-2001 йил ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари.- Т.:2001.
3. Кузнецова Е.В. Индекс человеческого развития и тенденции его изменения в России и зарубежнўх странах. Вопросў статистики, №2 за 1999.

**8-мавзу. Ишчи кучининг турмуш, меҳнат ва дам олиш шарот-шароитлари статистикаси (2 соат).**

1-Машғулот (2 соат).

**1. Турмуш даражаси тушунчаси ва унинг кўрсаткичлари тизими.**

2. Аҳоли даромадлари даражаси ва динамикаси статистикаси.
3. Аҳоли харажатлари ва жамғармалари статистикаси.
4. Аҳолининг моддий бойлик ва хизматларни истеъмол қилиш кўрсаткичлари.
5. Чакана товар айланиши статистикаси.
6. Аҳолининг бўш вақтдан фойдаланиш кўрсаткичлари.
7. Аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи умумлаштирувчи кўрсаткичлар.

**Адабиётлар**

1. Акбарова З. Меҳнат статистикаси. Ўқув қўлланма. – Т., «Адабиёт жамғармаси», 2004 йил.
2. Адамов В.Е. Экономика и статистика фирм. – М.: Финансў и статистика, 2000.
3. **Иванов Ю.Н. Экономическая статистика. М.: Инфра, 2000.**

3. Информацион услубий таъминот.

3.1. Асосий адабиётлар.

1. Статистика труда. Н.М. Еремена. В.П.Маршалова. М.: 1988
2. Н.К.Акипшина. Статистика труда. М.:1997
3. Экономическая статистика. Под.ред. Ю.Н.Иванова. М.: 1998
4. П.Липпи. Экономическая статистика. М.:1998
5. Акбарова З. Меҳнат статистикаси. Ўқув қўлланма. – Т., «Адабиёт жамғармаси», 2004 йил.

Қўшимча адабиётлар.

1. Методологическая положения по статистике. М.: 1996
2. Интегрированное система статистики заработной платў. М.: 1994
3. Современнўе международнўе рекомендации по статистике труда. М.: 1994
4. Обследования экономически активного населения: занятость, безработица, неполная занятость. М.: 1994.
5. Макроэкономика. Эдвин Дж. Далон . Санк-Петербург. 1994
6. Государсвенная программа перехода республики «Узбекистан на принятую в международной практике систему учета и статистики». Журнал «Экономика и жизнь» №1-2. 1995.
7. Акбарова З. Меҳнат статистикаси. Ўқув қўлланма. – Т., «Адабиёт жамғармаси», 2004 йил.
8. Соатов Н.М. Статистика. Дарслик. – Т, «Абу Али Ибн Сино», 2004 йил.

Фойдаланилган Internet адреслари рўйхати:

1. Yonsei University, Korea (www.yonsei.ac.kr)
2. МЭСИ (www.mesi.ru).

**МУНДАРИЖА**


КИРИШ............................................................................................ 3
I боб. «МЕҲНАТ СТАТИСТИКАСИ» ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА УСУЛИ.............................................................................................. 4
1.1.«Меҳнат статистикаси» фанининг предмети, унинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва асосий вазифалари........................................... 4
1.2.«Меҳнат статистикаси»да қўлланиладиган усуллар......................... 6
1.3.Халқаро меҳнат ташкилоти ва унинг статистик фаолияти........... 9
1.4.«Меҳнат статистикаси»нинг кўрсаткичлари тизими....................... 10
Қисқача 13
хулосалар…………………………………………………………… 14
Назорат ва муҳокама учун 14
саволлар…………………………………….
Асосий
адабиётлар……………………………………………………………… 15
II боб. МЕҲНАТ ПОТЕНЦИАЛИ ВА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ
МЕҲНАТ БОЗОРИ СТАТИСТИКАСИНИНГ ЎРГАНИШ СУБЪЕКТИ 15
СИФАТИДА....................................................................................... 17
2.1.Меҳнат потенциали ва меҳнат ресурслари ҳақида 19
тушунча............................................................................................ 19
2.2. Меҳнат ресурслари сони ўзгаришига таъсир этувчи омиллар…….. 20
Қисқача 21
хулосалар…………………………………………………………… 21
Назорат ва муҳокама учун 22
саволлар……………………………………. 28
Асосий 32
адабиётлар……………………………………………………………… 33
III боб. ИШ КУЧИ СТАТИСТИКАСИ............................................. 33
3.1.Меҳнат ресурслари баланси.............................................................. 34
3.2. Иқтисодий фаол аҳоли......................................................................... 34
3.3 Микродаражада банд бўлганларни сатистик ўрганиш.................. 38
Қисқача 42
хулосалар…………………………………………………………… 43
Назорат ва муҳокама учун 43
саволлар……………………………………. 44
Асосий 44
адабиётлар……………………………………………………………… 44
IV боб. ИШЧИ КУЧИГА ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ......………………….. 46
4.1. Ишчи кучининг таклиф кўрсаткичлари. ...................................…….. 47
4.2. Ишчи кучига талаб кўрсаткичлари ..........................................…….. 49
Қисқача 49
хулосалар…………………………………………………………… 49
Назорат ва муҳокама учун

саволлар………………………………………… 50
Асосий
адабиётлар……………………………………………………………… 50
. 53
V боб. ИШ ВАҚТИ СТАТИСТИКАСИ........................................………… 57
5.1. Иш вақти ўлчов бирликлари. ...............................................…… 62
5.2. Иш вақти фондлари ва улардан фойдаланиш...........................…… 63
5.3. Иш даври давомийлиги ва ундан фойдаланиш кўрсаткичлари…… 63
5.4. Иш вақти баланси.......……...................................................………….. 64
Қисқача
хулосалар……………………………………………………………… 64
Назорат ва муҳокама учун 65
саволлар………………………………………… 69
Асосий
адабиётлар……………………………………………………………… 71
VI боб. МЕҲНАТ ПОТЕНЦИАЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ 73
САМАРАДОРЛИГИ СТАТИСТИКАСИ.......................................…… 74
6.1.Меҳнат унумдорлигини статистик ўрганишнинг назарий 74
асослари..........................................................................……
6.2.Унумдорликнинг статистик кўрсаткичлари тизими.....................…….. 75
6.3.Меҳнат унумдорлиги динамикаси............................................……
Қисқача 75
хулосалар……………………………………………………………… 76
Назорат ва муҳокама учун 78
саволлар…………………………………………
Асосий 79
адабиётлар……………………………………………………………… 81
VII боб. ИШЧИ КУЧИ ҚИЙМАТИ СТАТИСТИКАСИ.................... 83
7.1.Ишчи кучининг қиймати тушунчаси ва унинг кўрсаткичлари
тизими.......................................................................…… 83
7.2.Меҳнатга ҳақ тўлаш кўрсаткичлари........................................……… 86
7.3.Истеъмол баҳолари индексини ҳисоблаш услубяти....................……… 86
7.4.Иø÷è êó÷èãà áèëâîñèòà õàðàæàòëàð ñòàòèñòèêàñèíèíã àñoñèé 87
êûðñàòêè÷ëàðè........................................................................…… 88
Қисқача 90
хулосалар………………………………………………………………
Назорат ва муҳокама учун
саволлар…………………………………………
Асосий
адабиётлар………………………………………………………………
VIII боб. ИШЧИ КУЧИНИНГ ТУРМУШ, МЕҲНАТ ВА ДАМ ОЛИШ
ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ СТАТИСТИКАСИ..........................
8.1.Турмуш даражаси тушунчаси ва унинг кўрсаткичлари

тизими...........................................................................................
8.2.Аҳоли даромадлари даражаси ва динамикаси статистикаси...…..
8.3.Аҳоли харажатлари ва жамғармалари статистикаси..............……
8.4.Аҳолининг моддий бойлик ва хизматларни истеъмол қилиш кўрсаткичлари..................................................................……
8.5.Чакана товар айланиши статистикаси......................................……
8.6.Аҳолининг бўш вақтдан фойдаланиш кўрсаткичлари.......................……
8.7.Аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи умумлаштирувчи кўрсаткичлар............................................................………
Қисқача хулосалар…………………………………………………………
Назорат ва муҳокама учун саволлар…………………………………….
Асосий адабиётлар…………………………………………………………
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ......................................………………….
Ишчи дастур…………………………………………………………….